



Термиз – табаррук замин




Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!



ПОСТДА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 22 апрель, шанба • 16 (3650)-сон

ҲАЙДОВЧИ ИНТИЗОМЛИ, ЎЎЛОВЧИ ҲУШЁР БЎЛСИН!



Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «Автомобиль транспортда йўловчилар ташиш борасидаги тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қарорлари аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш йўналишларини белгилаб берди.



POSTDA-TV



**МУНАЖЖИМЛАР
БАШОРАТИ**
Келгуси ҳафта учун

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРГА БАФИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВга жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича Евроосиё гуруҳи (ЕОГ) раиси В. Зубков раҳбарлигидаги делегация таширифт буюрди. Делегацияни республика Ички ишлар вазирлигининг ўринбосари, полковник А. Шарафутдинов қабул қилди.

Ушбу ташкилот FATF типидида тузилган бўлиб, Марказий Осиё минтақаси мамлакатларини ўз ичига олади. FATF ташкилоти эса 1989 йилда катта «етгилик» мамлакатлари томонидан ташкил этилган ҳукуматлараро идорадир. Унда иш олиб борадиган экспертлар жиноий жазоларнинг легаллаштирилиши ва терроризмга қарши кураш бўйича миллий қонунларни, ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасидаги ислохотларни амалга ошириш билан шуғулланишади.

Утган йили декабрь ойида ЕОГнинг кенгайтирилган мажлисида Ўзбекистонга

ушбу ташкилот аъзоси мақоми берилган эди. Шу мажлисда ЕОГнинг 2006-2008 йилларга мўлжалланган стратегик режаси ҳам тасдиқланди. Бугунги кунда ушбу ташкилот таркибига Беларусь, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Тожикистон ва Ўзбекистон киради.

Учрашув чоғида ЕОГга аъзо мамлакатларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш борасидаги қонунчилик базасини такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг ушбу соҳаси билан шуғулланувчи ходимларнинг малакасини ошириш, ўзаро тажриба алмашишни янада яхшилаш каби қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда ЕОГнинг ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ қатор бошқармаларининг раҳбар ходимлари иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз.



Суратда: қабул маросимидан лавҳа. Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ ВАТАНГА

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида тингловчиларни Ватанга, аجدодлар жасоратига ва бурчга садоқатли, етук мутахассис кадрлар этиб тайёрлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.



Яқинда олий техник мактабининг Сирғалидаги ўқув масканида шахсий таркиб кучи билан бунёд этилган — улуғ Соҳибқирон Амир Темур ёдгорлиги ва ўқув-ёнғин ўчириш қисми янги биносининг очилиш маросими ҳамда «Наврўз» умумхалқ байрамига бағишланган спорт мусобақаларининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди.

Мактаб бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор, генерал-майор М. Собиров тантанали тадбирни очиб, буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темурга эҳтиром рамзи сифатида ёдгорлик ҳамда унинг номидаги майдонча қуриб битказилганлигини қайд этди.

Ўқув юртида буюк

бобомиз майдончаси ва ёдгорлиги бунёд этилишининг тарбиявий аҳамияти катта. Чунки ҳали бу ёдгорлик қошида кўплаб тантанали маросимлар ўтказилиб, юзлаб, минглаб мактаб тингловчи ва курсантлари шу олий даргоҳни битказиб, ўз халқи ва Ватанига Амир Темурдек садоқат билан хизмат қилишга, ўз хизмат фаолиятларида адолат билан иш юритишга қасамёд қиладилар.

Тадбирда мактаб профессор-ўқитувчилари номидан сўзга чиққан гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси бошлиғи, тарих фанлари номзоди, подполковник Д.Бахронов буюк Соҳибқирон А.Темурнинг ҳарбий маҳоратини ёшларга

ўргатиш, уларни Ватанга ва бурчга садоқат руҳида тарбиялашдаги ўрни муҳим эканлигини таъкидлади.

Мактаб курсантлари номидан сўзга чиққан 4-курс тингловчиси А. Турсунов таълим олишларига барча шарт-шароитларни яратиб берганликлари учун республика Ички ишлар вазирлиги ва мактаб

раҳбариятига миннатдорчилик изҳор этди. У улуғ бобомиз Амир Темурнинг тарих олдидаги хизматлари ва буюк жасоратлари курсантлар учун ҳамиша ибрат мактаби бўлиб қолажани, улар ҳамиша аждодлар матонатига содиқ қолиб, ўз Ватани, халқи ва Президенти учун жонларини ҳам аямайдиган, етук мутахассислар, ҳақиқий ватанпарвар ўғлонлар бўлишига ваъда беражакларини билдирди.

Тадбир якунида республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник А. Қўлдошев, ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истефодаги генерал-майор Ф. Раҳимов, мактаб бошлиғи, генерал-майор М. Собиров билан биргаликда ёдгорлик маж-

муасини очишди. Ҳамнинг кўз олдида олис-олисларга мардона боқиб турган буюк бобомиз — Амир Темурнинг улуғ ва шижоатли сиймоси намоён бўлди. Шунда йиғилганларнинг гулдурас қарсақлари янгради.

Шундан сўнг меҳмонлар мактаб раҳбарияти ва шахсий таркиб томонидан ички имкониятларни ишга солган ҳолда, ўз кучлари билан қуриб битказилган курсантларнинг амалий билимларини оширишга мўлжалланган ўқув-ёнғин ўчириш қисмининг янги биносини бориб кўрдилар.

Тадбир қатнашчилари, шунингдек, мактаб спортчи — курсантлари томонидан «Наврўз» байрамига бағишлаб ўтказиб келинаётган футбол, енгил атлетика, ишғол қилиш нарвони билан ўқув минорасининг 4-қаватига кўтарилиш, тўсиқлар оша 100 метрга югуриш, тош кўтариш, тўппончадан ўқ отиш, арқон тортиш каби турлари бўйича мусобақаларининг финал ўйинини томоша қилдилар.

Тантанали тадбирда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Ҳ. Ибрагимов иштирок этди.

З. НЕЪМАТОВ,
подполковник.

Суратларда: тантанали тадбирдан лавҳалар.

Ўтган йили май ойида юз берган Андижон воқеаларидан кейин она-юртимиз тинчлик ва осойишталиги нақадар азизлигини ҳамюртларимиз янаям чуқурроқ англаб етишди. Осойишталикни таъминлаш учун эса ҳушёр, огоҳ бўлиш лозим. Бунда ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига катта масъулият юкланади.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Ҳўжабод тумани Қирғизистон Республикаси билан чегарадош. «Тошкент — Андижон — Ўш — Қаш-қар» халқаро трассаси туман ҳудудидан ўтади. Бу йўл ниҳоятда серқатнов ҳисобланади. Афсуски, мамлакатимизга кириб келувчиларнинг ҳаммаси ҳам яхши ниятда бўлавермайди. Чегара ва божхона хизматлари билан ҳамкорликда ўтказилган текширувлар чоғида юртимизга аксилконституциявий мазмундаги адабиётлар, гиёҳвандлик моддалари, қурол-яроғлар, ўқ-дорилар олиб киришга уринишлар аниқланди. Туман ички ишлар ходимлари чегара ҳудудларида ноқонуний яшаётган шахсларни ҳамда ҳужжатларининг амал қилиш муддати тугаган фуқароларни аниқлашди.

Жамоат тартибини сақлаш, паспорт тартиб-ботини кучайтириш, мамлакатимизга ноқонуний йўллар билан киришга уринган шахсларни назорат қилиш мақсадида туманда 9 та назорат пункти ташкил этилди. Бу масканларда ички ишлар ходимлари билан бирга «Маҳалла побсонлари» жамоатчилиги тузилмаларининг аъзолари ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг вакиллари хизмат ўташади. Мазкур постлар телефон алоқалари ва бошқа зарур воситалар билан таъминланган. Туманнинг барча корхона ва ташкилотларида жадвал бўйича учрашувлар ўтказилмоқда. Уларда жамоат хавфсизлиги ва осойишталикни таъминлаш борасида кўрилиши зарур бўлган чоралар, огоҳлик ҳақида суҳбатлашиляпти.

Туман ИИБ ходимлари тезкор-қидирув тадбирлари чоғида илгари террорчилик ҳаракатларида қатнашган бир неча кишини қўлга олишди. Терговдан қочиб юрган шахслар аниқланди. Барча маҳалла йиғинларида ўзини-ўзи ҳимоя қилиш гуруҳлари тузилди. Бу гуруҳлар таркибига жисмонан чиниққан, сиёсий етук йигитлар кирган. Ўш вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан ҳамкорлик, ўзаро ахборот алмашуви ҳам ўз самарасини бермоқда.

Тўхтасин ҚОСИМОВ,
подполковник.

АНДИШАНИНГ ХАМ ЧЕГАРАСИ БОР

Эй одамзод, кўзингни оч, огоҳ бўл, бугун терроризмнинг даҳшатли қиёфасини англаш фурсати етди.

Ислом КАРИМОВ.

Қози бир кишини асосиз айблаб, тошбўрон қилиш ҳақида ноҳақ ҳукм чиқарибди. Шўрликни кўча четидаси дарахтга боғлаб қўйишибди. Утган ҳам, қайтган ҳам унга тошми, кесакми отар экан. Ҳалиги кишининг яккаю ягона жигари — укаси қозининг амрини бажарай, кўпдан қолмай деб чопонининг баридан бир чимдим увада пахта юлиб, намлабди-да акасига қараб отибди. Шунча тошкесак тегиб, юз-кўзи қонга беланса ҳам «вой» деб овоз чиқармаган ҳалиги киши пахта тегиши билан додлаб юборган экан.

Ҳар гал Андижон воқеаларини ўйлаганимда ана шу ҳикоят эсимга тушади. Ҳа, кишига бегоналар отган тош зарби унча билинмаслиги мумкин. Аммо ўзингники ўзагингни ўяман деса-чи?!

Ўша фожиали воқеалар юз берган куни мен ҳам ИИВ Матбуот маркази ходимларига раҳбарлик қилиб, Андижонга етиб бордим. Террорчиларнинг ваҳшиликларига ҳам, халқнинг бундан ғазабланганлигига ҳам гувоҳ бўлдим. Микрофон, камера кўтариб юрганимизни кўриб бир гуруҳ аёллар ёнимизга келишди. Бир-бирларига гал бермай гапира кетишди:

— Биз палаги тоза инсонлармиз. Ҳақиқий андижонлик ҳеч қачон ўз халқига қўл кўтармайди, ўз қавмининг қонини тўкмайди. Бу қонхўр, юртбузарлар бизнинг қавмимиздан эмас.

Улар қонлари қайнаб турган бўлса ҳам ҳақ гапни айтаётган эдилар. Чунки пайғамбаримиз (с.а.в) киши ким билан бирга бўлса, ўшанинг қавмидан бўлади, деганлар. Энди ўзингиз айтинг, ўзларини залолатга бошловчи раҳнамоларига эргашиб обод жойларни вайрон қилган, бегуноҳ одамларнинг қонини тўккан бу кимсаларни қайси қавмга қўшиш керак? Ҳар ҳолда ўз юртини гулларга буркаган андижонликлар қавмига эмас...

...Бир аёл ўғлининг мурдаси тепасида сочи ни юлиб, уввос тортиб

ийғлапти.

— Қаёқданам милисага ишга кирдинг, болам? Бошқа касблар бор эди-ку! Энди гулга кирганда хазон бўлган болам-ей! — дейди у уввос солиб.

Аёлга нима деб таскин беришни билмайман. Хаёлимга келган гаплар назаримда бачкана, арзимас, сунъийдек туюлаверади. Шу пайт сочларига оқ оралаган бир акахонга кўзим тушди. У подполковник формасидаги йигитнинг қонга беланган жасадини бағрига босиб, унсиз йиғларди. Тўғриси, ҳаётда аёлларнинг йиғисига анча кўникиб қолганмиз, яъни, улар хафа бўлишса ҳам, қувонишса ҳам кўз ёши қилаверишади. Аммо эркак кишининг йиғиси еру кўкни титратади, юракларни ларзага келтиради. Шунинг учун, нима қилиб бўлса ҳам, бу кап-катта кишини ўкириб йиғлашдан тўхтатиб қолиш учун ёнига келсам, у:

— Ўғлим, сендан у дунёю бу дунё розиман! Илойим, жойинг жаннатда бўлсин, — деяётган экан. Бу сўзларни эшитиб кўзларимдан ёш тирқираб кетди. Акахон аҳволимни кўриб:

— Нега йиғлайсиз, йиғламанг, — деди ўзи ҳам кўз ёшини тия олмай ўқиб-ўқиб йиғлар экан. — Бир бошга бир ўлим. Болагинан чинакам эр йигитнинг ўлимни топди. Шаҳид кетди. Эл-юртининг тинчлик-осойишталигини сақлай деб қурбон бўлди. Бу ҳаммага ям насиб этавермайди.

Ўзим истеъфодаги подполковникман.


Ўғлимнинг математикага қобилияти кучли эди. Ўша соҳани танла десам ҳам, йўқ сизнинг ишингизни давом эттираман. Ота изидан борганлар кам бўлмайди, деб кўнмагани. Нуридийдамнинг қони бекорга тўкилгани йўқ. Унинг қони қутлуғ қондир...

Гўё мен унга эмас, у менга таскин бераётгандек эди. Шу сўзлардан сўнг юрагимни гурур ҳисси эгаллади. Ўғлининг жасади тепасида туриб шундай сўзни айта олган отани, шу ота мансуб Андижон халқини ҳеч ким энга олмаслигига иймон келтирдим.

Халқ бир бўлса, жипс бўлса, уни энгадиган куч дунёда топилмайди. Ушанда тинчлигимизни кўра олмайдиган ғаламислар элимиз орасига қутқу солишга уриндилар. Юртбошимиз: «Эй, одамзод, кўзингни оч, Ўзбекистонни вайронга, халқимизни қулга айлантирмоқчи бўлганлардан, болаларимизни алдаб, уларни ўзимизга қарши қайраб юрганлардан огоҳ бўл...» — деганларида нақадар ҳақ эдилар.

Ўзбек халқи не-не оғир қунларни бошидан кечирган. Ҳамиша қийин дамда элимиз янаям жипслашган, меҳр-оқибати кучайган. 1966 йилги Тошкент зилзиласи ҳамон ёдимда. Ушанда одамлар бир-бирига ҳар доимгидан ҳам меҳрибонроқ, ғамхўрроқ бўлиб қолганди. Қавм-қариндошлар, қўни-қўшниларгина эмас, ҳатто узоқ танишлар, етти ёт бегоналар ҳам бир-бирига ёрдам қўлини чўзган.

Ёки 1999 йил 16 февраль воқеаларини эсланг. Ушанда ҳам халқимиз Юртбошимиз теварагида астойдил жипслашганди. Жамоатчилик вакиллари дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини айблашга тушиб кетишмади. Биз қаёққа қарадик, дейишди. Ҳамма бир ёқадан бош чиқарди. Айрим ота-оналар ёт оқимлар таъсирига тушиб қолган болаларини қўлидан етаклаб ички ишлар



бўлимларига олиб келганига ўзим гувоҳ бўлганман. «Боламизни қутқариб қолинглар, бизнинг сўзимизни қулоғига олмаяпти, аллақандай ҳужраларга қатнапти. Бу ишининг охири войлигини унга тушунтиринглар. Жон укалар, ёрдам беринглар. Биздан ўтибди, фарзандимизга эътиборсизлик қилибмиз», — дейишганди улар.

«Андижон воқеалари чоғида ички ишлар ходимлари дастлаб саросимага тушиб қолишди, агар улар ўз вақтида қурол қўллашганида қурбонлар сони бундан кам бўларди» деганлар ҳам топилди. Менимча, милиция ходимларини қўрқоқликда, журъатсизликда айблаш инсофдан эмас. У ҳолда хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлганларнинг руҳини безовта қилиб қўямиз.

Тинч замонда одамга қарата ўқ узишнинг ўзи бўлмайди. Ҳатто уруш шароитида ҳам бу осон кечмайди. Фақат кўзлари қонга тўлган, онги сохта ғоялар билан заҳарланган, юраги тошга, ўзи манқуртга айланган кимсаларгина одам ўлдираётганда, сўяётганда бирор туки ҳам қилт этмайди. Ваҳоланки, Аллоҳ наздида энг оғир гуноҳлардан бири одам ўлдиришдир. Андижонда қанчалаб бегуноҳ инсонларнинг қонини тўккан террорчиларнинг ғоявий раҳбари Ақром Йўлдошевга бунни айтганимда, тутган йўллари хато эканлигини тан олди. Аммо энди кеч — гишт қолипдан кўчган эди.

Ўзбеклар сабр-бардошли, раҳм-шафқатли халқ. «Сабр таги — раҳмон», «Отангни ўлдир-

ганга онангни бер» дейди улар. Аммо андишанинг ҳам чек-чегараси бор. Сабр косаси тўлгач, ўзбекдек шижоатли, қони

қайноқ, ғазабкор халқни топиш қийин. Андижон фарзанди Абдулхамид Чўлпон «Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир» деб бекорга айтмаган. Бу куч билан ҳазиллашиб бўлмайди.

Мустақилликка эришганимиздан буён элимиз кўп синовлардан ўтди, истиқлол йўлида қурбонлар берди. Бу синовлар чоғида чиниқди, дўст киму душман кимлигини билиб олди. Айниқса, бошимизга оғир кун тушганда — Андижон воқеалари чоғида кўп нарсга аён бўлди. Террорчилик ҳаракати юз беришидан олдин худди бунинг олдиндан сезгандай қатор хорижлик журналистларнинг Андижонга етиб боргани мутахассислар тугул, оддий одамларни ҳам ўйлатиб қўйса керак. Баъзи бир давлатлар расмий вакиллари ушбу воқеалар юзасидан текшириш ўтказиш учун мустақил комиссия тузиш керак, деганини қандай тушуниш мумкин. Улар мустақил давлатнинг ички ишларига аралашшига ҳақлари йўқ-ку? Айрим хорижий оммавий ахборот воситалари «Андижонда тинч намоишга чиққан аҳоли ўққа тутилди», деб айюҳаннос солишидан мурод не эди? Ўзларини қип-қизил демократ деб ҳисоблайдиган баъзи давлатлар ҳатто ўз ҳудудларида ўтказиладиган сайловларга ҳам четдан бирорта кузатувчини қўйишмайди-ку. Айнан ўша мамлакатларда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жиноятлар юз бериши, инсон ҳуқуқларининг топталиши, улар-

нинг аскарлари демократия ёйиш учун қадам қўйган жойларида биродарқушлик урушлари бошланиб кетгани, кунда-кун ора портлашлар, қўпоровчиликлар бўлиб тургани, қанчалаб одамлар ҳаётдан кўз юмаётгани ҳеч кимга сир эмас-ку.

Ҳали-ҳануз ғаламислар мамлакатимиз шаънига туҳмат тошлари отиб туришибди.

«Нега баъзи кимсалар Ўзбекистон шаънига туҳмат тошини отишдан чарчашмаяпти? Биз бировнинг ишига аралашмасак. Тинчгина меҳнат қилишни маъқул кўрадиган халқ бўлсак. Бировнинг арпасини хом ўрмаган бўлсак» дерсиз. Мен ҳам бу ҳақда кўп ўйлаб кўрганман. Ҳақиқатан, дунёда ўзбекдек меҳнатқаш, уйим-жойим, бола-чақам дейдиган халқ кам топилса керак. Ўйлаб-ўйлаб бунинг сабабини топдим. Бизнинг халқимиз бамисоли узоқ, порлоқ манзилни кўзлаб йўлга чиққан катта карвонга ўхшайди. Карвон қанча катта бўлса, бой бўлса, унга кўз олайтирувчилар ҳам шунча кўп бўлади. Халқимиз топиб айтган бир гап бор. «Ит ҳураб, карвон ўтар». Ҳар бир ақиллаган итга эътибор берадиган бўлса, карвон йўлдан қолади. Кўзлаган манзилимиздан, мақсадимиздан чалғитмоқчи, йўлимизни тўсмоқчи бўлганларга эса айтадиган бир гапим бор. Бундайлар у қулоғига ҳам, бу қулоғига ҳам қўрғошиндек қуйиб олишсинки, нурли манзилларни кўзлаб сафарга чиққан карвонимизнинг қатъиятли, доно сарбони бор. Мард, жасур қўриқчилари бор бу карвоннинг. Оёғимиз остида ўралашидиганларга қарата: «Пушт, карвон ўтаяпти!» деб айтгим келади.

Азиз ЭРНАЗАРОВ,
журналист.
(«Халқ сўзи»дан олинди).

ҲАЙДОВЧИ ИНТИЗОМЛИ, ЙЎЛОВЧИ ҲУШЁР БЎЛСИН!



Халқимизнинг асрий орзулари ушалиб, мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан сўнг ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислохотлар бошланди. Хусусан, ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш, жамоат тартиби ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, транспорт коммуникацияларидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш мақсадида шўро даврида амалда бўлган ҳаракат хавфсизлигига оид қонун ва қоидалар, Ички ишлар вазирлиги томонидан чиқарилган ҳар бир буйруқ, меъёрий ҳужжатлар синчковлик билан ўрганилиб, қайтадан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бундай янги қонунчилик ҳужжатлари талаблари ўз навбатида республикаимизда бутунлай янги, аввалгисидан тубдан фарқ қиладиган, замон ва халқаро меъёрлар талабларига жавоб бера оладиган, маҳаллий шароит, урф-одатлар ва менталитетга мос келадиган, ўз сафларига маънан етук, виждонан пок ходимларни мужассамлаштира оладиган хизматни шакллантиришга туртки бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йўналишдаги фармонлари, шунингдек, республика Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари талабларини бажариш юзасидан аниқ мақсадли ишлар амалга оширилди. Энг аввало, вазирлик Давлат автомобиль назорати хизмати негизда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (ДЙХХХ) ташкил этилди. ДЙХХХ ходимлари зиммасига йўл ҳаракатини тартибга солиш ва ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини яратиш, йўл-патруль хизмати бўлинмаларининг хизмат ўташ ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш каби бир қатор муҳим вазифалар юклатилди.

Бундан ташқари, ДЙХХХ ходимларининг кўпоровчилик-терроризм, гиёҳвандлик моддалари, ўқотар қурол ва ўқ-дориларни ноқонуний ташиш ҳамда бошқа жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари билан самарали ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, қоидабузарликларга қарши самарали курашиш, йўл-транспорт ҳодисалари таҳлили асосида профилактик тадбирлар ишлаб чиқиш, шунингдек, олиб қочилган ва ўғирланган транспорт воситаларини қидириш, автоматотранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш меъёрлари ва қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, тегишли муассаса ва ташкилотлар билан биргаликда йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича стандарт, меъёр ва қоидаларни ишлаб чиқиш, йўллар, темир йўл кесимчалари, автоёнилғи қуйиш шохобчаларини куриш ва таъмирлаш лойиҳаларини йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларини эътиборга олган ҳолда кўриб чиқиш каби ишлар соҳа фаолиятининг асосий ва муҳим йўналишларидандир.

Юқорида таъкидланган ва зиммамиздаги бошқа кўплаб вазифаларни тез ва сифатли бажариш учун илғор технология ва замонавий компьютер техникалари, самарали диспетчерлик хизмати, ахборот-компьютер тизимларини жорий этиб, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда унинг бошқарув тизимини барпо этиш зарурати юзага келди.

Бунинг учун эса биринчи навбатда шу соҳада хизмат қиладиган ходимнинг билими, савияси юқори, Ватани ва халқи олдидаги масъулиятни нечоғли ҳис қилишига боғлиқ. Шу боис, ички ишлар тизимида амалга ошириладиган ислохотларда кадрларни танлаш, ўқитиш ва уларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Муҳтарам Юртбошимиз томонидан хизматимиз асосли равишда танқид қилинганда бу борада ҳали камчиликлар, ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар мавжудлиги янада яққол намоён бўлди. Шундан сўнг Президентимиз ушбу муаммоларга шахсан эътибор қаратиб, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тизимини такомиллаштириш, соҳа фаолиятини тубдан қайта ташкил этиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситалари техник ҳолатини яхшилаш юзасидан бир нечта муҳим қарорларни имзоладилар. Ана шу қарорлар талаблари ва йўл-йўриқлари асосида, ҳозирги кунда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати фаолиятида кескин ва аҳамияти бўйича катта ўзгаришлар амалга оширилади бошланди. Улар асосида ИИВ томонидан ушбу хизмат фаолиятини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли дастур ишлаб чиқилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, шу кунларда ДЙХХХ ходимлари навбатдан ташқари аттестациядан ўтказилмоқда. Аввалгиларидан кескин фарқ қилувчи ушбу синовларни ИИВ Марказий аттестация комиссияси қабул қилаёпти. Ҳозирги кунгача аттестацияга киритилган 70 нафар раҳбар ходимлардан 45 нафари эгаллаб турган лавозимга лойиқ, 16 нафари нолийқ деб топилди, 9 нафар ходим эса қайта аттестациядан ўтказилди.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБда ўтказилаётган аттестация жараёнида асосий эътибор ходимларнинг Ватани, халқига соддиқлиги, жисмоний ва жанговар тайёргарлиги, маънавий ва сиёсий дунёқароши, муомала маданияти, одоб-ахлоқига қаратилмоқда. Пойтахтда ҳозирги кунгача аттестациядан ўтказилган 300 нафар ходимнинг 215 нафари ана шу талабларга жавоб берганлиги учун эгаллаб турган лавозимга лойиқ, 73 нафари эса нолийқ, деб топилди.

Биз йигирма биринчи асрда яшаймиз. Давр шиддат билан олға бормоқда. Ҳаётимизнинг ҳар бир соҳаси жадал суръатларда ривожланмоқда. Шундай экан, ҳозир эскича иш усулларини қўлаб бўлмайдир. Биз замон билан ҳамнафас бўлишимиз керак. Ўзгача тарзда ишлайдиган бўлсак муҳтарам Президентимиз, республикаимиз ҳукумати томони-

дан олдимизга қўйилаётган вазифаларни бугунги кун талаби даражасида бажара олмаймиз. Вазифалар эса оз эмас. Биргина йўловчи ташувчи транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солишни олиб кўрайлик. Маълумки, Президентимизнинг «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчи ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Автомобиль транспортда йўловчилар ташиш борасидаги тadbиркорлик фаолиятининг айрим турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорлар талабларини ўз вақтида ва ўлатадиган бажарилишини таъминлаш мақсадида ИИВнинг буйруқ ва фармойиши эълон қилиниб, Президент қарорлари талаблари ижроси юзасидан вазирлик комиссияси таркиби тасдиқланди. Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБда ишчи гуруҳи тузилиб, унга юқоридаги қарорлар ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва таҳлилий маълумотлар ҳамда таклифлар тайёрлаш вазифаси топширилди. Йўловчи ташиш билан шуғулланувчи транспорт воситалари ишини тартибга солиш, улар фаолияти устидан назоратни кучайтириш, техник кўрик ва ҳайдовчиларнинг тиббий кўриги ўтказилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББда 200 киши, Тошкент вилояти ИИБда 50 кишидан иборат махсус гуруҳлар ташкил этилиб, улар кечаюкундуз фаолият олиб боришмоқда. Ушбу гуруҳлар Давлат солиқ кўмитаси, Ўзбекистон автомобиль ва таси транспорт агентлиги ва Тошкент шаҳар йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ходимлари билан ҳамкорликда рейдлар ўтказишмоқда. Тошкент шаҳри ва вилоятида ташкил этилган рейдларда транспорт воситалари текширилиб, турли қоидабузарликлар аниқланди. Жумладан, 4508 нафар ҳайдовчи тегишли ҳужжатларсиз, 82 нафари маст ҳолда, 835 нафари техник носоз транспортни бошқаргани, 244 та транспорт воситаси мажбурий техник кўриктан ўтмагани, 35 таси тегишли рұхсатсиз қайта жиҳозлангани, шунингдек, йўналиш чизмаси, йўл варақаси, лицензияси бўлмаган ҳолатлар ва бошқа қоидабузарликларга йўл қўйилгани маълум бўлди. Йўловчи ташиш билан шуғулланаётган ва камчиликлари мавжуд бўлган 6444 та транспорт воситасидан йўловчи ташувчи йўналишларда фойдаланиш тақиқланиб, вақтинча жарима майдонига киритилди. Мазкур транспорт воситаларининг ҳайдовчиларига нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Шундан сўнг уларга аниқланган техник нуқсонларни бартараф этиш ҳамда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланиш учун зарур бўлган ҳужжатларни жамлаш кераклиги тушунтирилиб, транспорт воситалари жарима майдонларидан чиқариб юборилди.

Тегишли ҳужжатларсиз фаолият кўрсатган ҳамда йўл ҳаракати қоидаларини бузган йўловчи ташувчи транспорт воситалари ҳайдовчилари ва ташкилот раҳбарларига нисбатан 14 миллион сўмдан ортиқ миқдорда жарима солинди.

Шунингдек, йўловчи ташиш билан шуғулланувчи 20 мингдан ортиқ транспорт воситаларининг экологик ҳолати текширилиб, улардан 3651 таси экологик жиҳатдан носоз эканлиги аниқланди. Ҳайдовчиларга нисбатан 5 миллион сўмдан ортиқ миқдорда жарима солинди. Бу биргина Тошкент шаҳри ва вилоятидаги ҳолат. Республикаимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам мазкур йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда.

Бундан ташқари, йўловчиларга қулайликлар яратиш, транспорт хизмати кўрсатиш маданиятини юксалтириш, йўловчи ташувчиларнинг йўловчилар олдидаги масъулиятини ошириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартдаги Қарори асосан эндиликда йўловчи ташиш фаолияти билан фақатгина юридик шахс мақомига эга бўлган ҳолда шуғулланиш мумкин. Тадбиркорликнинг ушбу турини танлаган шахслар масъулияти чекланган жамият, фирма ва уюшмаларга аъзо бўлишади. Ушбу юридик ташкилотлар мутасаддилари фаолиятнинг бу тури билан шуғулланишга рұхсат берувчи барча ҳужжатларни тайёрлаб беришади. Ҳар кун йўналишга чиқишдан олдин ҳайдовчи тиббий кўриктан, транспорт воситаси эса техник кўриктан ўтказилади. Бошқача айтганда, ҳайдовчини ҳам, транспорт воситасининг техник ҳолатини ҳам доимий назорат қилиш имконияти туғилади, бу ҳолатларга жавобгар, уни назорат қиладиган масъул шахслар бўлади. Ҳайдовчининг олдида эса битта вазифа қўйилади. У ҳам бўлса «Йўл ҳаракати қоидалари»га қатъий амал қилган ҳолда йўловчиларни ўз манзилларига етказишдир. Албатта, бу ўта масъулиятли ва доимий назоратни талаб қиладиган вазифа. Чунки, аксарият фуқаролар асосан йўналишли автобус ва кичик автобуслар хизматидан фойдаланишади. Шу сабабли йўловчи хавфсизлигини таъминлаш масъулиятини унутмаслик, йўловчи ташиш фаолиятига эса шунчаки тирикчилик манбаи, деб қарамаслик зарур. Ана шундагина йўловчи хавфсизлигини таъминлаш кафолати ортади.

Юқоридаги Қарорлар талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳозирги кунда жамоат транспорт тўхтайдиган бекатларнинг ҳолати ҳам қайтадан ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Айниқса, сўнгги, яъни бош бекатларда йўловчилар

учун ҳам, ҳайдовчилар учун ҳам ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратилаёпти. Бир-бирдан кўркам ва бежирим бекатлардан йўловчилар мамнуният билан фойдаланишмоқда.

Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида йўловчи ташувчи транспорт воситаларини белгиланган муддатда навбатдан ташқари мажбурий техник кўриктан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Шу мақсадда Тошкент шаҳрида 5, Тошкент вилоятида 21 та йўловчи ташиш билан шуғулланувчи транспорт воситаларини мажбурий техник кўриктан ўтказиш жойлари белгиланди. Шу кунга қадар пойтахтда транспорт воситаларини техник кўриктан ўтказадиган иккита диагностика тармоғи мавжуд эди. Фуқароларга қулайлик яратиш, уларнинг вақти беҳуда ўтишига йўл қўймаслик мақсадида қўшимча учинчи диагностика тармоғини барпо этиш ишлари бошлаб юборилди. Ҳозирча эса транспорт воситаларини техник кўриктан ўтказиш ишлари иккита диагностика тармоғи ҳамда замонавий диагностика ускуналарига эга бўлган автобус саройларида ташкил этилмоқда. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ҳозиргача Тошкент шаҳрида 3339 та транспорт воситаси техник кўриктан ўтказилиб, шулардан 1187 таси техник жиҳатдан носоз, деб топилди. Тошкент вилоятида эса 1222 тадан 457 таси бўйича ана шундай ҳулосага келинди.

Автомототранспорт воситаларини мажбурий техник кўриктан ўтказиш даврида йўловчи ташувчи транспорт воситаларининг техник ҳолати ва жиҳозланганлигига алоҳида эътибор қаратиш, юклатилган вазифаларнинг ижроси ва натижаси учун ДЙХХХ ходимларининг жавобгарлик масъулиятини ошириш чоралари кўриб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларидан белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш, тadbиркорлар учун қулайлик яратиш, йўловчи ташувчи автокорхона ва ҳўжаликларда тушунтириш ишларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги билан ҳамкорликда Нукус шаҳри, вилоят марказлари ва йирик шаҳарларда семинар-йиғилишлар ўтказилди. Бу йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда.

Олдимизда ҳали бажарилиши лозим бўлган ишлар етарли. Бу вазифаларни ўз вақтида удалаш ва муаммолар ечимини топиш энг аввало, халқимизнинг тинчлигини асраш, юртимизда фаровонлик, тўкин-сочинлик бўлишига хизмат қилади.

Б. ЭРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи, полковник.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ

МИЛЛИЙ МАФКУРАНИНГ АСОСИ

«Ўзбекистоннинг миллий мафкураси мамлакатимизнинг ана шу минтақада, ён-атрофдаги давлатлар орасида ва жаҳон миқёсида ўзига муносиб ўринни, яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, ўзининг ихтисосини тўғри ва холисона англаб, шу асосда изчил ҳаракат қилишимиз учун хизмат этиши зарур.»

Ислом КАРИМОВ.

Мустақиллик бу, энг аввало, янгича онг, дунёқараш, тафаккур, тараққиёт демакдир. Жамият шундай юксакликка эришган тақдирдагина истиқлол ғоялари одатга, кўникмага, маданиятга, юксак маънавий қадриятга айланади. Мустақиллик биз учун буюк неъмат эканлигини фуқароларимиз жисму жони, руҳи-равонлари ила ҳис қилишлари керак. Шунда халқ, миллат ўз эрки ва камолотини қадрлай олади, уни сақлаш ва ривожлантиришда фаол иштирок этишни ҳам фарз, ҳам қарз деб билади. Шахсининг, миллатнинг, халқнинг бу маънавий-маърифий юксаклиги жамиятимизнинг янги моҳият босқичига, миллий камолотнинг янги саҳнасига олиб келади. Маънавият, маърифат, мафкура халқни буюк келажакка бошлайди, жаҳолатдан қутқаради, ҳалокатдан сақлаб қолади.

Инсоннинг инсонлиги фақат еб-ичиш, зурриёт қолдириш, кийиниш, табиий ва жисмоний эҳтиёжларини қондириб туриши билангина белгиланмайди, балки юксак маданият, маънавият ва маърифат соҳиби эканлигига қараб баҳоланади. У онги, билими, тафаккури, ақл-идроки билан кучли.

Одамзот ғоя, мақсад, ўй-фикр, ақл-идрок ва тафаккурсиз яшай олмайди. Бирон-бир юмушни бажаришдан аввал ўйлаб кўради, режалаштиради, етти ўлчаб бир кесади. Ҳар қандай ғоя даставвал инсон онгида туғилади, пишиб етилади, сўнгра у ҳаётга, амалиётга татиқ этилади. Бу ғоялар одатда муайян тажриба-

га эга, эҳтиёжи ва заруратлар тизимини эгаллаган, англаган, кишилар томонидан амалга оширилади.

Мустақиллик туфайли юзага келган сиёсий асос ва шарт-шароитлар боис, Ўзбекистон фуқаролари маънавий-маърифий юксалиш ва камолотга эришиш имконига эга бўлдилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас», дейилади.

Сиёсий, маънавий, мафкуравий билимлар, ҳуқуқлар инсоннинг ижтимоий ҳаётда ва муносабатларда иштирокини ҳам белгилаб беради. Бунда инсон ҳаётнинг пасту баландини аниқ ва мукамал билиб олади. Одамлар билан муомала қилиш, талаб-таклифларини эшитиш, орзу, ниятларини билиш жараёнида руҳанмаънан бойиб, фикри ўсади, дунёқараш кенгайиб боради.

Инсоният тарихида турли-туман мафкуралар бўлган. Турли халқлар ва ижтимоий кучларнинг ғоявий раҳнамолари, мутафаккир арбоблари ўзларининг манфаат, мақсадларидан келиб чиқиб мафкуравий таълимот, дастурлар ишлаб чиққанлар. Мафкуралар муайян диний, фалсафий таълимот асосида яратилади, маълум илмий қараш ва ахлоқий тамойилларга таянади. Ўз моҳияти ва таъсир кучига кўра жамиятни бирлаштириши ёки одамларни бир-бирга қарама-қарши та-

рафларга бўлиб юбориши, давлатнинг жаҳондаги обрў ва мавқеини ошириши ёки таназзулга дучор этиши мумкин. Юксак мақсадлар, бунёдкор ғояларга асосланган мафкуралар ижтимоий-иқтисодий тараққиётга туртки бўлади, маънавиятни юксалтиради, инсонларни улғувор ишларга сафарбар этади. Озодлик, эркинлик, мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик ғоялари асосида шаклланган, эзгу мақсадларга хизмат қиладиган мафкуралар бунёдкорлик хусусиятига эга бўлади.

Бузғунчи ғоялар асосида шаклланган мафкуралар эса жамият тараққиётига ғов бўлади, миллат ва халқларни асоратга солади. Бундай мафкуралар ўз мазмун-моҳиятига кўра ҳукмрон, мустабил, тажовузкор, босқинчилик, экстремистик, ақидапарастлик шаклларда намоён бўлади.

Мафкура — арабча сўз бўлиб — фикрлар мажмуи маъносини билдиради. У муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизимидир.

Ҳар қандай мафкура жамиятда янги пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий кучларнинг талаб-эҳтиёжлари ва мақсад-муддаоларини ифода этувчи ғоявий тизим сифатида вужудга келади. Мазкур миллат ёки ҳаракатнинг етакчи кучлари, сиёсий арбоблари, мафкурачилари ижтимоий онгдаги орзу-интилиш ва руҳиятдаги ҳис-туйғуларни бир тизимга соладиган таълимот ҳамда дастурлар яратадилар. Бу таълимот ғоявий тарбия воситалари ва фаоллари орқали онгга, руҳиятга сингдирилади. Кўпчилик онгини эгаллагач, уларни ҳаракатга келтириб, мақсад сари етаклайдиган кучга айланади. Мафкура муайян ғояни одамларнинг онги ва руҳиятига сингдириш;

аҳолининг турли гуруҳларини бирлаштириш; кўзланган мақсад ҳамда ниятларга эришиш учун одамларни сафарбар этиш; уларни маънавий-руҳий рағбатлантириш; аҳолини, айниқса, мустақил ҳаётга кириб келатган ёш авлодни ғоявий тарбиялаш ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш; бошқа мафкуравий, ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилиш каби вазифаларни бажаради.

Миллий истиқлол мафкураси миллатимизнинг асрий анъана ва урф-одатларини, ўзлгимизнинг асосий хусусиятларини мужассамлаштириб, жамиятимиз, мамлакатимиз ўз олдида қўйган эзгу мақсад ва вазифаларни аниқ акс эттирмоқда. Унда ҳар бир ватандошимиз биз қандай жамият, давлат, тузум барпо этмоқдамиз, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий асослари нималардан иборат, деган саволларга жавоб топа олади.

Давлатимизнинг бош стратегик мақсади — бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир. Бу — халқимизнинг инсонпарварлик моҳиятига, миллий қадриятларимизга содиқ қолган ҳолда, ривожланган давлатларнинг тажрибаларидан кўр-кўрона нусха кўчирмасдан, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлидан бориш демакдир. Ушбу стратегик мақсадлар жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳалардаги бир қатор вазифаларни амалга оширишнинг тақозо этади. Маънавий қадриятларимизни илм-фан ва техника тараққиёти ютуқлари билан бойитиб бориш, ўзлгимизни чуқурроқ англаш, миллий ғоя ҳамда истиқлол мафкураси тамойилларини халқимизнинг қалбига, онгу шуурига сингдириш асосий вазифаларимиздир. Муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштиришга, улар-

дан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслигимиз керак.

Маълумки, умрини ўтаб бўлган ғоя, ақида ёки мафкура тараққиёт нуқтаи назаридан инкор этилар экан, жамиятда янги бир ғоя, илгор бир фикрнинг шаклланишига эҳтиёж туғилади. Бироқ ижтимоий онг ва тафаккур тезда ўзгариб, янгича дунёқараш осонликча шаклланавермайди. Айнан мана шундай шароитда халқ ва давлатнинг эзгу мақсадларига ёт, беғона бўлган ғоялар жамият ҳаётига ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилиши мумкин. Айниқса, ғоявий беқарорлик кумрон бўлган жойда мафкуравий таҳдид кучаяди. Аҳоли кенг қатламлари, хусусан, ёшларнинг онгини эгаллашга уринишлар ортиб боради.

Ҳозирги кунда жамиятимиз ҳаётига жиддий хавф туғдирадиган мафкуравий таҳдидлар мавжуд. Ислом халифалигини тиклаб, унинг байроғи остида мусулмон халқларини янги империяга бирлаштиришга қаратилган интилишлар, тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва диннинг моҳиятини сохталаштиришга уринишлар; ахлоқсизлик ғояларини ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга интилишлар; турли мафкуравий воситалар орқали минтақавий ва давлатлараро жоҳорларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар шулар жумласидандир. Бу таҳдидлар, энг аввало, оддий инсонлар қалби ва онгини забт этишга, уларни ўз миллий қадриятларидан, умумбашарий маданият ютуқларидан маҳрум қилишга, пировард натижада юртимизни ўзига қарам қилиб олишга қаратилган замонавий тажовузкорликнинг мафкуравий бир шаклидир.

Миллий истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсадларини ифодаладиган, унинг ўтмиши ва келажакини бир-бири билан боғлай-

диган, асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизимидир. У Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади. Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улғу бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади. Адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч-эътиқодини акс эттиради. Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажакини яратишга сафарбар этади. Миллати, тили ва динидан қатъи назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она-Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро хурмат туйғусини қарор топтиради. Жамоатчилик қалби ва онгига виждон эркинлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда маърифий йўл билан сингдирилади. У ҳар бир ватандошимизнинг оиласи, жамият, эл-юрт олдидаги бурч ва масъулиятини қай даражада адо этаётганини белгилайдиган маънавий мезондир.

Бу Ўзбекистонда истиқомат қиладиган ва ўз тақдирини шу муқаддас замин билан боғлаган ҳар бир кишининг «Ватаним менга нима берди» деб эмас, балки «Мен Ватаним равнақи учун нима қилаяпман?» деган масъулият туйғуси билан яшаши демак.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги бош ғоясидан келиб чиқади ва ўзининг маъно-моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан уни халқимизнинг қалби, онгига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қилади.

Акрам АКМАЛОВ,
доцент.

Мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида босқичма-босқич равишда кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, изчил давом эттирилмоқда.

Мустақил тараққиётнинг ўтган даври мобайнида жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида, хусусан, давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида улкан тарихий аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди. Миллий давлатчилигимизнинг мустақам ҳуқуқий пойдевори яратилди ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан кафолатланди.

Маълумки, ҳар қандай демократик жамият тараққиётида давлатнинг олий вакиллик ва қонун чиқарувчи органи бўлмиш парламент муҳим ўрин тутати. Парламент халқ вакиллари муҳим ва ажралмас белгиси сифатида фуқароларнинг давлатни идора этишдаги реал иштирокини ҳамда қонун ижодкорлиги жараёнига таъсир кўрсатиш имкониятларини таъминлайди.

Шу маънода мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ парламентни ислоҳ қилиш, унинг фаолияти таъсирчанлигини ошириш - давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналиши этиб белгиланганлиги бежиз эмас, албатта.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мутлақо янги қонун чиқарувчи олий вакиллик органи сифатида вужудга келиб шаклланди ҳамда давлат ҳокимиятининг тўлақонли мустақил тармоғи сифатида ривожланиши учун зарур бўлган барча шароит ва имкониятларга эга бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Олий Мажлисининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда тутган ўрни ва ролини юксалтиришда Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган ташаббуслари муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Юртбошимиз томонидан Олий Мажлисининг 2000 йил 25-26 май кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақирив II сессиясида парламентни доимий, профессионал асосда ишловчи икки палатали тизимга ўтказиш ҳақида билдирилган гоё ўзбек парламентаризми тарихида мутлақо янги босқични бошлаб берди.

2002 йил 27 январда ўтказилган референдумда Ўзбекистон халқи мамлакатда икки палатали парламент тузиш гоёсини қўллаб-қувватлади. Мазкур референдум натижаларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонун мамлакатимизда

икки палатали парламентни шакллантиришга оид муҳим қоидаларни белгилади ва янги қонунларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритишга ўзига хос замин яратди.

Ушбу конституциявий

амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимини яратиш;

иккинчи - қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб боришини назарда тутган ҳолда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишнинг сифатини кескин ошириш;

учинчи - Сенат асосан маҳаллий Кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларидан

ли бўлган, қонунларнинг сифатига нисбатан бўлган талаб сезиларли равишда ортиб бормоқда. Қонунчилик палатаси депутатларининг доимий асосда профессионал фаолият юритиши қонунларнинг ҳар томонлама пухта ва сифатли бўлишида муҳим ўрин тутмоқда. Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунларнинг Сенат томонидан кўриб чиқилиб, маъқулланиши жараёни эса бу борада қўшимча қафолат бўлиб, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш-

рат-таҳлил натижаларига асосан қўшимча ва ўзгаришлар киритиш, **бешинчидан**, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг қонун ҳужжатлари қоида-талабларига сўзсиз амал қилиш маъсулияти ва мажбуриятини оширишга хизмат қилади.

Парламент назорати нафақат қонунларнинг сифати ва самардорлигини оширишда, балки давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги «бир-бирини тийиб туриш ва мувозанат сақлаш» тизимининг барқарор ишла-

тийиб туриш ва мувозанат сақлаш» тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш ҳамда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг қонунчилик асосларини мунтазам ривожлантириш ва мустақамлаб боришдан иборат.

Мамлакатимизда парламент назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонунлар ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, парламент палаталарининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ваколатлар доирасида Республика Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги, мансабдор шахсларни тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш ҳақидаги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда парламент томонидан тузилган органлар ва сайланган, тайинланган ёки тасдиқланган мансабдор шахслар фаолияти парламент назоратининг объектлари бўлиб ҳисобланади.

Умуман олганда парламент назорати ўзининг мақсад ва вазифалари, аҳамияти нуқтаи назардан парламентнинг қонунчилик фаолияти билан бир қаторда туради десак, хато бўлмайди. Парламент назорати қонунчилик фаолиятининг акс томони, узвий бўлаги ҳамда ҳокимият тармоқлари ўртасида мувозанат сақлашнинг муҳим воситасидир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, мамлакат парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш вазифаси кеча ёки бутун вужудга келгани йўқ. Балки, мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган босқичма-босқич равишда амалга оширилган давлат сиёсатининг ажралмас таркибий қисми, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг стратегик масаласи бўлиб ҳисобланади.

Шухрат ФАЙЗИЕВ
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун
ҳужжатлари мониторинги
институтининг директори
ўринбосари, юридик фанлари
доктори.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА ҚУРИЛИШИДА ПАРЛАМЕНТНИНГ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ

қонун асосида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунлар (2002 йил 12 декабрь), «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2003 йил 24 апрель), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида»ги қонунлар ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги янги тахрирдаги қонун (2003 йил 29 август) қабул қилинди ва икки палатали парламент фаолияти учун зарур бўлган ҳуқуқий асослар яратилди.

Шу аснода 2005 йилда Ўзбекистон тарихида илк маротаба Олий Мажлис икки палатали тизим асосида шакллантирилди. Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат таркибда профессионал асосда фаолият юритишга ўтиши жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этиш соҳасидаги муҳим қадамлардан бўлди.

Эндиги вазифа, Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис палаталарининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, икки палатали парламентни барпо этишдан мақсад:

биринчи - парламент ўз ваколатларини самарали

иборат бўлишини ҳамда вакиллик вазифасини бажаришини инobatга олиб, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш;

тўртинчи - аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки қўламини янада кенгайтиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг икки палатали тизим асосида фаолият юритаётганлигига бир йилдан ошиқ вақт ўтди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз парламентининг ҳар икки палатаси ҳам ўз фаолият йўналишлари бўйича муайян тажрибага эга бўлди. Жумладан, бугунги кунга қадар қонунчилик палатаси томонидан 23 та қонунлар қабул қилинган бўлиб, улардан 4 таси Сенат томонидан қайтарилган. Улар бўйича қонунчилик палатаси ва Сенат биргаликда келишув комиссиялари тузишиб, баҳсли масалаларни кўриб чиққан ҳолда мақбул хулосаларга келишди.

Сенат томонидан Конституцияда белгиланган масалалар бўйича мансабдор шахсларни сайлаш ишлари амалга оширилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тавсиясини кўриб чиқиш асосида мамлакат Конституциясининг 13 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги акт қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда озод этиш тўғрисида бир қатор қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг роли, таъсирини кучайтириш борасида фикр юритишда улар фаолиятининг икки муҳим ва асосий йўналишлари - қонунчилик ҳамда парламент назорати ҳақида тўхталиб ўтиш зарур.

Парламент икки палата-

га хизмат қилмоқда.

Қонунларнинг сифатли бўлишини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг турли қўмиталари ва қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг бошқа субъектлари томонидан тақдим этилган қонун лойиҳалари ҳар томонлама ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, улар юзасидан 120 та эксперт хулосалари тайёрланди. Берилган хулосаларнинг аксарияти Олий Мажлис палаталари томонидан, шунингдек, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг бошқа субъектлари томонидан қонун лойиҳаларини маромига етказишда эътиборга олинмоқда.

Парламент назоратининг сифати ва самардорлигини оширмай туриб, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш мураккаб масала ҳисобланади. Шу боис, бугунги кунда парламент назоратини такомиллаштириш, унинг назарий ва амалий муаммоларини аниқлаш ҳамда уларнинг оқилона ечими юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Парламент назоратининг аҳамияти шундаки, **биринчидан**, қабул қилинган қонунларнинг ижро этилиши даражасини ўрганиш, **иккинчидан**, қонунларнинг амалиётда қўлланилишига салбий таъсир этувчи объектлар ва субъектив омилларни аниқлаш, **учинчидан**, мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, **тўртинчидан**, тегишли қонунларга назо-

шини таъминлашда ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишда ҳам муҳим ўрин тутати.

Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси ва Сенатининг ушбу йўналишдаги фаолиятларида ҳам ўзига хос тажриба, амалиёт шаклланмоқда. Бироқ бу борада айрим муаммолар ҳам йўқ эмас.

Шу ўринда парламент назорати мазмун-моҳияти ҳақида тўхталсак. Парламент назорати давлат тизимида амалга оширилаётган бошқа назорат турларидан мазмун-моҳияти жиҳатидан фарқ қилади. Мазкур назорат турини кенг ва тор маънода тавсифлаш мумкин. Кенг маънода олганда парламент назорати қонун чиқарувчи олий ҳокимият органининг барча фаолият йўналишларини, тор маънода эса фақат қонунлар ва парламент палаталари қарорлари ижроси устидан назоратни ўз қамровига олади.

Парламент назорати (контроль) - ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш даражасини ўрганиш, Конституция ва қонунларнинг қоида-талабларини ижроия ҳокимияти органлари ва бошқа юридик ва мансабдор шахслар томонидан ҳаётга татбиқ этиш ҳолатини кузатиш, уларни ижро этиш жараёнидаги мавжуд тўсиқ, камчиликларни аниқлаш, бартараф этиш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда ижро этувчи ҳокимият тармоғининг самарали фаолият юритишини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий фаолият бўлиб ҳисобланади.

Парламент назоратининг мақсади - давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида Конституция ва қонунларнинг устуворлигини, уларнинг амалда самарали татбиқ этилишини, давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги «бир-бирини

ХУШКУМ МАСЛАХАТХОНА

Ички ишлар идораларида хизмат қилиб, нафақага чиққан ходимга қандай имтиёзлар берилди? Шу ҳақда билмоқчи эдим.

Д. Одиллов,
Тошкент тумани.

Ўзбекистон Республикаси Молия ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирликларининг 2003 йил 3 апрелдаги қўшма қарорига асосан бошқа шу тоифага тенглаштирилган шахслар қатори ички ишлар идораларидан нафақага чиққан фуқаролар уй-жой коммунал тўловларини амалга ошириш учун уларнинг нафақасига энг кам ойлик иш ҳақининг 45 фоиз миқдоридан устама қўшиб берилди. Шунингдек, республика Ички ишлар вазирлигининг буйруғига кўра ички ишлар идораларида хизмат қилиб, 1, 2 ва 3-гурӯх

ногирони бўлиб, нафақага чиққан фуқароларга йилига бир марта санаторий-курортда даволаниш учун бепул йўлланма тақдим этилади. Қолган ички ишлар идоралари фахрийлари йўлланмалар баҳосининг 25 фоизи, оила аъзолари эса 50 фоизини тўлаб олишлари мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги солиқ қонунларига кўра ички ишлар идоралари ходимлари ва фахрийларининг иш ҳақи ва нафақасидан солиқ чегирмалари ушлаб қолинмайди.

Ўғлим кечги пайт ишдан келаётганда бир барзанги аёлнинг сумкасини тортқилаётганини кўриб қолибди. У талончини тартибга чақирмоқчи бўлганида икки ўртада олишув бошланган. Шунда болам ўзини ҳимоя қиламан деб, унинг соғлигига зарар етказибди. Қонунда бундай ҳолатга қандай қаралади?

З. Долимов,
Гулистон шаҳри.

ТАРБИЯ ВА МАСЪУЛИЯТ

ЎСМИР НАЗОРАТСИЗ ҚОЛСА...

Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди, дейишади. Ундай бўлса, нега жиноятлар содир этилади? Жиноятчилар қаёқдан пайдо бўлади? Вояга етмаганларнинг жиноят кўчасига кириб кетишининг сабаблари нимада?

Такрор бўлса ҳам айтайлик, бунинг сабаби баъзи ота-оналарнинг бефарқлигидадир. Улар фарзандлари тарбиясига етарлича эътибор беришмайди. Болалари бўш вақтини қандай ўтказаятгани, кимлар билан дўстлашгани, нима ҳақида ўйлаётганлари билан қизиқиб ҳам кўришмайди.

Наманганда яшовчи

Комил Тожитдинов 9-синфни тугатгач, ёзги таътилни аксар тенгдошлари сингари шаҳарда ўтказди. Кун бўйи кўча кезди, пули борлигида компьютер ўйнади, аквапаркда чўмилди, қош қорайганда уйга кириб келди. Қараса, 8 ёшли синглиси Наргиза ёлғиз ўзи экан.

— Бошқалар қани? — сўради Комил.

— Кўшнимиз Шоҳида холанинг боласи касал бўлиб қолибди. Ойим икковлари уни касалхонага олиб кетишди. Отам бугун кечки сменада ишлайдилар, — бажонидил жавоб берди Наргиза. — Овқатингиз стол устида турибди. Еб ухлар экансиз.

— Нима, менга хўжайинмисан? — кўрслик қилди Комил, кейин хаёлидан ўтказди: «Шоҳида опа касалхонада. Эрлари, одатдагидек, рейсда бўлса керак. Демак, уйларида ҳеч ким йўқ».

Сўнг балкон орқали кўшнисининг уйига ўтди. Ҳатто тўртинчи қаватда туришларини, пастга тушиб кетса, нақ тил торт-

май ўлишини ўйлаб ҳам ўтирмади. Кўни-кўшиларда шубҳа уйғотмаслик учун чироқни ёқмади. Ошхонада топиб олган гугуртни чақиб, хоналарни қараб чиқа бошлади. Сўнг ичкаридан эшикни очиб, кичикроқ телевизор, магнитофон, пича пул олиб чиқиб кетди. Ўғирлаган буюмларини ўзларининг балқонига яшириб қўйди. Синглиси ҳеч гапдан беҳабар ширин ухлаб ётарди. Онаси кечаси алламаҳалда қайтди. Боланинг иссиғи баланд бўлгани учун Шоҳида опа касалхонада қолганини айтди.

Орадан кўп ўтмай кўшнилари уйида ёнғин юз берди. Ҳойна-

Менга яқин бўлган кишига жиноят содир қилгани учун суд ҳукмига кўра 4 йил муддатта озодликдан маҳрум этиш ҳақида жазо белгиланди. Аммо тиббиёт экспертизаси тайинланганда унда бир қанча жиддий хасталиклар борлиги аниқланди. Шуларни инобатга олиб, суд судланувчи соғайгунга қадар ҳукм ижросини кечиктиришни лозим топди. Жазони ўташ муддати у соғайиб, ҳукм ижрога киритилган кундан бошлаб ҳисобланиши таъкидланди. Суд ҳукми бажарилишини назорат қилаётган ички ишлар идораси ходими ўз назоратида турган судланган шахснинг кейинги аҳволи, яъни соғлиғи тикланганини билиш учун қарор чиқариб, экспертиза тайинлашга ҳақи борми?

Қ. Набиев,
Бухоро шаҳри.

Саволларга

юридик фанлар номзоди
Ғ. АЛИМОВ жавоб беради.

Шахс қандай ҳолатда ҳибсга олиниши мумкин?

О. Салимов,
ҳайдовчи.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 242-моддасига кўра эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш Жиноят кодексига уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган, қасддан содир этилган жиноятларга доир ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодексига беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир иш-

лар бўйича қўлланилади. Алоҳида ҳолларда мазкур эҳтиёт чораси уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган, қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича ҳам қўлланилиши мумкин.

Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси умумий қисмининг «Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар» бўлимидаги 37-моддада келтириб ўтилган. Зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга ҳилоф тажовузлардан тажовузчига зарар етказган ҳолда ҳимоя қилиш чоғида қилинган ҳаракат, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди. Тажовузнинг хусусияти ва хавфлилик даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб ҳисобланади.

Суд ҳукмининг ижросини кечиктириш тартиби амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 533-моддасида батафсил баён қилинган. Мазкур моддага кўра судья озодликдан маҳрум этилган шахсга нисбатан ҳукм ижросини қуйида келтирилган асослардан бирортаси мавжуд бўлганда кечиктириши мумкин:

1. Маҳкум жазони ўташига монелик қиладиган даражада оғир касал бўлиб қолганида — у соғайгунча.

2. Ҳукми ижро этиш пайтигача маҳкума ҳомиладор бўлиб қолса — бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга.

3. Маҳкумнинг ёш боласи бўлса — у уч ёшга тўлгунга қадар.

4. Жазони дарҳол ўташни бошлаш ёнғин ёки бошқа бирор табиий офат юз берганлиги, оиланинг меҳнатга яроқли ягона аъзоси оғир касал бўлиб қолганлиги, вафот этганлиги оқибатида ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар маҳкум ёки унинг оиласини жуда мушкул аҳволга солиб қўйиши мумкин бўлса — уч ойдан ошмаган муддатга.

Ҳукмининг жарима солиш, фуқаровий даъвони қаноатлантириш ёки келтирилган зиённи қоплаш қисмининг ижро этилишини олти ойгача кечиктириш ёки тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш масаласини судья ишнинг муайян ҳолатлари ва маҳкумнинг моддий аҳволини эътиборга олиб ҳал қилади.

Ўта хавfli рецидивистларга ва ўта оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан ҳукмининг ижросини кечиктириш мумкин эмас.

Юқорида келтириб ўтилган, ижроси кечиктирилган суд ҳукмининг бажарилиши устидан назорат маҳкум яшаб турган ҳудудий ички ишлар идоралари томонидан амалга оширилади. Назорат олиб бориш тартиб ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг тегишли буйруқ ва кўрсатмалари асосида амалга оширилади. Назоратда турган хаста маҳкумнинг соғлигини текшириш учун экспертиза тайинлаш ваколати ички ишлар ходими эмас, фақат суд томонидан амалга оширилади.

олинди. Жиноят ишлари бўйича Норин туман суди инсонпарварлик ва кечиримлилик тамойилларидан келиб чиқиб, унга бир йиллик синов муддати берди.

Ўсмирнинг кейинги тақдири қандай бўлар экан? У тўғри йўлни топиб оладими? Бу, авваламбор, Комилнинг ўзига, қолаверса, ота-оналарига, мактаб жамоасига боғлиқ. Ҳадемай яна ёзги таътиллари бошланади. Ота-оналар болаларининг дам олишлари кўнгилли, мазмунли ўтишини, улар бекорчиликдан турли қинғир йўللарга кириб кетмасликларини ҳозирдан ўйлашлари керак.

Ички ишлар ходимлари жиноятни тезда фош этишди. Ўғирланган буюмлар кўшнининг балқонидан топилди. Вояга етмаган Комил Тожитдинов бировнинг хонадонига ўт қўйганликда ва ўғирликда айбдор деб топилди.

Унинг ҳали ўсмирлиги, айбини чин дилдан тан олгани, тавба-тазарру қилгани ҳисобга

Борис КЛЕЙМАН

ХАВФСИЗЛИК - БОШ ТАЛАБ

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, авваломбор, ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, фуқароларимизнинг саломатлигини кафолатловчи реал омиллардан биридир. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш автомобиль транспортидан фойдаланиш самарадорлигини оширади, йўл-транспорт ҳодисаларини, демакки, бу билан боғлиқ кўнгил сизликларни камайтиради.

Бунга эришиш учун биринчи навбатда ҳаракат иштирокчиларининг ўзлари зарур тайёргарликка эга, интизомли бўлишлари, йўлларда тегишли тартибга риоя этишлари керак бўлади.

Ҳозирги пайтда йўловчи ташиш билан шуғулланувчи хусусий киракшларнинг кўплиги ҳеч кимга сир эмас. Улар ичида тажрибали ҳайдовчилар ҳам, ҳайдовчилик гувоҳномаси яқиндагина қўлига текканлар ҳам бор. Ўзингиз айтинг, етарли тажрибаси бўлмаган, ёш ҳайдовчи йўловчининг хавфсизлигини қандай қилиб кафолатлаши мумкин?

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартдаги «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишини тартибга солиш тўғрисида»ги Қарори ўз вақтида чиққанлигини таъкидлаш керак. Унда йўловчиларни ташиш билан шуғулланувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилган. Биринчи галда, йўловчи ташиш билан шуғулланувчи ҳайдовчилар жамиятлар ёки бирлашмаларнинг аъзоси бўлишлари шарт. Улар республика йўл фонди (жамғармаси) ҳисобига ундирилган мажбурий тўловлардан озод этиладилар. Қайта рўйхатдан ўтганларидан сўнг ҳайдовчиларга янги гувоҳномалар берилади. Йўналишга чиқишдан олдин ҳар бир ҳайдовчи техник текширувдан ўтади, машинасининг техник соғлиги текширилади. Текширув натижаларига мутахассислар жавобгар бўлади. Агар ҳайдовчи муайян вақтдан сўнг йўловчи ташиш билан шуғулланишдан тўхтаसा, унга лицензия олиш учун сарфлаган пулининг бир қисми қайтарилади.

Агар ҳайдовчи жамият аъзоси бўлмасдан туриб йўловчи ташиш билан шуғулланишда давом этса, маъмурий жавобгарликка тортилади — унга энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдоридан жарима солинади. Қонунни такрор бузган чоғида ҳайдовчи энг кам иш ҳақининг 150 баравари миқдоридан жарима тўлайди. Бордию қонунбузарлик бир

йил мобайнида қайта такрорланса, бундай ҳолда автотранспорт воқитаси мусодара қилиниши мумкин.

Хўш, юқорида зикр этилган Фармон чиққунга қадар хусусий киракшлар томонидан йўловчи ташиш қай аҳволда эди? Унеча ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлган ҳар қандай фуқаро истаса, йўловчи ташиш билан шуғулланарди. Бунда хусусий автомобилдан ёки ижарага олган автоуловдан фойдаланарди. Кўпинча ҳайдовчилар ушбу фаолият учун лицензия олишарди. Аммо бунинг акси бўлган ҳоллар ҳам учраб турарди.

Энди ҳайдовчиларнинг ўзлари ҳақида икки оғиз гапирсак. Уларнинг орасида кўп пул ишлаш иштиёқида ўз вақтида ухлаш, дам олиш нималигини унутиб қўядиганлари ҳам учрайди. Асосан, узоқ йўналишларга қатнайдиганлар шу тоифага киради. Ўзингиз айтинг, бундай ҳайдовчилар йўловчиларнинг ҳаётини хавф остига қўймайдими? Улар авто-

мобилнинг техник ҳолати ҳақида ўйлайдими? Бунга вақтлари ҳам бўлмайди. «Гилдирак айланыптими — бўлди-да!» — дейишади.

Шаҳар йўналишларида минглаб машиналар қатнайди. Ҳайдовчиларнинг аксар қисми ёшлар. Улар кўпинча эҳтиёткорликни буткул унутиб қўйишади. Мусиқани баланд қўйволиб, бир-бирлари билан пойга ўйнашади. Бунинг устига салонда чекканлари ортиқча. Улар учун йўловчининг сариқ чақчалик қадри, ҳурмати йўқ. Яхшиси, мисолларга мурожаат этайлик.

Жорий йил бошидан буён Андижон вилоятида 176 та автофалокат юз берди. Уларда 28 киши ҳаётдан қўз юмди, 202 одам тан жароҳати олди. Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, йўл-транспорт ҳодисаларининг катта қисми хусусий киракшлик билан шуғулланувчи шахсларнинг айби билан содир этилган. Масалан, Андижон шаҳрилик 38 ёшли К. Йўлдошев «Нексия» машинасида «Андижон-Наманган» йўналишида йўловчи олиб кетаётганида рулда ухлаб қолади. Натижада машина йўл ёқасидаги тўсинга урилиб, икки йўловчи ва ҳайдовчининг ўзи касалхонага ётқизилади.

Шаҳрихонлик А. Рашидов ўзининг «Дайм-

лер-бенц» микроавтобу-сида йўловчи ташиш билан шуғулланарди. У «Андижон-Тошкент» йўналиши бўйлаб кетаётиб, йўл ҳаракати қоқидасини кўпол равишда бузган ҳолда рўпарадан келатган микроавтобусга урилади. Оқибатда бир неча киши ҳаётдан бевақт қўз юмади.

Оқолтин туманилик Р. Аҳмадалиев «Дамас» русумли автомобилининг тормози носоз бўлса ҳам, йўналишга чиқади. Натижада фалокат юз бериб, машина йўлнинг кескин бурилиш қисмида ағдарилиб кетади. Икки йўловчи оғир жароҳат олиб, шифохонага ётқизилди. Бундай мисоллар кўплай учрайди.

Фармон 2006 йил 1 июндан кучга киради. Ҳозир ЙХХБ ходимлари тегишли идоралар вакиллари билан ҳамкорликда хусусий киракшлик билан шуғулланувчи ҳайдовчилар ўртасида тайёргарлик ва тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Учрашувлар чоғида Фармоннинг моҳиятини, ҳар бир бандини батафсил тушунтиришяпти. Бу ишларнинг барчаси йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга, хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга хизмат қилади.

Б. АҲМАТОХУНОВ,
полковник.

Ички ишлар идоралари сафларини бўй-баси келишган, жисмонан бақувват, маънавий жиҳатдан баркамол бўлган номзодлар ҳисобига тўлдириш ҳозирги куннинг долзарб вазибаларидан бири ҳисобланади. Бу борада соҳа мутасаддиларидан алоҳида масъулият талаб этилади.

Фарғона вилояти ИИБ ШТБХ масъул ходимлари вилоятдаги олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари, коллеж, лицей ҳамда мактабларнинг битирувчилари билан учрашувлар ўтказишмоқда. Шунингдек, шаҳар ва туманларда бўлиб, ёшларга ички ишлар хизматининг юртимиз тараққиёти, фуқаролар-

САФЛАРНИ МУНОСИБЛАР ТЎЛДИРАДИ

нинг хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамияти, ИИБ олий ўқув юртларида тайёрланаётган мутахассислар ва уларнинг ички ишлар идораларидаги фаолияти тўғрисида тарғибот ишларини олиб бормоқдалар. Битирувчи ёшларга ИИБ олий ўқув юртлари, ИИБ Академиясининг сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курсларига қабул қилиш тартиби ҳақида маълумотлар беришмоқда.

Фарғона Давлат университетида бўлиб ўтган учрашувда вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, полковник Камолдин Очилов, республика ИИБ ШТБХ катта инспектори, майор Дилшод Тўйчибоев, вилоят ИИБ ШТБХ бошлигининг 1-ўринбосари, майор Баҳодиржон Сафаров, университет проректори Абдуғаффор Шарафутдиновлар иштирок этишди.


Ёшлар ички ишлар хизматига доир ва бошқа ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Жойларда ўтказилаётган учрашувлар вилоят ички ишлар бошқармаси масъул ходимлари учун ҳам, ёшлар учун ҳам

аҳамиятли бўляпти. Чунки ҳозирги кун талабидан келиб чиққан ҳолда номзодлар шу ернинг ўзида рўйхатга олиниб, уларга

тегишли маслаҳат ва тавсиялар берилмоқда.

Бўрибой ОМОНЗОДА.



Фарғона Давлат университетида бўлиб ўтган учрашувдан лавҳа.



Фарғона Давлат университетида бўлиб ўтган учрашувдан лавҳалар. Вилоят ИИБ ШТБХ бошлигининг 1-ўринбосари, майор Б. Сафаров битирувчи курс талабаларига маълумотлар беришмоқда.

ХОСИЯТСИЗ УЙ

Баҳром қишлоқ мактабини битириши билан Тошкентга келди. Шу ерда институтни тугатди, ишга кирди, Назира исмли қизга уйланди. Ёш келин-куёв аввалига оилавий ётоқхонада туришди. Аммо ўз уйлари бўлишини жуда-жуда хоҳлашарди. Шунинг учун ўзларини еб-ичишдан, чиройли кийинишдан сиқиб бўлса ҳам пул йиға бошлашди. Ниҳоят маблағ тўплашгач, уй суриштиришга киришди. Аксига олиб, бу пайтда уй-жойнинг нархи кўтарилиб қолди. Хуллас, қўлларидаги пулга бор-йўғи бир хоналик уй олиш мумкин эди. Ҳафсалалари пир бўлиб турганларида Сирғали мавзесидан икки хонали бир уйни шу нархга олиш мумкинлигини эшитиб қолишди.

Шу кунидек айрилган манзилга бориб, хонадонни кўздан кечиришди. Анчайин таъмирталаблигини, шаҳар марказидан узоқлигини ҳисобга олмаганда яшаса бўлади. Кўп ўйлаб ўтирмай сотиб олишди. Таниш-билишлардан қарз олиб, таъмирлатиб, кўчиб киришди.

Ёш оила аъзолари жуда шод, бахтли эдилар. Ахир, кишининг ўз уй-жойи бўлишига нима етсин. «Ўз уйим — ўлан тўшагим» деб бекорга айтишмаган-ку. Фақат кўп ўтмай Назиранинг силласи қуриб, боши оғрийдиган бўлиб қолди. Озиб кетди. Ишга ҳаси йўқолди. Негадир юраги сиқилиб, йиғлагиси келарди. Туни билан алмойи-жалмойи тушлар кўриб чиқарди. Тушида ҳар гал аллақандай аёл эркак кишига пичоқ кўтариб ташланарди. Сўнг бир ҳовузга қўзи тушар, унинг ичи тўла қон бўларди...


Шундан сўнг Назира уйда бир ўзи қолишга қўрқадиган бўлди. Эри уни руҳшунос-шифокорга ҳам, парихону кушночга ҳам кўрсатди, домлага дам солдирди — фойдаси бўлмади. Охири, уйнинг аввалги эгасини топиб, бўлган воқеаларни айтиб беришди, бунинг сабабини сўрашди.

— Тўғриси, уйнинг эгасини хотини пичоқлаб ўлдириб, мурдасини ваннада бўлаклаб, елим халталарга солиб, анҳорга ташлаб юборган. Жинояти фош бўлгач, қамалиб кетган. Марҳумнинг болалари уйни менга сотиб, ўзлари бошқа ёққа кўчиб кетишди. Уйга бир неча марта ижарага одам қўйдим. Аммо улар узоқ турмай кўчиб кетишарди. Ахири, сизларга сотиб юборганим, — деди у.

Эр-хотин бошда бор гапни гапирмагани учун унга бир-икки аччиқ-қуруқ гап айтиб қайтиб кетишди. Ўзаро маслаҳатлашиб уйни сотиб юборишди. Аммо пуллари янги уй олишга камлик қилди. Ҳозир яна оилавий ётоқхонада туриб пул йиғишяпти. Назира бутунлай соғайиб кетган. Ана шунақа гаплар...

ОҚ КАБУТАР, ОППОҚ КАБУТАР...

Бу воқеага анча бўлган. Ўша кун Рисолат ҳовлида кир юваётган эди. Кийимларни совуқ сувда чайиб, дорга ёяётганида бир оқ кабутар оҳиста учиб келиб, елкасига қўнди. Рисолат уни секин қўлига олиб, патларини силади. Қуш чўчимасди, аксинча аёлга қараб, бир нималар демоқчидай гуриллаб-гуриллаб қўярди.



«Жониворнинг қорни оч бўлса керак», — деб ўйлаб Рисолат товуқлари учун олиб қўйган дондан бир ҳовуч олиб чиқди. Аммо кабутар донга қайрилиб ҳам қарамади. У ҳамон жон куйдириб нимадандир хабар бермоқчидай гуриллаб-гуриллаб қўярди. Аёл уйга кирса, қуш ташқаридан ўзини деразага урарди. Бу ҳол кечгача давом этди.

Эртаси кун Рисолат шаҳардан 250 чақирим узоқда турадиган ота-онасидан хабар олгани йўлга чиқди. Автобусда беш соатлар деганда туғилган уйига етиб келди. Шундагина кечикканини тушунди. Шу кун эрта тонгда отаси бандаликни бажо келтирган экан. Рисолат шундагина оқ кабутар нима демоқчи бўлганлигини англади. Ҳойнаҳой, ота ўлими олтидан қизини жуда кўргиси келган. Унинг хоҳишистаги, илтижоси Рисолатнинг кўзи ўнгида оқ кабутар қиёфасида намоён бўлган эди.

Орадан неча йиллар ўтган бўлса-да, Рисолат ҳамон ўша воқеани унутолмайди. Ҳар эслаганида: «Нега киришни, барча ишимни ташлаб, қишлоғимга бормадим. Отамни кўриб, дийдорига тўйиб қолардим. Бир умр армон қилиб юрмасдим», — деб ўкиниб қўяди...



ҲАЁТ СИР-АСРОРЛАРГА ТЎЛА

МАККАПОЯДАГИ ВОҚЕА

Маҳкам ишдан келса, молларга бергани ем-хашак қолмабди. Ўн бош буқага егулик етказишининг ўзи бўладими. Уйлари яқинидаги қўшимча томорқаларига маккажўхори экишган эди. Ўшандан ўриб келадиган бўлишди. Ўзи, хотини, ўн яшар ўғли маккапоя томон йўл олишди.

Анча маккажўхори ўришди. Шундан сўнг хотини Маҳкамга:

— Биз ўришни давом эттираверамиз, сиз ўрилганларини таший-веринг, — деди. Бу гап Маҳкамга ҳам маъқул бўлди.

Эри анча маккажўхорини арқонга боғлаб, орқалаб кетгач, Гуласал ўришни тезлатди. Шу пайт ўғли:

— Ойи, ана унга қаранг, — деб қолди.

Гуласал жаҳл аралаш «Одамни ишдан қўйгандан кўра ишласанг-чи!» деб уришиб бермоқчи эди-ю, аммо ўғлининг овозидаги ваҳима оҳанги уни хавотирга солди. Қаддини ростлаб қараса, уфқда улкан шар гўёки осилиб турарди. Унинг қизил, сариқ, кўк чироқлари ялт-юлт қилиб кўзни қамаштирарди.

Шар аста-секин она-бола

томон яқинлаша бошлади. Сардор: «Ойижон, қўрқиб кетаяпман!» деб Гуласалнинг пинжиги тикилди. Она-бола ўроқларини ташлаб, қўл ушлашиб жон ҳолатда уйлари томон қочишди. Юту-

риб борар эканлар, қўрққанларидан тинмай бақирарди.

«Вой-дод»ни эшитиб Маҳкам елкасидаги юкни ташлаб маккапоя томон югурди. Хотинини тўхтатиб: «Нима гап?» — дея сўради.

Гуласал тили калимага келмай, нуқул осмонга ишора қиларди. Кўкда эса худди ҳазиллашгандек юлдузлар жимирлашар, кўз қисишарди, холос...

Орадан кўп йиллар ўтган бўлса ҳам она-бола ҳамон ўша маккапоядаги воқеани эслаб юришади.



ХАЛОСКОР ФАРИШТА

Ўшанда май ойи эди. Бахтиёр ҳар доимгидек каналнинг нариги қирғоғига ингичка қувур устидан юриб ўтмоқчи бўлди. Ваҳоланки, нарироқда кўприк бор эди. Лекин нима дейсиз, бола бола-да. Канал кенг бўлиб, сув пишқириб оқарди. Қувурнинг яримларига борганида боши айланиб, кўзи тиниб йиқилиб тушишига бир баҳя қолди. Шунда осмондан тушгандай орқа томонда бир ўсмир пайдо бўлиб, уни белидан маҳкам ушлаб, нариги қирғоққа эсон-омон ўтказиб қўйди. Сўнг: «Бошқа бунақа шўхлик қилма. Ўзингни ўйламанг, ота-онангни ўйла», — дея койиб кетиб қолди.

Бахтиёр бу ўсмирни биринчи кўриши эди. Кейин қайтиб бошқа кўрмади. Бўлган воқеани бобосига айтиб берганида, кўпни кўрган отахон:

— Ҳойнаҳой, Аллоҳ сени асраш учун халоскор фариштасини юборган бўлса керак. Ёш жонингга раҳм қилибди, Яратганга беадад шукроналар бўлсин, — деб дуо қилдилар.

Шу-шу Бахтиёр канал устидан кўприк орқали ўтадиган бўлди.


ТАҲРИРИЯТДАН:

Азиз муштарийлар! Ҳаёт тасодифларга, мўъжизаларга тўла. Сизнинг ҳам бошингиздан юқоридагига ўхшаш ажойибу гаройиб, сирли воқеалар ўтган бўлса ёки шунга ўхшаш ҳодисалар ҳақида эшитган бўлсангиз, бу ҳақда бизга ёзиб юборинг. Қизиқарли деб топилганларни газетамизнинг «Олам сипоатлари» саҳифасида бериб борамиз.




Ҳокимият биноси

Термиз - табаррук замин



Алпомиш мажмуи



Ўзининг 2500 йиллигини халқаро миқёсда нишонлаган Термиз шаҳри қадимдан маданият ва маърифат маскани бўлган. Шарқ дарвозаси ҳисобланган шаҳар «Буюк Ипак йўли»нинг шоҳбекати сифатида ғарб ва шарқни боғлашда катта аҳамият касб этган. Александр Македонский, араблар, мўғуллар ва бошқа истилочилар шаҳарнинг қадим маданияти, тараққиётига бевосита таъсир кўрсатган. Шу туфайли ҳам замонлар ва даврлар силсиласи излари кўзга яққол ташланади.

Эски Термиз харобаларида қадим юнон маданияти излари, араб архитектура ва шаҳарсозлик анъанасининг қолдиқлари ҳамон сақланмоқда. Мўғул истилоси

вайрон қилган Эски Термиз харобалари ўтмиш ёдгорлигидир.

Термиз шаҳри собиқ тоталитар тузумнинг ҳарбий истеҳкомига, қалъасига айлантирилган эди. Шаҳарни узоқ йил дунёдан узиб қўйишди. Бироқ шаҳарга эмин-эркин кириш ва чиқишларга қўйилган тўсиқлар унинг тараққиётини тўхтата олмади. Шундай замон ва сиёсат, ҳукмронлик давридан кўзга ташланадиган архитектура ёдгорликлари бармоқ билан санарлидир.

Мустақиллик шаҳар учун янги имкониятлар берди. Шу боис кундан-кунга чирой очмоқда. Замонавий бинолар, турар-жой, саноат корхоналари, ўқув даргоҳлари шаҳар кўркига кўрк қўшмоқда.



«Меридиан» меҳмонхонаси



ROSTDA TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

«Россия», душанба

0.55 «ИИРТИЛГАН ПАРДА» («РАЗОРВАННЫЙ ЗАНАВЕС»)

Машхур физик Майкл Армстронг ўзининг қайлиги Сара билан Шарқий Германияга йўл олади. Совуқ уруш сиёсати авжига чиққан бир пайтда бундай касб эгасининг ўзга мамлакатга ташрифи анчайин хатарли эди. Сара тез орада турмуш ўртоғи қочоқ мақомини олмоқчи эканлигини сезиб қолади.

В ролларда: Пол Ньюмен, Жулия Эндрюс, Лиля Кедрова



ДТВ, сешанба

23.05 «ОЛИЙ ЛИГА» («ВЫСШАЯ ЛИГА»)

Таниқли раққоса бейсбол клуби хўжайинига турмушга чиқади. Асал ойидан сўнг кўп ўтмай куёв юрак хуружидан вафот этади. Келин шу тариқа ўта тўполончи, бебош ўйинчилар йиғилган жамоанинг эгасига айланади...

Ролларда: Том Беренджер, Чарли Шин, Рени Руссо.



«Биринчи» канал, чоршанба

1.30 «СИЛЬВИЯ»

Сильвия Платт болалигиданоқ жуда истеъдодли эканлигини намоён этади. У буюк шоира бўлишни орзу қилади. Кембриж университетиде таҳсил олаётганида англиялик Тэд Хьюсга дуч келади. Қиз тез орада бу йигит билан яқиндан танишиши зарурлигини тушуниб этади.

Ролларда: Гвинет Пэлтроу, Дэниэл Крэйг, Жаред Харрис.



НТВ, пайшанба

23.05 Комедия «БЕННИ ВА ЖУН» («БЕННИ И ДЖУН»)

Бенни Перл ёш механик йигит. У руҳий касалликка чалинган синглиси Жунни доимо назорат қилиб юришга мажбур. Сабаби, синглиси ҳамisha ҳамма ёққа ўт қўйишга ҳаракат қилиб юради. Қизни Сэм исмли йигит севиб қолади. Бенни бундан хабар топгач жанжал кўтаради...

Ролларда: Жонни Дэпп, Стюарт Мастерсон, Жулианна Мур.

ТВ 3, пайшанба

0.00 «Ривоят» («ПРЕДАНИЕ»)

Бэн Стайлс одамларни кўрқитишни яхши кўради. Бу одати ўзи таълим оладиган маскандаги ҳаммага ҳам ёқавермайди. Айниқса, академия директори норози. Навбатдаги шўхлигидан сўнг Бэнни ўқишдан ҳайдаб юборишади. У амакисининг уйига келади. Бу ерда бир аёл йигитни қабристонга бошлаб келиб, ўзи ғойиб бўлади.

Ролларда: Йен Рубес, Бен Газзара, Власта Врана.



СТС, жума

22.00 «СТЮАРТ ЛИТТЛ»

Жорж Литтл исмли болакай хафа. Сабаби, унинг укаси йўқ. Фамхўр ва меҳрибон отонаси болалар уйига бориб, у ердан сичқон боласини олиб келишади. Жонивор чиройли костюм кийган, бунинг устига худди одамга ўхшаб гапиралади...

Ролларда: Жина Дэвис, Хью Лори, Жонатан Липники.



«Биринчи» канал, шанба

23.10 «АМЕРИКАЧА ГЎЗАЛЛИК» («КРАСОТА ПО-АМЕРИКАНСКИ»)

Лестер Бернэмнинг оиласи пароканда аҳволга келган. Хотини Кэролайннинг ишхонасида жазмани бор. Доимо қовоқ уйиб юрадиган ўсмир қизи Жейн эса руҳий касалликлар шифохонасида даволаниб чиққан кўшни йигитга илакишиб қолган. Лестер нима қилишини билмай тушкунликка тушади. Аммо кутилмаганда қизининг синфдошини яхши кўриб қолади.

Ролларда: Кевин Спейси, Аннетт Бенинг, Тора Берч.



«Россия», якшанба

23.25 «ҚОЧОҚ КЕЛИН», («СБЕЖАВШАЯ НЕВЕСТА»)

Мэгги гўзал қиз. Аммо биргина камчилиги бор. У ўзининг тўйи пайти қочиб кетишни яхши кўради. Бу қилигини бир эмас, икки эмас, уч марта такрорлайди. Агар ҳаётида Аик исмли йигитга дуч келмаганида, ким билади дейсиз, яна неча марта ошиқларининг юрагини хуноб қиларди...

Ролларда: Жулия Робертс, Ричард Гир.

«Ўзбекистон» телеканал

Хурматли телетомошабинлар!
Профилактика муносабати билан душанба, 24 апрел куни «O'zbekiston» телерадиоканаллари ўз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.

14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Тахлилнома».
15.45 «Сизнинг адвокатингиз».
15.50 «Олам ва одам» дастури: «Шамборд қалъаси сири».
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртақлар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.35 «Минг бир маслаҳат».
17.55 «Умр дафтари». Б. Зокиров. 1-қисм.
18.20 Оқшом наволари.
18.30 «Пойдевор». Видеофильм. 5-қисм.
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Такдир ўйини». Теле-сериал премьераси.
23.10 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Тўқнашувга уч дақиқа қолганда». 1-қисм.
23.45-23.50 Тунги наволар.

«Ёшлар» телеканал

16.00 Давр.
16.15 Шум болалар.
16.25 Ёшлар овози.
16.40 Чемпион сирлари.
17.00 «Орзулар бекати». Jakhongir. Uz.
17.10 «Бошпана излаб». Бадиий фильм.
18.35 Баҳор наволари.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Кизил худуд.
19.55 Ракурс.
20.15 Салоҳиддин Азизбоев куйлайди.
20.35 Олий лига кундалиги.
20.55 «Оила тилсимми». Ботир Зокиров 1-қисм.
21.20 UzEX хабарлари.
21.30 Мусикий лаҳзалар.
21.40 Эълонлар.

21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Мусикий лаҳза.
22.40 Uz EX хабарлари (рус тилида)
22.35 «YOSHLAR» да спорт дастури: Интерфутбол.

«Тошкент» телеканал

18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 Болажонлар экрани.
18.30 «Пойтахт» (рус).
18.50, 20.20, 21.45 «ТВ анонс».
18.55 Зийнат.
19.15 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.45 «Бир жуфт аския».
19.50, 21.15 «Телекурьер маркет».
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Камила». Телесериал.
20.45, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
20.55 «ТВ юрист».
21.00 «Оқшом наволари».
21.25 «Журналист тахлили».
22.00 «Тоғлик куёв». Бадиий фильм. 1-қисм.
22.45-22.50 «Хайрли тун, шахрим».

«Sport» телеканал

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан, 24 апрел куни «Sport» телеканаллари ўз кўрсатувларини 18.00 дан бошлайди.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мини футбол. Осиё чемпионати олдидан.
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)
18.50 «Жди меня».
20.00 «Вести».
20.30 «Спортимиз маликалари».
20.50 «Футбол шарҳи».
21.15 «Тет-а-тет».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Две судьбы». Сериал.
22.40 «Проф-РИНГ».
23.30 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

17.00 Болалар соати
17.40 Мусикий лаҳзалар
18.00 «Кассандра», сериал
18.45 «Илдизлар ва япроклар»
19.00 Ошиқона
19.45, 21.40 Телехамкор
20.00, 21.50 Мусикий табасум
21.00 «София, менга имкон бер», сериал
22.25 «Тараққиёт Тв»
22.40 «Кашқирлар макони», сериал
23.10 Эстрада

«Первый»

5.00 «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 22.40, 2.00, 4.00 Новости
8.05 «Убойная сила». Фильм
9.20 «Детективы»
9.50 «Малахов + Малахов»
11.20 «Жизнь в три оборота». Док. фильм
12.00 Комедия «Желтый карлик»
14.10 «Без комплексов»
15.00 Сериал «Талисман»
16.00 «Федеральный судья»
17.10 «Большие девочки»
17.40 «Любовь как любовь». Фильм
18.50 Жди меня
20.00 Время
20.30 «Девять месяцев». Фильм
21.30 «Короткое лето Жени Белоусова». Док. фильм
23.00 Теория невероятности
23.50 «Гении и злодеи»
0.20 Комедия «Каков отец, таков и сын»
2.05 Фильм «Анатомия порока».
3.30 «Черные ангелы». Док. фильм

«Россия»

4:00 «Доброе утро, Россия!».
7:45 Фильм «Открытое сердце»
9:15 «Гример».
10:00, 12:45, 15:40, 18:45, 22:00, 3:45 ВЕСТИ.
10:50 «Комната смеха».
11:45 «Частная жизнь»
13:40 Комедия «О любви в любую погоду».
16:15 «Смехопанорама».
16:50 «Обреченная стать звездой». Сериал.
17:45 Сериал «Волчица».
19:50 «Спокойной ночи, малыши!».
20:00 Детектив «Тайны следствия-5».
20:55 Сериал «Мужчины не плачут-2»
22:20 «Мой серебряный шар»
23:35 «Честный детектив»
0:05 «Синемания».
0:40 «Дорожный патруль».
0:55 Триллер «Разорванный занавес»
3:00 «Евроныйос»

НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
8:05 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»
9:00, 12:00, 15:00, 18:00, 21:00 «СЕГОДНЯ»
9:20 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ»
9:55 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»
10:55 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...»
12:35 Сериал «БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ-7»
14:30, 17:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
15:30 Сериал «МАРШ ТУРЕЦКОГО»
18:40 Сериал «ПСЕВДОНИМ «АЛБАНЕЦ»»
19:45 Детектив «ПАЛАЧ»
21:40 «АТОМНЫЕ ЛЮДИ». Фильм
23:15 «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ»
0:15 «ВСЕ СРАЗУ!»
0:40 Фильм «ПРЕКРАСНАЯ НИМФА»

2:40 «АНАТОМИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЯ»
3:30 Сериал «МЕДИЦИНСКОЕ РАССЛЕДОВАНИЕ»
4:15 Сериал «ХОЛМ ОДНОГО ДЕРЕВА»

ТВ 3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00, 14.30 Мультфильмы
10.00 Худ. фильм «ЛЮБОВЬ НЕЛЬЗЯ КУПИТЬ»
12.00 Худ. фильм «ВИРТУОЗ»
14.00 «Осторожно, модерн!»
15.00 Худ. фильм «ДЖЕК В СТРАНЕ ЧУДЕС»
16.55 Худ. фильм «ЗАКЛЯТИЕ ДОЛИНЫ ЗМЕЙ»
19.00, 4.00 Сериал «ТРЕТЬЯ СМЕНА»
20.00 Худ. фильм «МОРСКОЙ ВОЛК»
22.00 Худ. фильм «ГОРОДСКОЙ ОХОТНИК»
0.00 Худ. фильм «ГАРГУЛЬИ»
2.00 Худ. фильм «ВЫЗОВ СМЕРТИ»

ДТВ

8.00, 15.30 Мультфильмы.
9.00 Сериал «НЯНЯ».
9.30, 16.30, 22.40 «Как ухаживали кумиры»
9.55 «Неслучайная музыка».
10.00 Телемагазин.
10.30, 1.15 «Карданный вал +».
10.50 Худ. фильм «СМЕРТЕЛЬНАЯ ИГРА».
12.40 «Деньги с неба».
13.05 Самое смешное видео.
13.35 Приключенческий сериал «КОМАНДА «А»».
14.30 Детектив «КРУТОЙ УОКЕР».
16.55 Фильм. «В МОЕЙ СМЕРТИ ПРОШУ ВИНИТЬ КЛАВУ К...»
18.45 «Неслучайная музыка».
19.00 Детектив «КРУТОЙ УОКЕР».
20.00 Самое смешное видео.
20.25 Шоу Бенни Хилла.
20.55 Сериал. «ПО ИМЕНИ БАРОН».
22.00 «Опергруппа, на выезд!»
23.05 Худ. фильм «КЛУБ НАСТОЯЩИХ ПАРНЕЙ».
1.35 Крим. новости.
2.00 «Супермужчина России»
2.20 «Девушки не против...»

ТНТ

4.45, 18.30, 23.35 «Москва: инструкция по применению»
5.10 «ПЛОХИЕ ДЕВЧОНКИ»
6.05 «Глобальные новости»
6.10, 11.15 «Никеллодеоны»
7.25 Предприниматель.
7.40 Наши песни.
8.00 «КАК ТОЛЬКО СМОЖЕШЬ». Комедия
10.45 «Верю - не верю»
12.30 Такси.
13.00 «ДЕВСТВЕННОСТЬ»
14.00, 0.20 ОФИС
15.00, 20.00, 23.05 Дом-2»
16.00 «Школа ремонта».
17.00 «Возможности пла-

стической хирургии»
18.00 Такси.
19.00 «Запретная зона»
21.00 Комедия «СУПЕР-СТАР»
0.05 Наши песни.
1.20 «КАК ТОЛЬКО СМОЖЕШЬ». Комедия

СТС

7.00 «ШПИОНКА». Худ. фильм.
7.50, 14.20 Мультфильмы
8.30, 10.30, 19.25 «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
9.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Худ. фильм.
10.00, 20.30, 0.30 Истории в деталях.
10.28, 20.58, 0.58 Настроение с Е. Гришковцом.
11.00 Кино «ТРАССА 60. ДОРОЖНЫЕ ИСТОРИИ».
13.20 «БЕДНАЯ НАСТЯ». Худ. фильм.
17.00 Комедия «ЛИЗЗИ МАГАУЙЕР».
17.30 «ТАКОЙ РАЗНЫЙ ФЕРГУС МАКФАЙЛ». Худ. фильм.
18.00 «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА».
18.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ». Худ. фильм.
21.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Худ. фильм.
22.00 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
22.30 Кино «НЕВЕРОЯТНЫЕ ПРИКЛЮЧЕНИЯ БИЛЛА И ТЕДА».
1.00 Комедия на СТС. «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
1.30 Детали.
2.30 «ТАКСИСТ». Худ. фильм.
3.15 Кино «БРОШЕННЫЙ».
4.35 «ШПИОНКА». Худ. фильм.
6.00 Музыка

7 ТВ

6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00, 7 новостей.
6.05 16.05 Водное поло. Чемпионат России. Финал.
7.05 Зарядка для страны.
7.25 8.25 9.25 Веселые старты.
8.05 Назло рекордам.
9.05 14.05 Экстремальный контакт.
10.05 19.05 Музыкальный трек.
10.25 «Спортивный калейдоскоп Хойта и Энди». Мультсериал.
11.05 15.05 23.05 NBA Live!
11.25 22.25 Экстремальный спорт. «High Action Adrenaline».
12.05 0.05 KOTV. Классика бокса.
13.05 Бешеные колеса.
13.25 14.25 17.25 18.25 19.25 20.25 Экстрим.
15.25 23.25 Бокс. Легендарные бои XX века.
17.05 Магия оружия.
18.05 22.05 «Советский спорт»
20.05 Экстремальный спорт. «Sports Worx».
21.05 Армспорт. Чемпионат России.
1.05 5.05 Покер.
2.25 Звезда автостреды.
2.40 AutoFashion.
3.05 Дартс.
4.05 Футзал. «Алмаз-Алроса» - «НКЗ».

«Ўзбекистон» телеканалли

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Тўқнашувга уч дақиқа қолганда». 1-қисм.
«Болалар сайёраси»:
9.15 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2. «Тоғлик». Мультсериал.
10.35 «Остонаси тиллодан».
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги».
12.00 «Одами эрсанг.»
12.20 «Бир жиноят изидан».
12.45 «Тақдир ўйини».
13.50 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.20 Олтин мерос.
14.25 «Шахсий фикр».
15.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
15.15 «Онтаро соҳилидаги воқеа». Бадий фильм.
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Эртақлар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Ҳаёт ва қонун».
17.40 «Дил таронаси».
17.45 «Агар Сиз».
18.05 Оқшом наволари.
18.15 «Умр дафтари». Ботир Зокиров. 2-қисм.
18.40 «Пойдевор». Видеофильм. 6-қисм.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Ернинг муносиб эгасини топиш – долзарб масала».
22.00 «Тақдир ўйини».
23.10 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Тўқнашувга уч дақиқа қолганда». 2-қисм.
23.40-23.45 Тунги наволар.

«Ёшлар» телеканалли

16.00 Давр.
16.15 Болалар шеърляти.
16.25 Эврика.
16.35 Болалар табассуми.
16.45 Ёшлар овози.
17.00 ТВ-дорихона.
17.10 2006-Ҳомийлар ва шифокорлар йили. Саҳоват.
17.55 Sinema Bolivud.
18.10 Орзулар бекати.
18.20 Юртим хазинаси.
18.35 Баҳор таронаси.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Ёшлик наволари.
20.00 «JOKER» телелотореяси.
20.10 Автопатрул.
20.30 «Оила тилсими». Ботир Зокиров 2-қисм.
20.55 Эълонлар.
21.05 «Ҳақиқат».
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.

22.45 Муסיқий лаҳза.
22.50 «Ҳаётда ҳамма нарса бўлади!» Бадий фильм 1-қисм.

«Тошкент» телеканалли

18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 Болажонлар экрани.
18.30 «Пойтахт» (рус).
18.50, 20.20 «ТВ анонс».
18.55 «2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили».
Саломат бўлинг (рус)
19.15 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.45 «Тв юрист».
19.50, 21.15 «Телекурьер маркет».
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Камила». Телесериал.
20.45, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
20.55 «ТВ юрист».
21.00 «Оқшом наволари».
21.25 «Фуқаролик жамияти сари».
22.05 «Тоғлик куёв». Бадий фильм. 2-қисм.
22.50-22.55 «Хайрли тун, шахрим».

«Sport» телеканалли

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
8.20 «Шоввозлар». Мультсериал.
8.45 «Спорт-клуб».
9.00 «Хабарлар».
9.20 «Талисман». Сериал.
10.00-11.00 Ўзбекистон чемпионати: Волейбол. Мини футбол.

«SPORT». ТЕЛЕКАНАЛИ.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)
18.50 «Ким нимага қодир?!»
19.15 «В поисках приключений».
20.00 «Вести».
20.30 «Футбол плюс».
21.05 «Спорт – менинг ҳаётим».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Две судьбы». Сериал.
22.40 Жаҳон спорти: «Теннис».
23.40 Футбол. Европа чемпионлар лигаси. «Вильярреал» - «Арсенал». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
1.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

12.05, 16.45, 19.45 Телехамкор
12.25, 17.00 Детский час
12.50 «Солдаты», сериал
14.00 Худ. фильм «Земля до начала времён»
15.30, 19.00 Ошиқона
16.15 Аёллар орзуси
17.40, 22.35 Муסיқий лаҳзалар
18.00 «Кассандра», сериал
18.40 «Уйғоқ кўнгиллар»
20.00, 21.40 Муסיқий табасум
21.00 «София, менга имкон бер», сериал
22.15 «Мозийдан садо»
22.15 «Қашқирлар макони», сериал
23.25 Биз билган ва билмаган дунё

«Первый»

11.15 Худ. фильм «Гостья из будущего»
13.00 Телеэкспромт
13.20 Хит.парад - плюс
14.20 Шоу-бизнес янгиликлари
15.30 Аёллар орзуси
16.00 До-Ми-Соль шоу
17.00 Худ. фильм, «Гордость Симбы»
18.25 Мусикий лаҳзалар
18.40 «Сўғдиёна»
19.15 Ошиқона
20.00 30 кадр
20.30, 21.40 Мусикий табасум
21.00 Яқшанба оқшомида
22.10 Худ. фильм

«Первый»

5.00, 9.00, 11.00, 17.00 Новости
5.10 «Шутка за шуткой»
5.40 Фильм «34-й скорый»
7.10 Армейский магазин
7.40 Дисней-клуб
8.10 Умницы и умники
9.10 «Непутевые заметки»
9.30 Пока все дома
10.20 «Ералаш»
11.10 Здоровье
12.00 «За секунды до катастрофы»
13.00 «Спекулянты эпохи социализма»
14.00 «Империя»
15.00 Футбол. Чемпионат России. VII тур. «Зенит» - «Спартак»
17.10 «Кто хочет стать миллионером?»
18.10 Юбилей Е. Шифрина
20.00 Время
20.20 Юбилей Е. Шифрина. Продолжение
21.40 Комедия «Крысиные бега»
23.50 Детектив «Секс и женатый детектив»
1.30 Комедия «Избавьте нас от Евы»
3.30 Сериал «Битва за галактику»
4.10 «Храм Святого семейства»

«Россия»

4:30 Комедия «Друг»
6:10 «Здоровье».
6:20 «Сельский час».
6:45 «Бинго миллион».
7:00, 10:00, 13:00, 19:00 ВЕСТИ.
7:20 «Русское лото»
7:30 Фильм «Весна на Заречной улице»
9:30 «Утренняя почта».
10:20 «Городок»
10:55 «Сам себе режиссер».
11:45 «Смехопанорама».
12:15 «Парламентский час».
13:20 «Фитиль №84»
14:10 «Великолепная восьмерка».
14:55 «В Городке».
15:05 Комедия «Ландыш серебристый»
17:00 Юбилей Л. Гурченко
20:00 Юбилей Е. Петросяна
23:25 Комедия «Сбежавшая невеста»
1:45 Комедия «Злая шутка»
3:30 СЕРИАЛ «Прочная сеть-2»
4:10 «Евро Ньюс»

НТВ

4:20 Фильме «МИНИН И ПОЖАРСКИЙ»
6:30 «СКАЗКИ БАЖЕНОВА»
7:00, 9:00, 12:00, 15:00, 18:00 «СЕГОДНЯ»
7:20 Сериал «ДЖОУИ»
7:45 «ИХ НРАВЫ»

8:25 «ЕДИМ ДОМА!»
9:20, 19:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
9:50 «TOP GEAR»
10:30 «ЦЕНА УДАЧИ»
11:20 «РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ»
12:20 «СТИХИЯ»
13:00 Фильм «РАЗНЫЕ СУДЬБЫ»
15:20 «ОДИН ДЕНЬ. НОВАЯ ВЕРСИЯ»
15:55 «СВОЯ ИГРА»
16:55 Сериал «МАРШ ТУРЕЦКОГО»
18:55 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ».
19:55 Сериал «СЫЩИКИ-5»
21:00 «ВЕЧЕР С В. СОЛОВЬЕВЫМ»
22:30 Сериал «ЗОНА»
0:25 «ЖУРНАЛ ЛИГИ ЧЕМПИОНОВ»
1:00 «WORLD MUSIC AWARDS - 2005»
3:10 Детектив «ПРОКОЛ»

ТВ 3

7.30 Жизнь, полная радости.
8.00 Мультфильмы
10.00 Худ. фильм «ЧАРЛИ - ОДИНОКИЙ КУГУАР»
12.00 Худ. фильм «АЛИСА В СТРАНЕ ЧУДЕС»
14.30 Курьер.
15.00 Худ. фильм «КАНИКУЛЫ САНТА-КЛАУСА»
17.00 Худ. фильм «ПУТЬ ДРАКОНА»
19.00 «Осторожно, модерн!»
20.00 Худ. фильм «КЛЕОПАТРА»
23.00 Худ. фильм «КРАСНОЕ СОЛНЦЕ»
1.30 Худ. фильм «ЭД ВУД»
4.00 Сериал «МУТАНТЫ ИКС»

ДТВ

8.30 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ».
9.05 Для милых дам.
9.40 Мультфильмы.
11.15 Фильм. «ЗОЛОТАЯ РЕЧКА».
13.30 «Супермужчина России».
14.30 Детектив «СПРУТ».
15.30, 5.15 «Время - деньги».
16.00 Сериал. «ПО ИМЕНИ БАРОН»
18.00 Самое смешное видео.
18.30 «Этот безумный мир».
19.00, 1.05 В. Турчинский
20.00 Фильм «КОНЕЦ ОПЕРАЦИИ «РЕЗИДЕНТ»
23.10 Детектив «С.С.И. МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЛАСВЕГАС»
2.10 Худ. фильм «ФИЛЕЙН ГОВОРИТ «ПРОСТИ»».
4.05 «Осторожно, афера!»
4.30 Детектив «СПРУТ».

ТНТ

6.00 «Неизвестная планета»

6.25 Мультфильмы.
7.20 «ОТ 16 И СТАРШЕ». Комедия
8.10 «Каламбур»
8.35 «Фигли-Мигли»
9.00 «ЖАНДАРМ ИЗ СЕНТРОПЕ». Комедия
11.30 «Никеллодеоны»
14.00, 0.00 ОФИС
15.00, 20.00, 23.15 Дом-2.
16.00 «Дикие дети»
17.00 «Школа ремонта»
18.00 «САША + МАША»
21.00 Комедия «ФАНТОМАС»
23.45 Наши песни.
1.00 «ЖАНДАРМ ИЗ СЕНТРОПЕ». Комедия

СТС

7.00 «ДЕТИ ДЮНЫ». Худ. фильм
8.35, 10.30 Мультфильмы
10.00 «Улицы Сезам».
13.00 «Жизнь прекрасна»
15.00 «Снимите это немедленно»
16.00 «Нацисты. Предостережение истории»
17.00 Истории в деталях
17.30 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ»
22.00 Кино «ДЮПЛЕКС». 23.55 «6 кадров»
0.25 Кино «КТО ПОДСТАВИЛ КРОЛИКА РОДЖЕРА?»
2.40 Кино «ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ»
5.30 Кино «ПУТЕШЕСТВИЕ ВО ВРЕМЕНИ».
6.20 Музыка

7 ТВ

6.00 Назло рекордам.
6.10 Футзал. «Концентрат» - «Динамо».
7.00 8.00 Веселые старты.
9.00 Мультфильмы.
9.30 «СОПЕРНИЦЫ». Худ. фильм.
11.00 Ле-Ман. Историческая гонка.
12.00 Большой гоночный уик-энд.
19.30 Rally Action. Racing Action.
20.30 Бега и скачки.
21.00 Планета рыбака.
21.30 0.30 Total Регби.
22.00 Гольф. Европейская неделя.
22.30 «Motorsport Mundial». Журнал мирового автоспорта.
23.00 3.00 AutoFashion.
23.10 2.10 NBA Live!
23.30 F-1. Ретро.
21.30 0.30 Total Регби.
11.10 18.00 2.00 Звезда автострады.
1.00 5.00 Магия оружия.
1.10 5.10 Покер.
2.00 Звезда автострады.
2.30 Бокс. Легендарные бои XX века.
3.10 KOTV. Классика бокса.
4.00 Музыкальный трек.
4.10 Дзюдо. Кубок губернатора Московской области.


НЕПАЛДА НОТИНЧЛИК

Ҳимолай тоғининг тепасида жойлашган Непал қироллигининг пойтахти марказида кечки пайт айлансангиз, осойишталик, тўкин-сочинликни кўриб қойил қоласиз. Атрофда қирол саройи, хорижий мамлакатларнинг элчихоналари, ҳашаматли меҳмонхоналар савлат тўкиб турибди. Дўконларнинг пештахталари турли-туман молларнинг мўл-кўллигидан синиб кетай дейди. Ҳар қадамда такси. Турли-туман, ажойибу ғаройиб лаззатли таомлар тайёрланадиган ресторанлар хорижлик сайёҳларга тўла.

Маҳаллий телевидение эса бутунлай бошқача манзараларни намойиш этапти. Кўрсатувларга қараганда, мамлакатнинг турли бурчакларида митинглар, намойишлар давом этапти. Намойишчилар полициячиларга қарата тош отишмоқда. Тўқнашувлар юз бериб турибди. Қўлларига бамбук таёқлари олган полиция ходимлари халойиқни тарқатиб юборишга ҳаракат қилаяпти.

Мана, икки ҳафтадирки, шу аҳвол. Етти сиёсий партияни ўз сафларига бирлаштирган муҳолифат халқни муддатсиз иш ташлашга чақирган. Намойишчилар қиролдан асосий ваколатларини халқ қўлига топширишни талаб қилмоқда.

Қиролликнинг турли ҳудудларида юз берган тартибсизликлар чоғида ўндан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмди. Митингларда либераллар, коммунистлар, уй бекалари, ўқитувчилар ва ҳатто филлари ёрдамида тирикчилик ўтказадиган инсонлар ҳам ўзларининг баҳайбат жониворлари билан бирга иштирок этишмоқда. Банк хизматчилари, мамлакат ИИБнинг олдий ходимлари ҳам иш ташлашди. Ёшлар ҳам намойишчилар сафига қўшилмоқда.



ҲУЖУМ ҚИЛИНГУДАЙ БЎЛСА

Венесуэла Президенти Уго Чавес: «АҚШ қўшинлари мамлакатимизга бостириб киргудек бўлса, барча нефть конларини портлатамиз, токи улар бизнинг энергетик ресурсларимиздан фойдалана олишмасин», — деди Парагвай, Уругвай, Боливия давлатларининг раҳбарлари билан бўлган учрашувда.




Унинг фикрича, АҚШ раҳбариятининг мақсади Венесуэлада нефть ва газ қазиб олиш устидан ўз назоратини ўрнатишидир. «2002 йил апрелида давлат тўнтариши амалга оширишга уринишдан мақсад Вашингтонга мақбул ҳукуматни ҳокимият тепасига келтириб, кейинроқ улар ёрдамида мамлакатимиздаги нефть ва газ конлари устидан АҚШ компаниялари назоратини таъминлаш эди», — дея баёнот берди Чавес.

ЦИКЛОН АВЖИДА

Россиянинг Приморье ўлкаси ҳудудида циклон авжига чиқмоқда. Ўтган бир неча кун ичида Владивостокда бир ойлик миқдорда ёғингарчилик қайд этилди. Тун бўйи ёғиб чиққан ҳўл қор эрталабга бориб музлади. Бунинг оқибатида автомобиль йўллари яхмалакка айланди.

Ҳозирги пайтда ўлканинг деярли барча йўлларида қатнов қийинлашган. Шаҳарларга катта юк машиналарининг кириши чекланди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Приморье ўлкасида яқин 130 йил ичида бунақанги кучли циклонга дуч келинмаган экан. Барча тезкор ва коммунал хизматлар ҳозир кучайтирилган тартибда ишламоқда.



БИРИНЧИ ҚАДАМ

Италиянинг янги Бош вазири Романо Проди чоршанба кuni телефон орқали Фаластин Мухторияти Ҳукумат раҳбари билан суҳбатлашди. Ушбу мамлакатда ХАМАС ҳаракати ҳокимият тепасига келгач, Европа Иттифоқи давлатлари унга нисбатан дипломатик қамал сиёсатини олиб боришгаётган эди.



Фаластин Мухторияти Ҳукуматининг маъмурияти тарқатган хабарга кўра, мамлакат Бош вазири тутган позицияси учун Романо Продиға миннатдорчилик билдирган.

Ёдингизда бўлса, илгари Европа Иттифоқи аъзолари ва АҚШ Фаластин Мухторияти раҳбариятидан Исроил давлатини тан олишини, унга қарши қуролли курашдан воз кечишини талаб қилиб, ўзаро музокаралар олиб боришдан бош тортишган эди.

БЕАЙБ ПАРВАРДИГОР

Доно халқимиз бекорга шундай демаган. Ҳамма ҳам хом сут эмган банд. Билиб-билмай жиноятга, гуноҳ ишга қўл уриб қўйиши мумкин. Яқинда мексикалик Сезар Торрес бир аёлни ваҳшийларча ўлдирганлигини тан олди. 42 ёшли бу руҳоний Мехико шаҳридаги ибодатхонага раҳбарлик қилган. Ибодатхонага 22 ёшли Вероника исмли қиз ҳам қатнаб турган. Кейинроқ иккаласи дон олишди. Кўп ўтмай Вероника руҳонийга ўзининг ҳомиладор эканлигини айтиб, катта миқдорда пул талаб қилади. Бундан газабланган Сезар Торрес Вероникани бўғиб ўлдиради. Сўнг жиноят изини яшириш учун мурдани бўлақлаб, елим қопларга жойлаб, машинасига ортиб Мехико яқинидаги қабристонга олиб бориб кўмади. Ҳозир руҳоний ҳибсада сақланмоқда.

ТАЛАБА КАСАЛХОНАДА

Россияда хорижлик талабаларга нисбатан жиноий хатти-ҳаракатлар содир этиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Чоршанба кuni соат тахминан 20.40ларда Санкт-Петербургдаги Мечников номидаги Тиббиёт академиясида таҳсил олаётган ҳиндистонлик талабага номаълум кимсалар ҳужум қилган эди. Анжанги Кишори Кумар бўйиндан жароҳатланиб оғир аҳволда касалхонанинг жарроҳлик бўлинмасига ётқизилган. Ҳозирда унинг аҳволи яхши.



НЕФТЬ БОЗОРИДА САРОСИМА


Нью-Йорк товар биржасида бир баррель «қора олтин»нинг баҳоси 72 АҚШ долларидан ошди. Лондонда эса бир баррель нефтни 74 долларга сотишмоқда. Баъзи экспертларнинг фикрича, нарх яқин орада икки сабабга кўра янаям ошиши мумкин. Биринчидан, йилнинг шу пайтида АҚШдаги аксар нефтни қайта ишлаш заводлари профилактика мақсадларида ёпилади. Иккинчидан, баҳор ва ёз ойлари кўнлаб америкаликлар автомобилларида сайру саёҳатларга чиқишади. Демакки, бензинга эҳтиёж ошади. Бундан ташқари Эрон ва Нигериядаги аҳволни ҳам назардан қочирмаслик керак.

«Қора олтин» нархлари ошишидан саросимага тушиб қолган одамлар ҳақиқий олтин ҳам қимматлашаётганини пайқашмаяпти. Ваҳоланки, унинг бир унцияси 630 доллардан ошқорққа баҳоланди. Бу сўнгги чорак аср ичида энг юқори кўрсаткичдир.



ЗУҲРОГА БОҚ

Маълумки, ота-боболаримиз Венера сайёрасини Зухро деб аташган. Европа Космик агентлиги (ЕКА)га қарашли фазо кемаси ушбу сайёра орбитасига кўтарилгач, Зухронинг дастлабки фотосуратини олди. ЕКАнинг хабар қилишича, сурат 206452 километр узоқликдан олинган. Унда сайёранинг жанубий кутби анча аниқ акс этган. Астрономлар, айниқса, ундаги қора туйнуклар билан қизиқиб қолишди. Олимларнинг тахминича, сайёранинг шимолий кутбида ҳам шундай туйнуклар мавжуд бўлиши керак.



ТЕРРОРЧИЛИКНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Буюк Британия полицияси йирик террорчилик ҳаракатининг олдини олишга муваффақ бўлди. Ирландия шимолида жойлашган Лурген шаҳрида бомба тайёрлаш мақсадида фойдаланилган бино топилди. Тўрт киши кўпурувчилик содир этишга тайёргарлик кўрганликда гумон қилиниб, ҳибсага олинди. Яширин заводда жанговар шай ҳолатга келтирилган портловчи қурилмалар олиб кўйилди. Полиция вакилининг баёнотида қараганда, ҳибсага олинганлар Ирландия республикачилар армияси ташкилотига алоқдор бўлиши мумкин.

МАҲБУСЛАР РЎЙХАТИ

Ниҳоят «Associated Press» ахборот агентлиги ўз мақсадига эришди. Нью-Йорк судининг қарорига кўра, Гуантанамо қамоқхонасида сақланаётган асирларнинг рўйхати эълон қилинадиган бўлди.

Ундан 558 фамилия ўрин олган. Саудия Арабистони фуқаролари 132 кишини ташкил этади. Афгонлар 125 нафар. Яманликлар юздан ортиқ. Қамоқхонада жами 41 давлат фуқаролари сақланмоқда.

Пентагон вакиллари асирлар рўйхати ошкор этилиши салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини башорат қилишмоқда. Гап шундаки, аксар маҳбуслар террорчилик ҳаракатлари содир этганликда айбланишяпти. Бу кўпурувчиликлар натижасида кўнлаб беғуноҳ одамлар қурбон бўлишган.



Ўзбекистон халқ артисти Фуломжон Ёқубовни нафақат Ўзбекистонда, балки кўшни республикаларда ҳам яхши танишади. Бундай мавқега у ўзининг бетакрор овози, жозибали кўшиқлари ва албатта, тинимсиз изланишлари туфайли эришган. Эътиборлиси шундаки, Фуломжон ака ҳамон ижод қилишда давом этяпти. Шу йил баҳорнинг илк кунлари пойтахтимизнинг муҳташам «Халқлар дўстлиги» саройига йиғилган санъат ишловчилари бунга яна бир карра амин бўлишди. Севимли хонандамиз ўзининг 55 ёшини мухлислари даврасида, жонли ижродаги кўшиқлари билан қарши олди. Хонанданинг концертдан кейинги ижодий режалари, кўнгул кечинмалари, ўй-мушоҳадалари ифодаланган мазкур суҳбат кўп сонли муштарийларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

— Фуломжон ака, сизни 55 ёшингиз, қолаверса, мухлислар имтиҳонидан яна бир бор муваффақиятли ўтганингиз билан табриклаймиз.

— Раҳмат. Ҳақиқатдан ҳам концерт дастури хонанда учун катта бир имтиҳон, синов. Икки соатга мўлжалланган дастур қарийб 4 соатга чўзилиб кетди. Очиги, томошабинлар зеркиб ёки туриб кетишмасмикан, деб хавотирлангандим. Йўқ, бундай бўлмади. Йигирмага яқин янги кўшиқларни ҳавола қилдик. Мухлислар жонли ижрони соғинишган шекилли, репертуаримдаги эски кўшиқларни ҳам сўрашди. Албатта, бу истакларни бажариб, мухлислар ишончини оқлашга ҳаракат қилдик.

— Таржимаи ҳолингиз билан қизиққанлар ҳам бўлгандир-а?

— Бу тўғрида кўп гапирганман. Лекин сўрашса, бажонидил айтиб бераман. Тошкент шаҳрида туғилганман. Кўкча даҳасидаги 40-мактабда ўқиганман. Болалигимдаёқ ёғочга сим тортиб, «рубоб» чалардим. Учинчи синфда онам мусиқа мактабига олиб бордилар. Мазкур мактабда 7 йил таҳсил олгач, мусиқа билим юртида, сўнгра Тошкент Давлат театр ва рассомчилик институтида санъат сирларини ўргандим.

— Кўшиқчи сифатидаги фаолитингиз қандай бошланган?

— 1967 йилда устозим, таниқли санъаткор Фахриддин Умаровнинг кўшиқларини куйлаб, илк бор катта саҳнага чиқдим. Ушанда устоз санъаткор Комилжон Отаниёзов менга оқ йўл тилагандилар. Устозим Фахриддин ака санъатнинг сир-асрорини менга астойдил ўргатди. Ўз йўлим ва услубимга эга бўлганимдан кейин ҳам йўл-йўриқларини аямади. Кўшиқчилик сирларининг поёни йўқ, ҳозир ҳам устозимдан кўп нарсаларни ўрганипман. Фахриддин ака 80 ёшга тўлганларига қарамай ҳамон кўшиқ айтадилар. Ҳақиқий санъаткор ана шундай бўлиши керак.

— Кўшиқ ва рақс уйғунлиги ҳақида тўхталсангиз.

— Рақс — гоятда нафис санъат. Кўшиқдаги энг гўзал ҳис-туйғуларни раққосанинг нозик хатти-ҳаракатлари янада яққол-

лик санъатининг ривожига эмас, аксинча, завоқ топишига хизмат қилади. Чет эл мусиқаси миллий оҳангларимизни, бетакрор наволаримизни ифодалаб бера оладими?! Йўқ, албатта. Ҳақиқий санъаткор бас-

кўшиқларга ўрганиб қолса, киши ҳақиқий кўшиқнинг қадрига етмайди. Танқидга берилиб кетдингиз, десангиз ҳам айтмай. Ҳозир телевидение орқали намойиш этилаётган баъзи кўшиқларнинг на авжи бор, на ниҳояси. Устозларимиз авжи йўқ кўшиқни тузсиз таомга ўхшатишади. Санъатимизни ривожлантириш учун ёшларга ҳам мақом, ҳам халқ йўлида куйланган кўшиқларни сингдириб бориш керак. Мақомда ҳамма нарса мужассам: боши, ўрта авжи, катта авжи, қайтиш...

— Ижодингизни лирик кўшиқлар куйлаш билан бошлагансиз. Индиликда кўпроқ эстрада йўналишида куйлаясиз.

— Эстрада йўналишида куйлаётганим лирик кўшиқлардан воз кечганим эмас, албатта. Менимча, хонанда турли йўналишларда ўз маҳоратини синаб кўриши керак. Негаки, ҳамманинг диди ҳар хил. Учрашувларда баъзан лирик кўшиқ, баъзида мақом ижро этиб беришимни сўрашади. Мен бажо келтираман. Ахир, мухлиснинг сазасини ўлдиришдан ёмони йўқ.

— Айрим санъаткорлар «манманлик касали»га чалинишган. Сабабини сўрасангиз, шундай қилмасанг, одамлар бошингга

кейин ҳам кўшиқ айтиш кўнглига сиғаяпти, деганлар ҳам бўлди. Начора, Яратганининг иродаси шу экан. Жигарбандларимни куйлаб туриб эслаймак, эслаб туриб кўпроқ куйлайман. Бундан ўзга чорам ҳам йўқ.

— Санъат туфайли дунё кездингиз. Кўрган-кечирганларингиздан кашф этган фалсафанингиз борми?

— Италия, Франция, Малайзия каби кўплаб хорижий давлатларда бўлдим. Бир гал Ҳиндистонга бориб, Деҳли аэропортида эл ардоғидаги хонанда — Жўрабек Набиев билан учрашиб қолдик. Жўрабек гастрол сафарини якунлаб, Ватанига қайтаётган экан. Мусофир юртдаги дийдорлашувдан қувониб, икки дўст аэропортида концерт уюштириб юбордик. Мен ўзбек, Жўрабек тожик тилида куйлаб туришмиз. Рақсида хиндлар... Томошабинларнинг олқишларини айтмай қўя қолай. Концертдан кейин Жўрабекни самолётга кузата туриб, бутун вужудим билан она юртга қайтигим келди. Хиндларнинг шунча олқишлари ҳам мендаги соғинчни енголмади. Она юртим, она халқим қанчалар азизлигини дунё кезиб, чуқурроқ англаб етдим.

— Айтишларига қараганда, одамларнинг дардини эшитишда, кези келганда ёрдам қилишда ўзингизни аямас экансиз...

— Ижодкор халқ билан ҳамнафас бўлиши керак. Халқнинг

кўнглидагини куйласанг, халқ сени сийлайди. Бир оғиз сўз билан кимнингдир ҳаётини обод ёки аксинча, барбод қилиб қўйиш ҳеч гапмас. Баҳодир исмли йигит билан танишиб қолдим. Каттиқ тушкунликдаги бу йигит дардини тўкиб солди. Турмуш ўртоғи уч нафар ёш боласини Баҳодирга ташлаб кетибди. Унинг дардини кўшиқ қилдим. Кўшиқни тинглаган йигит дардига малҳам топгандай бўлди чоғи, аста-секин ўзини тиклаб олди.

— Репертуарингиздаги аксарият кўшиқларга ўзингиз куй басталагансиз. Бу сизга қийин эмасми?

— Айтиб ўтганимдек, санъаткор бир хилликдан қочиши керак. Бирон матнга куй басталаганимдан кейин ижодий гуруҳимиз билан уни муҳокама қиламиз. Аввалги кўшиқларга ёки бошқаларникига ўхшаб қолмаслигига жиддий эътибор берамиз. Айрим кўшиқларнинг куйи ўз-ўзидан қуйилиб келади, баъзан туш орқали ҳам аён бўлади. Умуман, куй, кўшиқ баъзан илоҳий қудрат туфайли яралади, десам муболаға бўлмас.

Ҳозир концерт дастурида ижро этган янги кўшиқларимизни аудио альбомга ёздириш ишлари кетаяпти. Юртимиздаги ҳар бир шодиёнада янгиланган кўшиқлар билан эл кўнглини хушнуд этаверайлик, дейман...

— Самимий суҳбат учун раҳмат!

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА суҳбатлашди.

«МУХЛИСНИНГ САЗАСИ ЎЛМАСИН...»

роқ ифодалаб беради. Ҳар бир кўшиғим устида ишларканман, рақснинг ўрни ҳақида, албатта, бош қотираман. Раққоса Дилафрўз Жабборова билан кўп йиллардан буён ҳамкорликда ишляпмиз. Баъзан у чекка вилоятлардаги гастролларга боролмай қолса, мухлислар «Дилафрўз нега келмади?» деб қайта-қайта сўрашарди. Демак, рақс—кўшиқнинг узвий бир бўлаги, десак хато бўлмайди.

— Машҳур созанда Абдуҳошим Исмоилов билан ҳам анчадан буён ижодий ҳамкорликдасиз...

— Ёлғиз отнинг чанги чиқмайди, дейдилар. Мухлислар эътиборини қозонишимда Абдуҳошим Исмоиловнинг ҳиссаси катта. Шунингдек, А. Расулов, Д. Омонуллаева, А. Эргашев сингари бастакорлар, М. Юсуф, Ш. Саодий, Чустий сингари шоирлардан ҳам миннатдорман. Шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтай: айрим кўшиқчилар фақат биргина бастакор ёки шоир билан ишлашга одатланиб қолишяпти. Қарабсизки, кўшиқлар инкубатордан чиққан жўжалардай бир хил. Хонанда имкон қадар бир хилликдан қочса, янгилик яратсагина кўшиқлари халқнинг юрагидан жой олади.

— Бизда нота бўйича мусиқа ёзадиган бастакорлар йўқлиги учун ҳам хорижий мусиқаларни олишга мажбурмиз, дейишади айрим хонандалар. Бу фикрга қандай муносабат билдирасиз?

— Бу ўз айбини ҳаспўшлаётганларнинг фикри бўлса керак. Хорижий мусиқага ўзбекча матн қўйиб куйлаш кўшиқчи-

такор билан ҳам, оранжировкачи билан ҳам астойдил тер тўкиши керак. Биласиз, мен ҳам қорақалпоқ, араб, ҳинд ва бошқа тилларда кўшиқлар айтганман. Бу кўшиқларни махсус мутахассислар ёрдамида меъёрига етказганимдан кейингина саҳнага олиб чиққанман. Хорижий мусиқани олгандан кўра

чиқиб олишади, деб жавоб беришади. Бунга қандай қарайсиз?

— Кибру ҳаво Яратганга хос. Ахир, умр мобайнида бир мартабада туришга ким кафолат бера олади?! Репертуаримдаги илк кўшиқларимдан бири — «Нилуфар»ни эшитгандан кейин одамлар мени кўриб қолишса «Ана, Нилуфар!» дей-



ўша кўшиқни яхлит ҳолда ижро этган яхшироқ-ку. Фикримни лўнда қилиб айтадиган бўлсам:

Чалма созингни, муганний,
Чалганинг титратмаси!

— Агар ёмонлар бўлмаганда эди, яхшиларнинг қадрига етмасдик. Халқ барибир яхши кўшиқни ёмондан ажратиб олади...

— Мен кўпроқ ёшларни ўйлапман. Айтайлик, ҳадеб нордон олма еяверса, одамнинг тиши қамашади. Қарабсизки, ширин олманинг ҳам мазасини сезмай қолади. Демокчиманки, энгил-елпи

диган бўлишди. Бунинг нимаси ёмон. Ёки 15 йил олдин «Дилором» кўшиғини айтганман, ҳозиргача «Вой, Дилором-ку!» дейишларидан ранжишим керакми?! Йўқ, аксинча халқнинг эътиборидан хурсанд бўлиш керак. Эл назаридан қолиш жуда осон ва жуда ёмон.

— Бошингизга оғир мусибатлар тушгандан кейин яна саҳнага қайтганингизда мухлисларингизнинг қувончдан кўз ёш тўкканларини кўрдим...


— Ҳа, яхшиларнинг руҳий мадади билан саҳнага қайтдим. Лекин беш қўл баробар эмасда, шундай оғир кулфатдан




Do'stlar!

Bugun men sizlarga bir-biridan qiziqarli topshiriqlardan tashqari ajoyib fokus ham o'rgatmoqchiman. Qanaqa fokus ekanligini esa sahifani izlasangiz topasiz. Qani, endi ishga!

Sovg'a olish ham-maga ham yoqsa kerak, to'grimi? Jirafa esa kompyuter sovg'a qilishlarini xohlar ekan. Lekin avval uning qirqib, bo'laklarga bo'lingan rasmini yig'ib chiqishni topshiriq qilib berishdi. Jirafaning haqiqiy sovg'a olishiga yordam bering.





Mana bu tasvir esa siz sevib tomosha qiladigan multfilmni eslatgani aniq. Unda bir gala yovvoyi oqqushlar qizchani ukasini o'g'irlab ketishadi. Qizcha ukasini topgach, uni yovvoyi oqqushlardan himoya qilish uchun daraxt ortiga berkinadi. Lekin oqqushlar qani, deb so'rarsiz? Bu siz uchun topshiriq bo'ladi. Osmondagi qalin bulutlar orasidan 5 ta oqqushni toping.



Hoynahoy, adangiz, oyingiz yoki yaqinlaringizdan biri ichki ishlar idoralarida xizmat qilsalar kerak. Ularning yelkalaridagi yulduzchalar chiroyli-a? Keling, shu yulduzchalardan foydalanib, sizga bir topshiriq beray.

Quyida yulduzchalardan iborat uchburchak berilgan. Uchburchak, ko'rib turganingizdek, pastga qaragan. Siz yulduzchalardan uchtasining o'rnini shunday almashtiringki, natijada uchburchak yuqoriga qaragan holda bo'lsin.


Ushbu rasmda turli buyumlar tasvirlangan. Ammo ularning biri ikkinchisiga aloqador. Ana shunday «juftlik»larni topib chiqsangiz, qanday buyum ortib qolganligini bilib olasiz.



Mening do'stlarim anchadan buyon bir-birlari bilan uchrashishni istashardi. Ammo ularning oldida bir qancha to'siqlar bor. Ulardan aylanib o'tishlarida esa sizning yordamingiz zarur. Do'stlaringizga ko'maklashib yuboring.

Ana endi navbat fokusga!

O'rtoqlaringizdan biriga bitta 10 so'mlik, yana bitta 50 so'mlik tanga bering va ikki qo'lga yashirishini so'rang. Qaysi tangani qaysi qo'lga yashirganini ko'rmasligingiz uchun teskari qarab turishingiz kerak. Shundan so'ng siz o'rtog'ingizga: «Chap qo'lingdagi tanganing miqdorini 33 ga ko'paytir», deysiz. U ko'paytirib bo'lganligini bildirgach, «Endi o'ng qo'lingdagi tanganing miqdorini ham 33 ga ko'paytir», deysiz. Buni ham bajarib bo'lganligini aytgach, siz o'girilasiz-da, tantanali ravishda o'rtog'ingizning qaysi qo'lida qaysi tanga pul turganligini aniq aytib berasiz.



Bu fokusni qanday bajarish kerakligini, keling, tushuntirib beray. Diqqat bilan o'qing. Xo'sh, qani, ayting-chi, 33 ni 10 ga ko'paytirish osonmi yoki 50 ga? Albatta 10 ga-da! 50 ga ko'paytirish esa bir oz vaqt talab qiladi. Siz o'rtog'ingiz qaysi qo'lidagi tanganing miqdorini 33 ga ko'paytirishda qiynalganini va ko'proq vaqt sarflaganini bilib olsangiz kifoya. Demak, 50 so'mlik tanga o'sha qo'lida bo'ladi.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Дуғлот – Марказий Осиёнинг XVI асрдаги атоқли муаррихи, адиби ва давлат арбоби бўлиб, машҳур «Тарихи Рашидий» асарининг муаллифи сифатида тарих саҳифаларидан мустақкам ўрчи олган. Адабиётда кўпинча Мирзо Ҳайдар исми билан тилга олинади. Унинг ота аجدодлари XIV–XVI асрларда Мўғулистонда ҳукм сурган нуфузли дуғлот амирларидан бўлиб, Чигатой хонлари томонидан инъом этилган имтиёзларга ва тархонлик унвонига эга бўлганлар, Қошғар вилоятининг ҳокимлиги ворисий тарзда уларнинг ихтиёрига топширилган эди.

Мирзо Ҳайдарнинг отаси Муҳаммад Хусайн Мўғулистон хони Султон Маҳмудхон билан яқин муносабатда бўлиб, унинг синглиси Хўб Нигор хонимга уйлانган ва кўрагон унвонини олиб, Ҳаратпа вилояти ҳокимлигига тайинланган. Бир неча йил Тошкентда Султон Маҳмудхон ҳузурда ҳам яшаган. Мирзо Ҳайдар бу шаҳарда ҳижрий 905 йили таваллуд топган.

Мирзо Ҳайдар Қобулда 1509-1512 йилларда Бобур саройида истиқомат қилади. Ундан 17 ёш катта бўлган Бобур Мирзо Ҳайдарга оталарча гамхўрлик кўрсатади, тарбиялайди, билим, ҳунар ўргатади. Бобурнинг кўрсатган гамхўрлиги ҳақида Мирзо Ҳайдар ўз асарига чуқур миннатдорлик билдириб, бир неча бор эслаб ўтади.

1512 йили Мирзо Ҳайдарнинг амакиси, Мўғулистон хони Султон Саййидхон уни ўз ҳузурига ча-

МИРЗО МУҲАММАД ҲАЙДАР ДУҒЛОТ

қиртиради. Мирзо Ҳайдар то Саййидхон вафот этгунига қадар унинг хизматида бўлади. Амакиси унга, «Тарихи Рашидий»да айтилганидек, «бутун лашкар ва давлат ишларини бошқаришда ва барча бошқа ишларда чексиз ишонч билдириб, барчасини топшириб қўйган». Ҳатто ўз ўғли Абдурашиднинг тарбия қилишни ҳам Саййидхон Мирзо Ҳайдарга ишонган эди.

Ҳаётининг кўп қисми тинимсиз сафарлар ва ҳарбий юришларда ўтганлигига қарамай, Мирзо Ҳайдар ўз даври учун юқори даражада билим олишга муваффақ бўлган эди.

Ҳақиқатан ҳам «Тарихи Рашидий»ни ўқир эканмиз, муаллифнинг ҳаётий-фалсафий мулоҳазаларига, ўз даври маънавий-мада-

ний тушунчалари ҳақидаги фикрларига, у ўқиган олтимишдан ортиқ асарларга назарга солсак, айтиш мумкинки, тарихнависнинг билим доираси ўз даврининг юксак маърифатли, билимли кишилари қаторида бўлган. Чунончи мазкур асарлар мазмунига кўра, Мирзо Ҳайдар таниш бўлган қуйидаги соҳаларни санаб ўтиш мумкин: тарих, адабиёт ва шеърят назарияси (аруз, муам-

бини эгаллаб турган Саййид Муҳаммад Мирзони қатл этди. Бу вақт Тибетда ҳарбий юришда бўлган Мирзо Ҳайдар бундан воқиф бўлиб, Мўғулистонга қайтишга журъат қилолмай бир қанча вақт Бадахшонда юрди, сўнг у ердан Лоҳурга, Бобурнинг ўғли Комрон Мирзо ҳузурига, кейинроқ Аграга, Ҳумоюн хизматига борди. Унинг Шерхон билан ҳарбий тўқнашувларида қат-

лумотлари худди Бобурниқидек ҳаққонийлиги ва бетарафоналиги билан кўзга ташланади, жуғрофий тавсифлар эса жойларни аниқ ва равшан тасвирлайди». Бартольд яна хулоса қилиб айтдики, гарчи «Тарихи Рашидий» майда тафсилотларнинг изчиллиги, воқеалар кечган саналарнинг аниқлиги борасида «Бобурнома»дан кейинда турса ҳам, бироқ унда Мўғулистон тарихига оид шундай маълумотлар келтириладими, уларни бошқа тарихий манбалардан топиб бўлмайди.

XVIII – XIX асрларда «Тарихи Рашидий» Муҳаммад Солиқ Қошғарий ва Муҳаммад Ниёз ибн Абдулғафурлар томонидан туркий тилига таржима қилинган.

Европаликлардан бу асарга биринчи бор 1840 йилда В. Эркин эътибор бериб, ундаги маълумотлардан ўз асарига фойдаланган. Шарқшунос С. Росс 1895 йили «Тарихи Рашидий»ни инглиз тилига таржима қилиб, нашр этди. Бу нашрга В. Бартольд каттагина тақриз ҳам ёзган. Хуллас, «Тарихи Рашидий» маълумотларидан ўзбек, қozoқ, қирғиз, қалмоқ ва бошқа Марказий Осиё халқларига, уларнинг ўтмишидаги алоқаларига, иқтисодий, сиёсий-маданӣ ҳаётига, шу минтақанингу жуғрофий шароитига оид тарихий тадқиқотларнинг деярли барчасида фойдаланилиб келинмоқда.

но, иншо санъати), жуғрофия, астрономия, тасаввуф, фиқҳ, Ислом дини тарихи, фалсафа, араб грамматикаси ва ҳоказо. Асарда келтирилган темурийлар, айниқса, Алишер Навоий давридаги адабий-маънавий ҳаёт ҳақидаги маълумотлар эса, мукамаллиги билан Мирзо Ҳайдарнинг ўзи ҳам шу давр илмий-маданӣ ва адабий анъаналари бўйича тарбия олганлигини билдиради.

Султон Саййидхон 1533 йили вафот этди. Унинг ўғли Абдурашидхон тахтга ўтиргач, дуғлот амирларини давлат ишларидан четлата бошлади. Дастлаб кўп йиллар давомида Султон Саййидхон давлатида иккинчи шахси ҳисобланиб, улусбеги манса-

нашди. 1551 йили номаълум кишилар томонидан уюштирилган суиқасд натижасида ҳалок бўлди.

Баъзи адабиётларда қайд этилишича, Мирзо Ҳайдарнинг «Жаҳоннома» номли туркий тилда битилган шеърӣ асари ҳам бор. Муаллиф туркий ва форсий тилларда шеърлар ёзганлиги «Тарихи Рашидий»нинг ўзида келтирилган шеърӣ парчалардан ҳам кўринади. Бу Мирзо Ҳайдарнинг Бобур айтганидек «таъби назми ҳам бўлганлиги»ни исботлайди.

«Тарихи Рашидий»ни чуқур ўрганиб, уни «Бобурнома» билан солиштирган В. Бартольд шундай ёзган эди: «Мирзо Ҳайдарнинг асари кўп ҳолларда унинг холаваччаси Бобурнинг ёдномаларини эслатади. Унинг тарихий маъ-

ТУШЛАР ТАЪБИРИ

ЗАНЖИР

Мехмонлар, қонқариндошларга ишора. Йирик занжир кўриш – улар билан алоқа улуг, меҳр-оқибат зиёда бўлади. Занжирни занглаган, узилай деб турган ҳолда кўриш – айтилган алоқалар жуда мавҳумлиги белгиси. Тилла занжир кўриш – кимдир сизга носамимий ҳурмат кўрсатапти. Яъни, аёл киши учун аёл кишининг, эркаклар учун эркакларнинг муносабати шундай бўлмоқда. Агар, қиз болага бирор йигит тилла занжир совға қилса – у тез кунда бахтга эришади ва эри ўта талабчан бўлади.

ЗАҲАР

Заҳарни кўриш – алдовга, ёлгон, асоссиз айблар келаётганига ишора.

ИМОРАТ

Туш соҳибининг аҳволини билдиради. Мустақкам иморат – ўзи ва оиласи саломат, ҳаётининг бўлади. Иморат эски, босиб тушай деб турган ҳолда кўринса – сиҳати яхши эмаслигига, ишларида тўсиқ пайдо бўлаётганига ишора. Агар, иморат ағанаган, босиб тушган бўлса – нохушлик. Ибодат ва садақа зарур.

ИН

Куш ини – яхшилиқ ташриф буюрмоқда. Кимки, инда кушни болалари билан, ёки куш болаларининг ўзини кўрса – омад келаётганидан, ишлари юришиб кетишидан дарак. Итнинг ини – дўстларидан хабар. Инда ит кучукчалари билан

(Боши ўтган сонларда). кўринса – дўстларидан ёрдам келади, ишлари ривожланади.

ИП

Ип – пулни ва умрни кўрсатувчи ифодадир. Кимки, тушида галтакка ип ўраётганини кўрса – унга маблағ келяпти ёки ёрдами тегадиган одам билан учрашади. Агар бировга ип берса – омади кетмоқда. Чиреган ип – касаллик ва хомхаёллик. Ип йигираётганини кўриш – унга ризқ-насиба, омад ва ғайб қуввати келиши. Нарсаларни ип билан боғланганини режали одам кўрса – нозик ишларини эҳтиёткорлик билан қилиши лозим, шунда амалга ошади; режасиз, палапартиш иш қилувчи кимса кўрса – ишлари чалкашади, ўта эҳтиёткор бўлиши керак; муҳтож киши кўрса – имкониятлар очилиши ифодаси; аёл кўрса – таклиф, совға олади, муҳаббат изҳорини эшитади; қиз бола кўрса – нотўғри хатти-ҳаракатларидан омади, бахти чалкаш йўлларга кириб кетиши мумкин.

ИГНА (НИНА)

Игна – нохушлик. Шприцнинг игнаси – бировдан келадиган зиён. Бетоб одам кўрса – касали узоққа чўзилади, лекин тузалади.

ИСМ ЎЗГАРИШИ

Гуноҳ иш қилишдан, алданишдан дарак. Қиз боланингу тушида исми ўзгарса – тез кунларда тўйи бўлади. Оилалик аёлга эса – фарзанд тугилишидан хабар.

ЭНИГА: Ҳўранда. Тоғ. Адо. Ана. Гап. Работ. Нордон. Жаноб. Обида. Ишхона. Милк. Мўри. Карам. Икра. Ар. Нафрат. Сабр. Беда. Зебо. Трап. Чипор. Писта. Сигарета. Аҳоли. Дакан. Акела. Саке. Наботот. Немо. Зира. Ранг. Ананас. Узоқ. Ланг. Одер. Фтор. Уват. Абориген. Или. Снаряд. Гаусс. Отабек. Базм. Сочи. Набира. Аралаш. Асп. Лағзи. Ишк. Автол. Орск. Мудом. Амур. Асалари. Итоат. Нарӣ. Савад. Асад. Депутат. Ота.

БЎЙИГА: Анжом. Азон. Жосус. Идиш. Азал. Хоин. Диод. Бинафша. Чакмоқ. Омина. Лаборант. Раис. Регби. Тик. Танго. Раста. Лафз. Асо. Радон. Нопус. Релин. Тест. Тантана. Каби. Араб. Омад. Анри. Атос. Биллур. Адир. Опера. Рид. Куба. Аста. Казо. Умар. Грипп. Тўти. Бас. Боис. Кирпи. Ёсир. Омега. Кафт. Гани. Аҳд. Назар. Ношир. Чапак. Умр. Маст. Чарх. Амир. Кенгуру. Акула. Доя. Пеле. Висол. Даво. Озон. Азот. Лим. Овал. Асорат. Наср. Рама. Оёқ. Тиниш. Мита.

Фаррухбек ЭРМАТОВ тузди.

(Давоми бор).

МАҲОРАТ НАМОЙИШИ

Наманганда ёнги ўчириш амалий спорти бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди. «Динамо» ўйингоҳида бўлиб ўтган ушбу беллашувда барча туман ва шаҳар вакиллари фаол иштирок этдилар.

Ўқув минорасининг 4-қаватини ишғол этишда биринчи ўрин вилоят терма жамоасига, иккинчи ўрин «Наманган-2» жамоасига, учинчи ўрин Учқўрғонликларга насиб этди. Ушбу тур бўйича шахсий биринчиликда вилоят терма жамоаси аъзолари А. Тургунов,

И. Жўрабобов, Д. Мўйдиновлар мукофотли ўринларни банд этишди.

100 метр масофага тўсиқлар оша югуришда «Наманган-2», Косонсой ва Учқўрғон тумани жамоалари голиб чиқишди. Шахсий биринчиликда эса «Наманган-2» жамоаси аъзоси И. Бўтабобов, Наманган тумани вакили У. Шермирозев, Косонсой туманидан Х. Баҳромовлар барча рақибларидан устун келишди.

Чемпионатнинг жанговар ёйилиш турида Тўрақўрғон, Уйчи ва Учқўрғон

туманлари жамоалари голиб чиқишган бўлса, ёнги ўчирувчилар эстафетасида Косонсой, Наманган туманлари ва «Наманган-2» терма жамоалари энг маҳоратли эканликларини намойиш этишди. Жамоавий ва якка мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаган иштирокчиларнинг ҳар бири муносиб тақдирланди.

Шунингдек, энг кекса қатнашчига аталган совға Учқўрғон тумани терма жамоаси аъзоси Т. Эшбобовга насиб этди. Янгиқўрғон тумани вакили М. Ота-

бобов — энг ёш қатнашчи, Косонсой тумани ИИБ ЁХБ 4-КЎХҚ бошлиғи О. Ҳакимов — энг яхши жамоа мураббийи сифатида тақдирландилар.

Мусобақа якунига кўра умумжамоа ҳисобида Косонсой тумани вакиллари биринчи, Учқўрғон тумани ёнги ўчирувчилари иккинчи, Тўрақўрғон тумани терма жамоаси учинчи ўринни қўлга киритиб, фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар соҳиби бўлдилар.

Фурқат МАМАЖОНОВ,
майор.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Осиё Чемпионлар лигасининг навбатдаги турида Техронда бўлиб ўтадиган Тошкентнинг «Пахтакор» ва Эроннинг «Фулад» жамоалари баҳсини иорданиялик, Қарши шаҳрида эса Муборакнинг «Машғал» ва Ар-Риёдниги «Ал-Ҳилол» учрашувини баҳрайник ҳакамлар бригадаси бошқаради.

Футзал бўйича аёллар ўртасида Ўзбекистон кубоги учун баҳслар ниҳоясига етди. Зарафшон шаҳрининг «Строитель» жамоаси илк бор кубок соҳиби бўлдилар. Қаршининг «Севинч» футболчилари эса иккинчи ўринни эгалладилар.

Бразилия Футбол Федерацияси ФИФА президенти З. Блаттернинг мамлакатда халқаро стандартларга жавоб берадиган стадионлар етарли эмас, деган фикридан кейин ҳам 2014 йилги Жаҳон чемпионатига мезбонлик қилиш умидидан воз кечмаяпти.

Германияда ўтадиган Жаҳон Чемпионатида испан футболчилари голиб бўлишса, ҳар бири 540 минг, финалгача боришса, 360 минг, ярим финалга етишса — 210 минг, чорак финалга чиқишса — 90 минг евродан мукофот олади.

Испания «Кироллик клуби» вице-президенти Э. Бутрогеньонинг маълум қилишича, машҳур футбол юлдузлари — «Реал» ҳужумчилари Раул ва Рональдо жамоада қолиб, келгуси мавсумда ҳам ўйнайдилар.

Италиянинг «Милан» жамоасига энди «Betandum» интернет идораси ҳомийлик қиладиган бўлди. Тўрт йилга тузилган шартномага кўра, у клубга йилига 10 миллион евро миқдорида даромад келтиради.

Тожикистон терма жамоаси ОФК Чақирув кубоғининг совриндори бўлди. Финалда Шри-Ланка жамоаси билан учрашган тожик футболчилари йирик ҳисобда ғалаба қозондилар.

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Қарши транспорт касб-ҳунар коллежида вилоят ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўртасида қўл жанги бўйича беллашув бўлиб ўтди. Унда йигирмадан ортиқ жамоалар иштирок этиб, олти вазн тоифаси бўйича голиблик учун кураш олиб бордилар. Фойтда кескин кечган ушбу мусобақада умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни вилоят ички ишлар бошқармаси ва миллий хавфсизлик хизмати ходимлари қўлга киритишди. Иккинчи ва учинчи ўринларни вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш ҳамда ёнги хавфсизлиги бошқармалари вакиллари эгалладилар.

Голиблар ҳамда турнирда фаол иштирок этган курашчилар вилоят ички ишлар бошқармасининг фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

З. ШЕРНАЕВ,
сержант.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.
Ў. РҮЗИЕВ олган суратлар.



КУРКУРАШДА — ТИНГЛОВЧИЛАР

Республика ИИБ Ёнги хавфсизлиги олий техник мактабида «Наврўз» байрамига бағишлаб ўтказиб келинаётган футбол, енгил атлетика, ишғол қилиш нарвони билан ўқув минорасининг 4-қаватига кўтарилиш, тўсиқлар оша 100 метрга югуриш, тош кўтариш, тўппончадан отиш, арқон тортиш каби турлари бўйича мусобақаларининг финал ўйинлари бўлиб ўтди.

Футбол бўйича финал ўйинида биринчи ўрин мактабнинг 2-курс тингловчиларига, иккинчи ўрин 4-курс тингловчиларига, учинчи ўрин эса 3-курс тингловчиларига насиб этди.

Спортнинг барча турлари якуни бўйича ўтказилган мусобақаларда умумжамоа биринчилигини 3-курс тингловчилари, иккинчи ўринни 4-курс тингловчилари, 3-ўринни 2-курс тингловчилари қўлга киритдилар.

Беллашувларда айниқса, 4-курс тингловчилари — А. Раджабов, Д. Дадабаев, Н. Шаропов, С. Жумаев, 3-курс тингловчилари — Д. Исмаилов, Ш. Султонов, Ф. Ҳакимов, 2-курс тингловчиси — Ш. Шарипов ва 1-курс тингловчиси — Н. Отажоновлар фаол қатнашиб, курсдошлари ўртасида эпчил ва бақувват эканликларини намойиш этдилар.

Ўз мухбиримиз.

КАРАТЭ БУХОРОЛИКЛАР ЗАФАРИ

Каратэнинг шотакан тури бўйича Туркманистонда бўлиб ўтган халқаро турнирда бухоролик каратэчилар мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Унда иштирок этган 17 нафар вакилимиз 21 та медални қўлга киритди.

Турнирнинг олтин медали соҳиби Икром Кароматов энг яхши техник маҳоратга эга шотаканчи учун таъсис этилган махсус совринга ҳам сазовор бўлди. Унинг жамоадошлари С. Давронов, М. Қаюмова, Ш. Қиёмова, Ш. Тошев, С. Сафаров, М. Каримовлар ҳам шоҳсупанинг юқори поғонасини эгаллади.

ОГИР АТЛЕТИКА БЕЛЛАШУВЛАР ҚИЗГИН ТУС ОЛДИ

Республика олимпия захиралари коллежи спорт манежида оғир атлетика бўйича Осиё ку-

боги мусобақалари қизгин давом этмоқда.

Даст ва силтаб кўтариш беллашувларида 85 килограмм вазн тоифасида Хитой вакили Му Жи Юнг умумий ҳисобда 320 килограмм тош кўтариб, Осиё кубоғининг навбатдаги олтин медалини қўлга киритди. Ҳамюртимиз Ақобир Усмонов эса 141 килограмм натижа кўрсатиб, кумуш медалга сазовор бўлди. 105 килограмм вазнлилар орасида 357 килограмм натижага эришган ҳамюртимиз — Искандар Маминбеков иккинчи ўринга лойиқ топилди. Учунчи ўрин қозогистонлик Аслан Абдуллаевга насиб қилди.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда 75 килограмм вазн тоифасида ҳамюртимиз Наталья Мальникова 135 килограмм натижа билан голиб бўлди. 69 килограмм вазнлилар орасида Евгения Солиева, 63 килограмм вазн тоифасида эса Эльмира Рамилева кумуш медални қўлга киритдилар.

КУРАШ МАЙДОНДА — ПОЛВОН ҚИЗЛАР

Термиз шаҳрида хотин-қизлар ўртасида илк бор ўтказилган миллий кураш бўйича мамлакат чемпионатида 123 нафар полвон қиз ўн саккиз вазн тоифасида гиламга чиқди.

Мурасиз кечган беллашувлар термизлик курашчи қизлари ғалабаси билан якунланди. Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилояти жамоалари кучли учликдан ўрин олди.

ФУТБОЛ КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛДИ

Ханой шаҳрида Вьетнам ва Осиёнинг футболлари ривожланган мамлакатлари — Ўзбекистон, Эрон ҳамда Австралия олимпия терма жамоалари иштирокида ўказилаётган «VTV cup» халқаро турнири бошланди. Унда Ўзбекистон олимпия терма жамоаси дастлабки учрашувни мезбонлар миллий терма жамоасига қарши ўтказди.

Ўн иккинчи дақиқада мезбон жамоа футболчиси Фан Тан Бин ҳисобни очди. Учрашувнинг биринчи бўлимида

«Шўртан»дан терма жамоага тақлиф этилган Шаҳбоз Эркинов ҳисобни тенглаштирди. Шу футболчимиз иккинчи бўлимнинг учинчи дақиқасида «Трактор» ярим ҳимоячиси Музаффар Умрзоқов узатган тўпни яна боши билан вьетнамликлар дарвозасига аниқ йўллаб, жамоасини олдинга олиб чиқди. Мезбонлар ҳужумчиси Нгуен Мин Фуонг 65-дақиқада ҳамюртларимиз дарвозасига гол киритиб, ҳисобни тенглаштирди — 2:2.

Мусобақанинг дастлабки туридаги Эрон ва Австралия олимпия терма жамоалари ўртасидаги учрашувда ҳисоб очилмади 0:0.

Мазкур халқаро турнирнинг соврин жамғармаси — 70 минг АҚШ долларини ташкил қиладди. Мусобақада — энг кўп очко жамғарган терма жамоа 40 минг АҚШ долларини қўлга киритади.

ЎзА.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Самарқанд шаҳрида яшовчи Дилшодбек КУБАЕВни тугилган куни билан самимий табриклаймиз. Дўстимизга узоқ ва мазмунли умр, мустақкам саломатлик, оилавий бахт, ишларида катта ютуқлар тилаймиз.

Дўстлари номидан майор Раҳимжон ҲАМРОЕВ.

ТАҚДИМОТ

МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Миллий матбуот марказида Тошкент давлат юридик институти 3-босқич талабаси Отабек Мирзаевнинг «Интерпол» китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

Китоб ўзбек тилида чоп этилган биринчи нашр бўлиб, бу соҳа мутахассислари учун жуда аҳамиятлидир. Муаллиф ушбу қўлланмани яратиш учун кўплаб манбаларга мурожаат қилган. Жумладан Франциянинг Лион шаҳрида жойлашган Интерполнинг бош қотибияти веб сайти, ва чет эл олимларининг қатор тадқиқот ишлари энг нуфузли университетларнинг ҳуқуқшунослик факультетлари битирувчилари илмий ишларидан самарали фойдаланган.

Нашрда ташкилотнинг ташкил топиши, унинг бугунги кунимизгача бўлган тарихи, фаолияти, ривожланишининг назарий ва амалий муаммолари қамраб олинган. Зеро, жаҳонда муқобили йўқ, XXI асрда жиноятчиликнинг олдини

олиш, фош этишда асосий омил бўлаётган мазкур ташкилотни юртимиз аҳолисига кенг таништириш учун ҳали кўплаб изланишлар олиб борили-



ши даркор. Шунинг учун ҳам бу китоб айни дамда чоп этилган муҳим қўлланмалардан биридир. Муаллиф Отабек Мирзаевнинг кенг жамоатчилик учун мўлжалланган ва

дунёнинг икки юзга яқин мамлакатада фаолият юритаётган Интерпол ташкилоти ҳақида батафсил маълумот берувчи ушбу китоби бу борада қўйилган илк қадамдир. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ташкилотнинг республикамиздаги Миллий Марказий бюроси жиноятчиликка қарши кураш борасида қатор ютуқларни қўлга киритди. Нашрда бу ҳақда ҳам маълумот берилган.

Тақдимот маросимини олиб борган Тошкент Юридик институти проректори Муҳаммади Усмонов китобнинг бугунги кундаги аҳамияти ва ўрни ҳақида гапириб ўтди. Йиғилиш сўнгида қатнашчилар ушбу нашр хусусида ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдиришди.

Умида БОЛЛИЕВА.

«МАЪНОЛАР МАҲЗАНИ»

ОМОЧ СЕНИ ТЎЙДИРГАЙ, ОМБОРИНГНИ ТЎЛДИРГАЙ

(Омоч – уловга қўшиб ер ҳайдайдиган металл тишли ёғоч асбоб). Бу билан: «Омоч билан ер ҳайдасанг, экин эксанг, умуман меҳнатнинг машаққатидан қочмасанг, нонинг бутун, турмушинг фаровон бўлади», дейилмоқчи.

ОНА ЕСА, БОЛАГА СУТ БЎЛАДИ

«Эмизикли хотиннинг иштаҳаси зўр бўлар» деган мақол ҳам бор. Одатда эмизикли хотиннинг истаган, кўнгли тусаган овқатини топиб беришга ҳаракат қиладилар. Халқимизда ҳатто шундай қадимий одат ҳам борки, қўшнилари бирор тансиқ таом пиширсалар, шуни озгина бўлса ҳам эмизикли хотин бўлган қўшниникига узатадилар. «... Она овқатланмасдан илгари, наҳорга эмизмаслиги керак... Эмизувчининг овқатини яхшилаш керак». (Ибн Сино, Тиб қонунлари).

ОНА СУТИ БИЛАН КИРМАГАН АҚЛ ТАНА СУТИ БИЛАН КИРМАС

(тана – икки ёшли урғочи бузоқ.) Вариант: «Туғма ақл бўлмаса, Турма ақл қор қилмас»; «Суртма ақл бўлмаса, Туртма ақл на қилсин?!»; «Куйма қулоқ бўлмаса, Туртма ақл иш бермас»; «Зотида бўлмагани зотли қилиб бўлмас»; «Аслида бўлмаган – асил бўлмас». Бу мақоллар билан: «Зотида, аслида кишининг ақли, фаҳм-фаросати бўлмаса, унга минг ўргатгани билан фойдаси йўқ, бари бир қор қилмайди. Бундай туғма ақли бўлмаган одамнинг ёнида қачонгача юриб, кези келганда астагина туртиб: «буни бундай қил», «уни ундай қил» деб, ақл ўргатиб турасан?!» дейилмоқчи.

ОНАНГ ЎГАЙ БЎЛСА, ОТАНГ ЎЗИНГИКИ ЭМАС

Вариант: «Эр хотиннинг тахти – занжирида бўлади». Бундай деганларининг боиси

шундаки, эркак ҳар қандай қаттиққўл, ўз гапида, дунёқарашада, нуқтаи назарида қаттиқ турадиган, ўз мавқеини сақлай биладиган бўлмасин, бари бир кези келганда хотиннинг айтганини қилишга, унинг «чизган чизиғи»дан чиқмасликка мажбур бўлади, бундай қилмасликка иложи ҳам қолмайди, чунки ҳаётнинг ўзи шуни тақозо этади. Эр киши хотини ўлса ё ундан ажралишса-ю, бошқа хотинга ўйланса, ўшанинг раъйига юради, аввалги хотинидан қолган болаларига илгаригидек меҳр-муҳаббат билан қарай олмай қолади, негаки ўгай она – минг яхши бўлмасин, бари бир болаларнинг ўз туққан онасидек бўлолмайди. Юқоридаги мақол ўз онаси ўлиб, куни ўгай онага қолган болалар тарафидан мазкур ҳолатлар назарда тутилган ҳолда айтиб қолдирилган.

ОНАНГНИ КИФТИНГДА ТУТСАНГ, СИНГЛИНГНИ БОШИНГДА ТУТ

«Ҳокимникидан ҳам синглимники зўр» деган мақол ҳам бор. Бу мақоллари билан халқ сингилни ниҳоятда ҳурмат қилиш зарурлигини уқтиради, «онангдан ҳам юқори тут» деб муболага қилади, ҳатто «ҳокимнинг буйруғидан ҳам сингилнинг сўзи зўр, унинг сўзини, илтимосини ерда қолдирма», деб насиҳат қилади.

ОНАНГНИ ОТАНГА БЕПАРДОЗ КЎРСАТМА

Бу мақол қосиб ва хунармандлар орасидан чиққан бўлиб, мажозан: «Тиккан, ясаган, тайёрлаган буюмингнинг сифатли, чидамли, пишиқ-пхта бўлишидан ташқари пардозига, яъни ташқи кўринишини яхшилашга, безағига ҳам зўр бер, молингни харидорга бепардоз кўрсатма, шундагина ютасан, ютқизмайсан», деган маънода насиҳат қиладилар.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ
Келгуси ҳафта учун

- ҚЎЙ. 21 март – 20 апрель**

Ушбу ҳафтада атрофингиздаги одамларда яхши таассурот қолдирасиз. Ички туйғунгизга таяниб иш кўрсангиз омад кулиб боқади. Куч-қувватингизни тежаб сарфлашга эътибор беринг. Хавотирга ўрин йўқ, чунки белгиланган ишлар сиз ўйлаган даражада бажарилади.
- СИГИР. 21 апрель – 20 май**

Мазкур ҳафтада кичик ташвишлар тўпланиб, катта муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Амалий алоқалар ўрнатиш ва маълумотлар жамлаш учун қулай даврдир. Юмушларни бажаришга жиддий киришмаганингиз маъқул. Акс ҳолда толиқиб қоласиз.
- ЭГИЗАКЛАР. 21 май – 21 июнь**

Ҳар қандай масала бўйича ишончли шериклар билан ҳамкорлик қилишингизга тўғри келади. Мазкур етти кунликка муҳим музокараларни режалаштиришингиз мумкин. Ишбилармонлар тижорат ишларини сиз билан бирга олиб бориш истагини билдиришади.
- ҚИСҚИЧБАҚА. 22 июнь – 22 июль**

Ҳафта давомида талайгина алоқалар ўрнатиб, муҳим маълумотларни қўлга киритасиз. Кераксиз нарсалардан воз кечсангиз зиммангиздаги масъулият анча енгиллашади. Дам олиш кунлари ота-онангизни бориб кўришга вақт ажратинг.
- АРСЛОН. 23 июль – 23 август**

Ўз нуқтаи-назарингизда қатъий туришга ҳаракат қилинг. Мабодо, эътирозлар тугилса уларни ойдинлаштириб олишингиз зарур. Белгиланган вазифалар кўнгилдагидек удаланади. Якшанба куни дўстларингиз йўқлашади.
- БОШОҚ. 24 август – 23 сентябрь**

Чала қолган юмушларни ниҳоясига етказиб, ҳужжатларни тартибга солишга муваффақ бўласиз. Атрофингиздаги одамларнинг маслаҳатига амал қилаверманг. Яхшиси ўз тажрибангизга таяниб иш кўрсангиз маъқул. Хушxabарлардан кўнглингиз тоғдек кўтарилади. Оилавий муаммоларни ўзгаларнинг аралашувисиз ҳал этасиз.
- ТАРОЗИ. 24 сентябрь – 23 октябрь**

Яқин кишиларингиз муаммоларини ўзлари бартараф этишларига имкон беринг. Амалий шерикларингизнинг режаси ўзгариши мумкин. Бу сизга ҳам фойда, ҳам ташвиш келтиради. Ҳар қандай вазият юзага келмасин, ортиқча эҳтиросга берилманг.
- ЧАЁН. 24 октябрь – 22 ноябрь**

Ижод билан шуғулланиш учун қулай даврдир. Хизмат пиллапоясидан юқорилаб бориш ўзингизга боғлиқ. Янги лойиҳалар яратсангиз раҳбарлар сая-ҳаракатингизни муносиб баҳолашади. Аммо бир қарорга келишдан аввал жиддий ўйлаб кўринг.
- ЎЙ. 23 ноябрь – 21 декабрь**

Барча йўналишларда муваффақиятга эришасиз. Ички туйғунгизга таяниб иш кўринг. Шунда муаммолар ечими анча осонлашади. Дам олиш кунларини дўстлар билан бирга ўтказиш имконияти бор.
- ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабрь – 20 январь**

Воқеалар ривожига қараб иш кўришни маслаҳат берамиз. Ҳаётингизда ўзгаришлар рўй бериши мумкин. Шанба ва якшанба кунлари асосий вақтингизни оила даврасида ўтказганингиз маъқул.
- ҚОВҒА. 21 январь – 20 февраль**

Ҳаётнинг барча жабҳаларида ютуқларга эришиш мақсадида олдинга интиласиз. Раҳбарларнинг қўллаши ҳамкасблар ўртасида обрў-эътибор топишингизда қўл келади. Пайшанба куни янгиликлардан хабар топасиз. Шанба куни бирор дақиқа бўш вақтингиз бўлмайди.
- БАЛИҚ. 21 февраль – 20 март**

Амалий масалалар эҳтиёткорликни талаб этади. Асло бўшашманг, бу фаолиятингизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳамкасблар билан муносабатлар кўнглидагидек кечади.

НАДОМАТ



гитни
чақириб,
бир дакки
бермас.

Ҳа, бу қайтар дунё деганларни рост экан. Лекин қилган гуноҳлари нега унинг ўзига қайтмади? Кўзининг оку қораси, ёлғиз эркатойи — қизи бугун қон йиғлаб, унинг қилмиши учун жавоб бермоқда. Катта бир идоранинг бошлиғи, кимсан Ҳайдар Нўмонович, мана икки кундирки, ўздан ўтганини ўзи билди. Биринчи марта ўзини жуда ожиз ҳис қилаяпти. Кимнинг иши экан бу разиллик? Шундай қолдирмайди, бари бир ўч олади. Тўғри, атрофида парвона бўлиб, у учун ҳамма нарсага тайёр тургувчи шотирлари ҳам бор. Аммо қайси тил билан қизи бадном қилинганини айтади. Йўқ, бундай қилолмайди. Икки кун ичида ўзини анча олдириб қўйган Ҳайдар ана шу ўйлар гирдобиди тинимсиз жиринглаётган телефон овозини ҳам эшитмасди. Эшик очилиб, котибанинг журъатсизгина овози эшитилди.

— Ҳайдар ака, телефонни олинг, кеннойим сўраятдилар.

Ҳаёлини йиғиб, гўшакни кўтарган Ҳайдар хотинининг ҳиқиллаб йиғлаётганини эшитиб, аввал кўрқиб кетди, сўнгра ўзига ҳам, хотинига ҳам далда бериш учун хотиржам оҳангда гапирди:

— Нега йиғлайсан, нима бўлди ўзи? Ҳалеб кўз ёши қилмасдан Лайлога қараб ўтирсанг бўлмайди!

— Қизингиз сирка ичиб қўйибди, аҳволи жуда ёмон. Тезда ўзимнинг дўхтирнинг олиб келинг, бошқаси керакмас...

Умирида ҳеч қачон бундай ҳолатга тушмаган Ҳайдар довдиради. Фақат кибр-ҳавога берилиб, ўздан-ўзи гуруланиб юрган бойвачча костюмини киёлмай шошиб қолди. Ҳар кунги дабдабани унутиб, эшикка отилди. Бирор жойга бо-ришдан аввал ҳайдовчи йи-

кўнгли жойига тушмайди-ган одам, бу гал машинани ўзи ҳайдаб кетди. У дўхтирни олиб, уйга кириб борганида Манзура Лайлонинг бошини тутиб турар, қизи эса бўғилиб, қийналиб қайт қиларди. Сочлари тўзғиб кетган, ғариб ва афтода бир ҳолатда эди. Ҳайдар қизини кўриб, дод деб юборишига бир баҳя қолди. Аммо дўхтирнинг олдида сир бой бергиси келмади. Ис-сиги чиқиб, дағ-дағ титраётган қиз тезликда қилинган муолажадан сўнг бироз тинчланди. Сўнг уйқуга кетди. Қизи шундай аҳволга тушгани учун ўзини айбдор сезиб, ич-этини еяётган ота икки кунда Лайлонинг сўлиб, адои тамом бўлганини кўриб, кўнгли баттар бузилди. Кечга томон бироз ўзига келган қиз:

— Яшашни истаманман, ўлгим келаяпти, онажон, ёрдам беринглари, — дея зор қақшай бошлади. Бундан Ҳайдарнинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди. Худди шу ҳолат, шу сўзлар жуда таниш эди. Аммо энди бу таниш сўзларни унинг жигаргўшаси, ёлғиз дилбанди айтаётганди. Эвоҳ, бу не кўргулик, наҳотки қизига айнан қайтди. Наҳотки?... Ўша воқеа ёдига тушди. Бундан анча йиллар олдин тоғда бир пок-киза қизни қон қақшатиб, ташлаб кетганди ўшанда.

Ахир, у ҳам кимнинг-дир фарзанди, оқ ювиб, оқ тараб ўстирган дилбанди эди-ку! Ўшанда нега шуларни уйламади? Нега ахир? Нега бегуноҳ ожизанинг умрини ҳар хил алдовлар билан барбод қилди. Унинг кейинги такдири-чи? Мана, бугун Лайлонинг қисмати ҳам...

Афсус, пушаймон энди ҳеч нарсани ўзгартиролмади. Шу изтироблар билан диванда ўтирар экан, тўсатдан миясига келган фикрдан дадилланди. Бирдан ўрнидан турди. Масаланнинг ечимини топгандек бўлди. Қизини яхши бир хонадоннинг ўқимишли ўлига узатади. Шу режа билан ўзига ўзи таскин берди. Сўнг хотинини чақирди. Ҳозиргина мунгайиб қолган эрининг бирдан тетиклашганини кўриб, Манзура ҳайратланди.

— Гап бундоқ, аяси. Йиғлаб-сиқтаб, дардимизни ошқор қилишдан энди фойда йўқ. Ўзингни қўлга ол, хуллас, ҳаммаси яхши бўлади. Сен тўйга ҳозирлан. Лайлони узатамиз. Худо хоҳласа ҳаммасини унутамиз. Қизингга ҳам айт, ҳаммаси жойида бўлади.

Манзура аввалига нима дейишини билмай, анграйиб қолди, сўнгра эрига юзланди:

— Нималар деяпсиз? Кимга узатамиз? Тушунтириброқ гапиринг. Кейин, кейин нима бўлади?

Манзуранинг гаплари оғзида қолди. Қайтадан Ҳайдар Нўмоновичга айланган эри ўшқирди:

— Овозингни ўчир, аҳмоқ! Айтганимни қил, дедим-ку сенга! Гап тамом. 10-15 кун ичида тўй бўлади. Тушундингми?! Лайлога кўзқулоқ бўлиб тур. Яна ўзини бир бало қилиб қўймасин. Айтиб қўяй, то мен тирик эканман, қизимни ҳеч қачон хор қилиб қўймайман. Шаҳардаги энг дабдабали тўй бўлади!

Ҳайдар шундай деб чиқиб кетди. Манзура эрининг гапларини тезда англолма-са ҳам, ҳар ҳолда қизини, ёлғиз жигарпорасини сақлаб қоладиган, юзини ёруғ қиладиган ягона йўл шу эканлигини тушунди. Бироз хотиржам тортиди. Аммо Лайло нима деркин? Тўғри, у баъзи бойваччаларнинг қизига ўхшаб тантиқ, бефаҳм эмас. Аксинча, офирбосиқ, андишалли бўлиб ўсди. Лекин дадаси айтган гапларни қандай қабул қиларкин?..

Шу пайт нариги хонада яна Лайлонинг алаҳсираши эшитила бошлади.

— Мен энди унга нолойиқман, онажон, нолойиқман!

Манзура унинг яна иситмаси чиққанини пайқаб, шоша-пиша дўхтиргакунгироқ қилди-да, қизининг боши томонга келиб ўтирди.

— Жон қизим, ўзингни қўлга ол, худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади. Тинчлан, жон болам, — дедию, қолганини гапиролмай қизига қўшилиб йиғлай бошлади.

Ўша кезлари Ҳайдарнинг ўринбосари Фанижон Пўлатовичнинг тўғриқ ўғли Англияда ўқишни битириб қайтган, нуфузли бир илорада ишлаётган эди. Ғалати ҳолатда чиқиб кетган бош-

лигининг чеҳраси ёришиб кириб келганини кўрган котиба, уни ўрнидан туриб кутиб олди. Ҳайдар Нўмонович аввалгидай виқор билан котибага буйруқ берди:

— Менга Фанижон акангизни чақириб келинг. Сўнгра чой дамлаб берарсиз.

Котиба «хўп бўлади, ҳозир» дея ўринбосарнинг хонасига йўналди. Ишга астойдил берилиб кетган Фанижон Пўлатович «Мумкинми?» дея кириб келган котибани кўриб:

— Келинг, Маглубаҳон, нечук бизни йўқлаб қолдингиз? — деди.

— Сизни бошлиқ чақираяптилар. Муҳим гаплари бор, шекилли, — деб тезда ортига қайтди.

Ўринбосар икки-уч кундан буён ғалати кайфиятда юрган хўжайиннинг нима гапи бор экан, тинчликмикан, ишқилиб, дея хавотирланиб қабулхонага йўл олди. Бошлиқнинг ўрнидан туриб, астойдил сўрашиб, илиқ кутиб олиши эса унга ғалати туюлди. Негаки, олдинлари телефонда сўрашиб ҳам ўтирма-дан «ёнимга чиқинг», деб қўярди. Ўринбосар хижолат бўлибми, бироз ўнғайсизланди. Бошлиқ аввал иш юзасидан уни-буни сўраган бўлди. Гарчи ўзини тутишдан ҳеч нарса сезди-масликка ҳаракат қилса ҳам унинг бироз асабийлашгани биллиниб турарди.

Фанижон охири сўради:

— Тинчликми, хўжайин? Бироз ҳориган кўринасиз?

— Ҳа, озроқ чарчадим десам ҳам бўлади. Шунинг учун бир ўтириб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб, дам оламизми, деган ниятда эдим. Нима дейсиз, оғайни? — дея мутлақо ўзига хос бўлмаган такаллуф билан ўринбосарига юзланди бошлиқ. — Иш билан банд бўлиб ҳол-аҳвол сўрашни ҳам унутиб қўямиз баъзан.

Раҳбарнинг сўнгги пайтлардаги кайфиятидан хавотирланиб юрган Фанижон энгил тин олди.

— Жуда яхши фикр, Ҳайдар Нўмонович, иш бўлса қўчиб кетмас. Одам баъзан ўзини ҳам уйлаши керак. Қаерга жой қилдирай? Кейин неча кишилиқ бўлсин?

Бошлиқ унга журъатсизгина, айна дамда меҳр билан қаради-да:

— Йўқ, бу гал иккаламиз ўтирамиз, бошқаларни кўя туринг, — деди.

Кечки пайт икковлон шаҳарнинг энг зўр ресторанга боришди. Раҳбар ўринбосарини роса меҳмон қилди. Яхшигина ичишди ҳам. Сўнгра Ҳайдар гапни ёшларга бурди, улардан бироз нолиган ҳам бўлди. Гап орасида:

— Оғайни, яқинда ўғлинг ўқишни тугатиб

қайтибди, қаерда ишлаяпти ўзи? Бир оғиз айтмайсан ҳам, — дея гина қилган бўлди.

— Раҳмат, ака, раҳмат, амаллаб ишга жойладик. Тоғалари ёрдамлашди, кейин ўзиям пухтагина бола. Ҳозирча ишлари яхши.

Тобора гапни мўлжалга олиб бораётган Ҳайдар қизи тўғрисида оғзидан бол томиб гапириб қолди:

— Вей, ман ҳайрон бўлман. Кимсан Ҳайдар Нўмоновичнинг қизи бўла туриб, бирам тортинчоқ, бирам камтар, камсуқумки, ҳатто жаҳлим чиқади. Тўғри, қиз болага шу ниси маъқул-ку-я, ўзини қийнаб дарс қилганига ғашим келади. Шартга шартта пулини бер қўй! Нима қиласан бошингни қотириб.

Оиласи тўғрисида умман оғиз очмайдиган хўжайиннинг шу гаплари ўринбосарни ҳайратлантирди.

— Хўжайин, Лайлохон ростданам ақлли-хушли, одобли қиз бўлган. Қиз бола палаҳмон тоши деганларидай, остонангиздан совчилар аримаётгандир...

— Э, нимасини айтасиз. Ҳар куни казо-казо жойлардан сўраб келишади. Аммо биласизми, ҳаммага ҳам ишониб бўлмайди. Шунинг учун ўзим билган, тарбияли йигит бўлса дейман. Баъзиларининг ота-онаси яхши одамлар бўлса ҳам ўғли нашаванд... дегандай. Гапнинг очиги, сиз ўзини кўриб, билиб юрган одамсиз. Оиламиз ҳам тўғри келади. Ўғлингиз ўқимишли, уқтам йигит. Шу, қуда бўлиб қўйсак-чи...

Кутилмаган «ҳиммат»дан довдираб қолган ўринбосар нима дейишини билмас, қулоқларига ишонмасди.

Орадан уч кун ўтиб Лайлони Фанижон аканинг ўғли Абсорга унаштиришди. Аммо нималар бўлаётганини тушунмаётган қиз ўзининг топталган номуси билан бир йигитни бахтсиз қилишни, тўғрироғи, алдашни сира ўзига синглиролмасди.

Ахир, Абсорнинг айби нима? Нега у алданиши керак, дея сиқиларди. Ик-

кала томон ҳам тўйга тайёрларлик билан тиним билишмасди. Онаси ва аммаси эса Лайлодан хавотирланиб, у ётган хонага тез-тез кириб туришарди. Негаки, қиз ўзи топталгани камлик қилгандай, яна Абсорнинг йигитлик шаънини ерга уришни сираям истамётганди. У энди фақат пайт пойлар, аммаси билан онасининг назоратидан бир пас четда қолишни хоҳларди. Шундай кунларнинг бирида ҳовли негадир жим-жит бўлиб қолди. Уйдагилар қаергадир кетган ёки энг четдаги хонада қандайдир иш билан андармон эди.

Неча кундан бери ўйланган режасини амалга ошириш пайти келганини сезган Лайло кийимини тезда кийиб, сумкасини елкасига илди-да, хонасидан чиқди. Дарвозадан узоқлашар экан, қадрон уйи, ота-онаси, оппоқ орзуларидан айрилиб, олис, ҳали номаълум бир жойга кетиш олдидадан бўғзига нимадир тикилди. Кўзларидан тизгинсиз ёш куюлиб келарди. Ҳаёли паршонинг бир ҳолда кўчани кесиб ўтар экан, ўқдай учи келаётган машинадан ўзини четга олишга улгурмай қолди...

Тўй таратқулидаги хонадонни Манзуранинг еру кўкниларзага солувчи фарёди тутди. Ҳа, Ҳайдар Нўмоновичнинг қилган гуноҳи эвазига ёлғизгина жигарбандининг ҳаёти барбод бўлган, фожиали тугаган эди. Аммо буни унинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмасди...

Умида
БОЛЛИЕВА.



Кўнглисиз туш кўриш... Фойдалидир

ЁКИ КўРГАН ТУШИНГИЗ КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА АСҚОТАР ЭКАН

— Баъзи касалликлар дастлабки босқичида, ҳали мутахассислар тахис қўя олмайдиган бир пайтда кишининг тушида аён бўлиши мумкин, — дейди парансихолог Карина Карева. — Бу аломатларни ҳар қандай одам пайқаш мумкин. У бундай белгиларни сезиши билан шифокорга мурожаат қилгани маъқул. Хўш, мазкур белги-аломатлар нималардан иборат?

АРТРИТ ХАСТАЛИГИ ПАЙДО БЎЛА БОШЛАСА, тушида кишининг танидаги шамоллаш жараёни кечаётган аъзо ёки жойга бирор нарса санчилади. Баъзан тушда қўл-оёқ уюшиб қолиши мумкин ёки бармоқларни қисқич қисиб қолади.

АЛМОЙИ-ЖАЛМОЙИ ТУШЛАР мия ёки кўз хасталикларидан дарак беради. Одатда бошингиз оғриб уйғонасиз.

ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР БОШЛАНИШИДА киши уйқусида улкан, қудратли машина остида қолади, деворга урилади ёки уни даҳшатли маҳлуқ тириклайин еяётган бўлади.

ҚОН АЙЛАНИШ ТИЗИМИНГИЗ ХАСТАЛАНИШГА МОЙИЛ БЎЛСА, тушингизда қор ёки муз устида ялан-тоёқ сайр этасиз.

ЭНДИ-ЭНДИ ЮРАК ХАСТАЛИКЛАРИ БОШЛАНАЁТГАНДА киши ту-

шида кўксига қўлига илинган нарса билан ураётган бўлади, қулоғига барабан садолари эшитилади, уни ўлим ваҳимаси босади.

ГРИППГА ЧАЛИНИШИНГИЗДАН ОЛДИН алкаш-чалкаш йўлларда кимдир сизни таъқиб қилади, ҳатто бошингизга уриши ҳам мумкин.

ЎПКА ХАСТАЛИГИДА нафас етишмай уйғониб кетасиз. Кўпинча тушингизда чўкиб кетаётган бўласиз, кўксингизда қаттиқ оғриқ пайдо бўлади.

ОШҚОЗОН-ИЧАКДА ЯРА ПАЙДО БЎЛСА, тушингизда кўнглинги озади, айниган, бадбўй овқатни ейишга мажбурламоқчи бўлишади.

КУЧЛИ СТРЕССДА қуш ини, соат маятнги тушингизга киради, жароҳатланадиган бўласиз, гўёки ярангиздан қон оқаётган бўлади.

ОРГАНИЗМ ЧИДАМЛИ БЎЛСИН



чанликни ошириши, шунингдек, ҳар хил шишларни йўқотиш хусусиятига эга экан. Худди шундай хусусият шоколад ҳам бўлиб, таркибида бўлган какаодаги ҳар хил оксидлар юрак қон томирлари фаолиятини ҳам яхшилайди. Албатта, шоколад юқори сифатли бўлиши керак.

Саримсоқпиез минг йиллардан бери инфекцияларга қарши курашда энг яхши восита сифатида қўлланилиб келинаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳар куни икки бўлакча саримсоқпиезни пишлоқ билан истеъмол қилсангиз, танадаги касалликка қарши курашувчанлик қобилияти сизни асло тарк этмайди.

Ҳар бир оилада осуда ва тинч ҳаёт тарзи бўлса, хоналар тоза, озода бўлиб, улардан ёқимли ҳидлар таралиб турса танангиз ҳузур қилади. Иштаҳангиз яхши, ҳаёт тарзингиз осуда бўлади. Бу ўз-ўзидан танангиздаги касалликларга қаршилик қилувчи куч-қувватни оширади.

Агар аксинча бўлса, яъни зўриқиб ишлаш, уйқусизлик, бўлар бўлмаста жанжаллашишлар, ҳар нарсадан хавотирланиб, қийналиб, асабийлашиб яшашлар бу қобилиятни пасайтириб юборади.

Шундай экан, ўзингиз учун ҳамма нарсадан ширин ва азиз бўлган саломатлигингиз, бойлигингиз ўз қўлингизда эканлигини асло унутманг.

Лола АХМЕДОВА тайёрлади.

Аввало, ҳар қандай касалликнинг олдини олишда энг яхши восита соғлом ҳаёт тарзи, тўғри овқатланиш ҳисобланади. Ҳар бир киши кундалик овқатланиш тартибига риоя қилиб, истеъмол қиладиган маҳсулотларидан ўзи учун керакли бўлган А, С ва Е дармондориларини ололса, танасидаги касалликларга қарши курашувчанлик хусусиятини мустақкамлайди. Дармондорилардан ташқари ҳар хил вирусли касалликлардан ҳимоя қилувчи хусусиятга эга бўлган рух моддасини ҳам табиий маҳсулотлардан олиши мумкин. Бу модда асосан балиқ, бугдой, тухумнинг сариғи ва ҳоказоларда кўп бўлади. Спиртли ичимликлар эса ўз навбатида рух моддасининг камайишига олиб келиши аниқланган. Тўғри, дорихонадан рух моддаси бор таблеткаларни олиб истеъмол қилиш мумкин. Гап шундаки, танадаги рух моддаси кунига 7 мг дан ошмаслиги керак, уни табиий маҳсулотлардан олиш энг тўғри йўл ҳисобланади.

Яна қўзиқорин ҳам инсон танасидаги касалликларга қарши курашув-



ТРАВМАТИЗМ

**ЭҲТИЁТСИЗЛИК
ОҚИБАТИДИР**

Инсоннинг вақтинча иш қобилияти йўқолишига, ҳатто ўлимига сабаб бўладиган травматизм, яъни шикастланишга йўлқаслик учун нималарга амал қилмоқ зарур? Шикастланган одамга қачон ва қандай ёрдам кўрсатилади. Республика Соёлиқни сақлаш вазирлиги Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти шошилинч ёрдам кўрсатиш бўлими мудри, олий тоифали травматолог Фарҳод КЕНЖАЕВ ана шулар ҳақида гапириб берди.

— Гоҳида умрбод ногирон бўлиб қолишга ёки ўлимга сабаб бўладиган травматизм ишлаб чиқаришда, транспортда, турмушда, кўчада, спорт билан шуғулланиш пайтида ортирилиши мумкин. Ишлаб чиқариш травматизми кўпроқ техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, ишчилар малакасининг етарли эмаслиги, иш жойининг ноқулайлиги, меҳнат анжомларининг тўғри ўрнатилмаганлиги боис юз беради. Таҳлилларга кўра, республикамизда турли жароҳатланишларнинг 5 фоизи йўл-транспорт ҳодисалари сабабли юз беради. Шунингдек, жароҳатланиш, шикастланишлар туфайли ногирон бўлиб қолганларнинг тўртдан бир қисми, вафот этганларнинг учдан бир қисми йўл-транспорт ҳодисаларига учраганлардир.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда ҳайдовчиларнинг жисмоний ҳолати алоҳида аҳамиятга эга. Бироқ айрим автокорхоналарда йўлга чиқариш олдида ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказишга эътибор қилинмайди. Йўловчи ташийдиган шахсий транспорт эгаларини эса тиббий кўрикдан ўтказилмаётгани ташвишланарли. Бу эътиборсизлик йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқишига замин яратмоқда. Бундан ташқари айрим ҳайдовчиларнинг маст ҳолда транспорт воситаларини бошқариши ҳам кўпчиликнинг ҳаёти ва саломатлиги учун хавф туг-

дирмоқда. Маълумотларга кўра, йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳатланганларнинг ўттиз фоизга яқини даволаш муассасаларига тез тиббий ёрдам машиналарида, 70 фоиздан ортиғи эса йўловчи транспортларда олиб келинади. Тез тиббий ёрдам станциялари, бўлимлари, даволаш муассасалари ҳамда ЙПХ масканлари ўртасида ишончли телефон алоқалари жуда кам.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

● Шикастланганда биринчи ёрдам кўрсатиш жуда муҳим. Бунинг учун бахтсиз ҳодиса юз берган жойининг ўзида шикастланган одамнинг синган суякларни қимирламайдиган тарзда махсус шина ёки тахтача билан вақтинча маҳкам боғланади. Шунда у транспортга олинганда синган суяк ўрнидан қўзғалиб кетмайди. Суяк очик синганда ёки қўл-оёқнинг анча жойи шикастланганда эса инфекция тушиши мумкин. Синган суяклар қимирлаб, оғриққа сабаб бўлади, шикастланган аъзонинг томир, асаб толалари ва бошқа тўқималарга зарар етказилади.

● Шикастланган жойни зудлик билан шиналаш лозим. Тахтакачларда беморнинг кийими ечилмайди, чунки ҳаракатланиш қўшимча жароҳатланишга сабаб бўлиши мумкин. Суяк туртиб чиқиб турган жойларга олдин пахта қўйиб, кейин шинани дока ёки гипс билан боғланади (донмиш тахтакачларда). Шина қўйилган жой-

да жароҳат (кесилиш, ёрилиш в. б.) бўлса, олдин асептик боғлов қўйиб, кейин бинг билан ўралди (кийимлари бўлса, кесиб олинади). Шикастланган жойдан қон оқаётган бўлса, аввал қон тўхтатувчи жгут қўйиб, кейин шиналанади, лекин бинг билан ўралмайди. Бунда жгут қўйилган вақт белгилаб қўйилиши лозим. Шина қўйганда бинг билан сиқиб боғламаслик керак, чунки қон айланиши бузилади. Қон совуқ бўлса шиналанган жой иссиқ нарса билан ўраб қўйилади. Шина калта бўлмаслиги керак.

● Бўйин синганда одам чалқанча ётқизиблиб, боши бироз орқага кўтарилади. Бўйини тагига ёстиқ ёки кийимни тахлаб қўйиб, бошининг икки ёнига ёстиқча қўйилади.

● Елка суяги синганда тирсакни букиб, қўлнинг ташқи томонидан тахтача ёки фанер парчалари ёрдамида елка бўғими билан бирга тахтакачланади.

● Билак суякларини синганда тирсак билан бўғимлари қўшиб боғланади.

● Қўл панжалари шикастланганда кафт орасига пахтадан контоқча, сон суяги синганда эса оёқнинг ички ва ташқи томонидан шина ёки тахта қўйилиб маҳкам боғланади (ташқи тахта қўлтиқ остига етиши керак).

● Умуртқа поғонаси ва чаноқ суякларини шикастланганда беморни ўрнидан қўзғатиш мумкин эмас. Зудлик билан тез тиббий ёрдам чақирин зарур.

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА тайёрлади.

Маккор дўст
энг хавфли душман-
дир, дейишади. Ҳақиқат-
дан ҳам шундай. Ҳеч қаер-
да ишламайдиган Комил ҳам
дўст қиёфасида Валера ва
Руслани ўз измига солиб
олди. Қулларнинг бирида
уч «қадрдон» Комил-
нинг уйига тўпла-
нишди.

Уч ҳамтовок ҲИБСДА

— Пулинг бўлмаса ҳеч кимга керагинг йўқ, — дея гап бошлади Комил. — Шунинг учун бойиш йўллари излашимиз керак.
— Қандай қилиб? — қизиқиб сўради Руслан.
— Бу жуда осон. Пухта режа тузиб, тунда «ов»га чиқамиз. Урганч шаҳридаги Амир Темур истироҳат боғи ҳудудида «Тир» бор. Ўша ердан милтиқларни ўғирлаймиз. Аммо «Тир»нинг эшик ва деразалари темир панжара билан қопланган. Шунинг учун бор маҳоратимизни ишга солишимиз зарур.
— Темир панжараларни қандай бузамиз? — елка қисганча сўради Валера.

— Махсус мослама бор. Агар биз буни удаласак кейинги ишларимиз осон кўчади.
Хуллас, тунги қароқчилар Урганч туманида яшовчи Гулбаҳор Курёзовага тегишли бўлган «Тир» ичидан баҳоси 50 минг сўмдан турадиган беш дона пневматик милтиқ, 850 дона ўқ ҳамда сейф ичидаги 8000 сўм пулни ўмариб кетишди. Ишнинг ҳамирдан қил суғургандек силлиқ кўчгани Комил ва унинг шерикларини беҳад қувонтирди.
Орадан тўрт кун ўтгач, Комил шерикларини яна уйига таклиф қилди. Улар бу гал Урганч шаҳридаги яхши-

гина даромад келтираётган «Кўҳна қалъа» корхонасига қарашли кафе-барни «нишон»га олишди. Талончилар тунда бу ердан 551 минг сўмликдан ортиқ озиқ-овқат ва саноат молларини ўғирлаб, Комилнинг уйида «арра» қилишди.
Текин даромадга эга бўлган Руслан «ўйин»дан чиқиб кетмоқчи бўлди. Аммо Комил бунинг иложи йўқлиги, мабодо қўлга тушиб қолса, албатта ўзи билан уни ҳам тортиб кетишини айтди. Ҳали 16 ёшга ҳам тўлмаган Руслан бу гапни эшитгач, Комилга содиқ бўлишга ваъда берди. Талончилар яна жинойи тил бириктириб, кечаси Урганч

шаҳрида яшовчи Гўзал Бердиевага тегишли дўкондан 136 минг сўмлик юмшоқ ўйинчоқларни ўғирлаб, Комилнинг уйига олиб келишди. Ҳеч қанча вақт ўтмай шаҳардаги Исмоил Отаевнинг тикувчилик цехидан 170 минг 100 сўмлик турли кийим-кечаклар ва матоларни ўмаришди.
Текинхўрлар бир ҳафта мобайнида ўғирлик молларни сотиб, базму жамшид қилишди. Кейин уч қароқчи яна «ов»га отланди. Улар бу сафар Урганч шаҳридаги ерости йўлида жойлашган Эргаш Раззоқовга тегишли дўконга кўз олайтиришди ва у ердан 917 минг сўмлик телевизор, аудиоманитофон, фотоаппарат каби қимматбаҳо молларни олиб кетишди.
Тунги қароқчилар ҳар қандай ноҳўя ишнинг охири вой эканлигини унутиб қўйишган эди. Урганч шаҳар ИИБ ходимлари томонидан олиб борилган тезкор ҳаракатлар самара бериб, гумондорлар ушланди.
Худойберган ЖАББОРОВ.

ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА
2006 йил 24 март куни Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Повулгон қишлоғидан оқиб ўтадиган Жанубий Фарғона каналидан Европа миллатига мансуб номаълум аёл кишининг мурдаси топилган.
Белгилари: бўйи 155-160 см, ўртача гавдали, сочи калта, оқ оралаган, юзи думалоқ, кўзлари кўкиш, қошлари сариқ, сийрак, тишлари йўқ.
Кийимлари: эгнига қизил, сариқ, сиёҳранг, яшил, мовий ранг гуллари бор синтетик матодан тикилган кўйлак кийган.
Аёлни таниган ёки билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёки Олтиариқ тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.

2006 йил 16 февраль куни кеч соат 22.00 ларда ҳайдовчи Абдурашид Усенбаев «Тико» русумли 10 У 1147 давлат рақамли автомашинасида Тошкент халқа йўлида бораётиб Юнусобод тумани ҳудудидаги Бўзсув канали кўприги устида тахминан 65-70 ёшлардаги Осиё миллатига мансуб аёлни уриб юборди ва воқеа жойидан қочиб кетади. Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармаси йўл-транспорт ҳодисаларини тергов қилиш бўлими томонидан воқеа жойида ҳалок бўлган аёлнинг шахси аниқланмоқда.
Белгилари: бўйи 165 см, ўртача гавдали, сочлари жигарранг, оқ оралаган.
Кийимлари: эгнида оқ рангли, ялтироқ, энги калта жемпер, қизил рангли жемпер, сиёҳранг пальто, қора рангли гамаш, бошида жигарранг жун рўмол, оёғида калиш бўлган.

2006 йил 2 апрель ярим тунда фуқаро Рихсибой Саъдиев «Опель» русумли 30 М 1574 давлат рақамли автомашинасида Юнусобод туманидаги «Янгиобод» чойхонаси қаршисида тахминан 35-40 ёшлардаги Осиё миллатига мансуб эркак кишини уриб, ҳеч қандай ёрдам кўрсатмай қочиб кетади. Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармаси йўл-транспорт ҳодисаларини тергов қилиш бўлими томонидан воқеа жойида ҳалок бўлган эркак кишининг шахси аниқланмоқда.
Белгилари: бўйи 170-175 см, тўла гавдали, юзи думалоқ, сочлари калта, қора.
Алоҳида белгилари: тишларининг пастдан учтаси ва чап томон тепасидаги тўрттаси сариқ металлдан.
Кийимлари: эгнида оқиш рангли спорт кийими, оёғида 42 ўлчамли туфли бўлган.
Шахси номаълум аёл ва эркакни таниган ёки билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёхуд Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармасининг йўл-транспорт ҳодисаларини тергов қилиш бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

Навбатчилик қисми хабарлари

ПАДАРКУШ

Андижон вилояти Жалолқудуқ туманидаги «Тешиктош» сув тақсимлаш иншоотидан эркак кишининг қўл-оёқлари боғланган ҳолдаги жасади топилди. Текширувлар натижасида марҳум ушбу туманда яшовчи, 1950 йилда туғилган У. Абдуллаев эканлиги маълум бўлди. Тергов жараёнида эса ушбу жиноятни унинг ўғли Алмазбек содир этгани аниқланди.

ЖИНОЯТ УСТИДА УШЛАНДИ

Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида яшовчи Т. Жаҳонгир қинғир йўл билан пул топиш илинжида изғий бошлади. У Амир



Темур кўчасида жойлашган дўконга кирганида пештахталарда турган турли хил маҳсулотларни кўриб кўзи ўйнади. Бир зумда бойиб кетишини ўйлаган талончи қандай қилиб сотувчига пичоқ ўқталганини ўзи ҳам сезмай қолди. У савдо ходимидан пул талаб қилаётган вақтида ИИБ ходимлари томонидан ушланди.

ҚАЛБАКИ ПУЛЛАР

Жиззах шаҳар ИИБ тезкор ходимлари қалбаки пулларни муомалага киритмоқчи бўлган шахслар ҳақида хабар топдилар. Ўтказилган тезкор тадбир чоғида олинган маълумот ўз тасдиғини топди. Сохтакорлар 500 дона 1000 сўмлик купораларни ўтказишга

ҳаракат қилган Х. Мурод ва муқаддам судланган И. Шавкат бўлиб чиқди. Улардан компьютер, принтер ва бошқа жиҳозлари далилий ашё сифатида олинди.

ЁМОННИНГ БИР ҚИЛИҒИ ОРТИҚ

Муқаддам судланганига қарамай, ақлини йиғиштириб олмаган, ҳеч қаерда ишламайдиган қўқонлик М. Ҳасан уйда келини билан жанжаллашди. Шовқин-сурондан хавотирга тушган тўрт нафар ҳаммаҳалласи уни тинчлантирмоқчи бўлиб, уйига киришганда газаб отига минган хонадон соҳиби қўлига пичоқ олиб, йигитларга ташланди. Шу тариқа уларнинг барчасини жароҳатлади. Ички ишлар ходимлари томонидан ҳибсга олинган қайнота қилмишига яраша жавоб беради.

ЯШАШНИ ИСТАСАНГ... ПУЛ БЕР!

Икки кимса Қарши шаҳрилик И. Исмоил ва унинг фарзандларини ўлдирмаслик эвазига катта миқдорда пул талаб қилишди. Бундан хабар топган ички ишлар ходимлари тезкорлик билан иш кўриб, товламачиларни жабрланувчидан 400.000 сўм пулни олаётганларида қўлга олишди. 1958 йилда туғилган Т. Абдурашид ва 25 ёшли А. Нурилалар Косон туманидан бўлиб, пул топишнинг қинғир йўлини танлашган экан.

ОТ КИМНИКИ — ЭГАСИНИКИ

Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туманида яшовчи М. Бойманбетов яхши ният билан тўртта от боқайтган эди. Номаълум шахслар унинг ҳовлисига кириб, боғлаб қўйилган жониворларни ўмариб кетишди. Қидирув-суриштирувлар натижасида ўғри қўлга олинди. У шу туманда яшовчи И. Тоғабек бўлиб чиқди. 24 ёшни қаршилаган бу йигит яқинлари ва танишлари орасида энди «от ўғриси» деган ном оладиган бўлди.



И. МИНОВАРОВ,
ИИБ Матбуот маркази ходими, майор.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Республика ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ музейи бошлиғи, полковник И. Раҳимовга онаси **ШАРИФА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Республика ИИБ Молия-иқтисод бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма катта инспектори, катта лейтенант Т. Балахановга онаси **Бибиойша КЕТЕБАЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилар жамоаси кафедра бошлиғи, полковник И. Исмоиловга акаси **Солижон АБДИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.


Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар жамоаси ва фахрийлар кенгаши истеъфодаги полковник **Маъмуржон НИШАНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Чиноз тумани ИИБ терговчиси, капитан А. Тешабоевга падари бузруквори **ИСЛОМ** отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, полковник Н. Шукуровга онаси **НОРБЕГИМ** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Чиноз тумани ИИБ ЖК ва УЖКҚБ катта тезкор вакили, катта лейтенант У. Акбаровга падари бузруквори **УКТАМ** отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

МАРҲУМЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИГА АЛЛОҲ САБР БЕРСИН



*Сочинг тўлқинига чулганган қанча,
Кўзинг ёлқинида чўлганган қанча,
Табассумингдан сўнг неча ким беҳуш,
Қаддинг соясига тиз чўккан қанча!
Юраклардан чиққан мадҳимиз шудир,
Гўзаллик маъбуди, борингга шукр!*

Газетамиз саҳифаларида реклама ёки эълон беришни истайсизми?
Марҳамат!
Мурожаат учун телефонлар: 139-73-88 139-75-37
Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@globalnet.uz



(Хайрулла иш столида нима-нидир ёзаяпти. Телефон жиринглайди. Хайрулла гўшакни олади.)

Хайрулла – Алло... Эшитаман. Ҳозир етказаман... Узоғи билан ярим соатда. Албатта, албатта... Ўзим олиб бораман. Хўп...

(Гўшакни қўяди. Тезлик билан ёза бошлайди. Шу пайт хона эшиги очилиб, дўсти **Ҳошим** кириб келади.)

Ҳошим – Саломлар бўлсин... Ўзимга мумкинми? Мумкин. Ҳорма, жуда мук тушиб олибсан.

Хайрулла – Отчёт тайёрлаётган эдим.

Ҳошим – Тайёрлайвер... Мен бир қўнғироқ қилиб олай.

(Хайрулла иш билан банд. **Ҳошим** рақам теради. Сўнг товуши борича бақириб сўзлайди.)

Ҳошим – Алло... Шокирбек, ўзингмисан?... Кеча дуруст дам олдингми? Хўп маза бўлди-да. Ҳа... менми... Менга қолса кунига дам бўлса, ҳафтада байраму, ўртада бир кун бўлиб, у ҳам кечагидек тўй бўлса... Ҳа... Ҳа... Ҳа... Жонивор майда коньякнинг мазасини қара... Бир бўш шишаси ҳалиям чўнтагимда юрибди... Ўзиям кечагида шуни бўшатгандан кейин тугалди-ов... (қулади.) Ҳа... Ҳа... Ҳа... Келаси отдиҳ? Қаерда ўтиришамиз? Сеникидами? Нима? Гап-



Алп ЖАМОЛ

ни чўзма дейсанми? Нима иш кўпми? Э, қизиқмисан, иш бўлса бўлар! Яна бир гап...

БЕТАМИЗ

Хайрулла – (ўзича.) Гапинг курсин. Уфф...

(У ёқда гўшакни қўйиб қўйган бўлади.)

Ҳошим – Алло... Алло... Оббо Шокир-ей... Тажанг-да, тажанг... Хўш, бўлдингми, Хайрулла?... Энди менга қара, икки оғиз сенда гап бор. (Юз граммлик пиша идишни кўрсатади.) – Жониворни ихчамлигини қара. Шуни очасан-у, илитилган тухумдек, лўқ-лўқ ютасан... Стаканнинг кераги йўқ. Жуда мўлтиллаб қолдинг... Карахтсан, дейман-ов...

Хайрулла – Отчёт...

Ҳошим – Ярим минут... назаримда карахтсан... рангинг оқариб турибди.

Хайрулла – Тўғри, рангим оқариб турибди. Яна бир оз турсанг кўкариб кетади...

Ҳошим – Ие... бу зам-заминг нимаси?

Хайрулла – Ахир оғайни, иш вақти бўлса?! Отчёт ёзаяпман...

Ҳошим – Ёзавур, нима, мен ёзма, деяпманми?

(Телефон жиринглайди.)

Хайрулла – Алло... Эшитаман. Нимаиди? Ҳаммом, бу ер ҳаммом эмас.

Ҳошим – Ҳаммом дейдими. (қулади.) Ҳи... Ҳи... Ҳи...

Хайрулла – Мен ҳаммомнинг телефон рақамини қаердан билай? Справочникдан сўранг... Ҳа, қанақа эзма-сиз?!
(Жаҳл билан гўшакни жойига қўяди. Ишга машғул бўлади.)

Ҳошим – Нима, деб эзмалик қиляпти, ким ўзи?

Хайрулла – Ким биледи дейсан, бир эзмадир-да.

Ҳошим – Дўстим, дейман. Бу эзмалик ҳам бир касалда-а?

Хайрулла – (хатдан кўзини узмай.) Яхшики, юқумли эмас.

Ҳошим – Тўғри айтасан, юқумли эмас. Эзмаликни асли келиб чиқиши нимадан бўлар экан? Дўхтирлар кўп касални боддан, дейишади. Эзмалик ҳам боддан бўлармикин?

Хайрулла – Эзмалик ё боддан бўлади ёки бетамизликдан, сеники нимаданийкин?!

ЮРИДИК АТАМАЛАР ИЗОҲИ

БИЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқларидан ҳисобланади. Унга асосан, ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистонда умумий таълим олиш бепул, яъни умумий таълим олиш учун ҳақ тўланмайди. Умумий таълимга эга ҳар бир киши олий ва ўрта-махсус таълим олиш ҳуқуқига эга. Билим олиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган.

БОШ ВАЗИР – Ўзбекистон Республикасида ҳукумат ишини ташкил қилувчи, уни йўналтириб турувчи юқори мансабдор шахс. У биринчи ўринбосар ва ўринбосарларга эга.


БУРЧ – қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган айрим ҳаракатларни содир этиш, айрим ҳаракатларни содир этишдан эса тийилишидир. Бурчни адо этмаслик турли жавобгарликларга

тортиш ва жазолашга сабаб бўлади.

ВАЗИР – мансабдор шахс, миллий давлатчилик тарихимизда давлат бошлиғи тайинлайдиган ва турли соҳаларни бошқаришда унга ёрдам берувчи амал эгаси бўлса, ҳозирги кунда вазир мамлакатимизда турли тармоқ ва соҳаларни бошқарувчи марказий идораларнинг бошлиғидир.

(Давоми бор).

РАССОМ ХАНДАСИ



Текширувчига қарши ...



Изоҳнинг ҳолати йўқ

Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмунли ва ранг-баранг чиқишида сизнинг фикрларингизни билиш ниятидамыз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга қўнғироқ қилинг!



Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса куйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Телефон: (371) 139-73-88

Соат 9.00дан 21.00гача

О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Bosh muharrir
Aziz ERNAZAROV

Bosh muharrir o'rinbosari
Murod TILLAYEV
Mas'ul kotib **Erkin SATTOROV**

Navbatchi: **Sadriiddin Shamsiddinov**
Sahifalovchilar: **Zokir Boltayev**
Nikita Slavgorodskiy
Matn ko'chiruvchi: **Gulnora Sodiqova**

Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Kelgusi sonda uchrashguncha xayrl!

MANZILIMIZ:
700029, Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60;
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001, MFO
00421. «Ipaq yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat bankining
Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-
matbaa ijodiy uyi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Alisher
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2304. Bosilish - ofset usulida. Hajmi - 6 bosma taboq. 55898 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.